O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 31 dekabr, chorshanba | № 104 (7609)



БОЛАЛАР КУТГАН БАЙРАМ

Янги йил барча байрамлар ичида энг қувончли ва мўъжизакори. Қувончлиси шундаки, байрам яқинлашгани сари барча ёшдаги кишилар, айниқса, болажонлар шодланишади. Арчаларни безаб, уй, мактаб, боғчаларини ўйинчоқ ва зарларга тўлдириб ташлайдилар. Биз кўз ўнгимизда, шууримизда эски йил билан хайрлашиб, янги йилни бир-биримизга эзгу тилаклар тилаган ҳолда кутиб оламиз. Ҳозир юртимизда мана шу гўзал байрам руҳи кезмоқда. Дунё болалари сингари Ўзбекистонимизда улғаяётган болажонлар ҳам Янги йилни зўр тантана билан кутиб олмоқдалар. Болажон халқимиз ҳар доим болам деб яшайди. Уларнинг бекаму кўст, шодон болалик ила улғайиши учун ҳамма нарсага тайёр туради. Бола кулса, олам кулади, дейдилар. Шу боис бўлса керак, ширингина ўғил-қизларнинг қиқир-қиқир кулишларини кўрсак, барча чарчоқларимиз унут бўлади.

Меҳрга илҳақ қалбларга меҳр улашиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, бир-бирига оқибатли бўлиш каби фазилатлар халқимизга хос эзгу қадриятдир. Шу боис кириб келаётган 2004 йилимизнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Кейинги йиллар мобайнида юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи кичкинтойлар учун «Президент арчаси» байрамини ўтказиш, уларга совғалар улашиш эзгу анъанага айланди.

Куни кеча «Туркистон» саройида бошланган «Президент арчаси» ҳам ана шу хайрли анъананинг давоми бўлди. Эрталабдан майдалаб ёққан ёмғир саройнинг ташқи кўринишига ажиб бир кўркамлик бахш этди. Рангбаранг кийимларда, ясаниб олган болажонлар карнай-сурнай наволари билан кутиб олинди. Пойтахтимизнинг барча меҳрибонлик уйларидан тўпланган кичкинтойлар саройнинг фойесида безатилган «Президент арчаси» атрофига тўпланишди. Турли-туман ўйинчоқлари, ялтироқ тасмалару чироқлари билан кўзни қамаштираётган арча ёнига қувноқ қуй-қўшиқлар остида ўзбек халқининг севимли қаҳрамонлари — чол ва кампир, масхарабоз, шум бола даврага чиқиб, болажонларни янги йил байрами билан муборакбод этдилар. Уларга саволлар бериб, билимларини синовдан ўтказдилар. Шундан сўнг ҳамма биргаликда Қорбобо ва Қорқизни даврага чорлаб, шўх-шодон қуй-қўшиқлар, дилтортар рақсларнинг гувоҳи бўлишди.

Prezident archasi

Байрам томошаларининг иккинчи қисми эса саройдаги томошалар залида давом этди. «Томоша» гуруҳи байрамга йиғилган болажонларга ўз чиқишлари билан кўтаринки кайфият бағишлади. Болажонлар учун махсус тайёрланган «Мен! Сен! Биз! Дунё кезамиз!» мусиқали спектакли намойиш этилди. Иззат ва Улфатойлар бошчилигида барча болажонлар дунё бўйлаб саёҳат қилдилар. Янги йилни дунё халқлари қандай кутиб олишлари ҳақида билиб олдилар. Томошадан кейин барча болажонлар учун кутилган дақиқалар етиб келди. Президентимизнинг янги йил совғалари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига улашилди.

— Байрамга келишим учун эрталабдан чиройли кўйлагимни кийиб олдим. Менга бу ердаги томошалар жуда ёқди. Совғалар ҳам жуда чиройли экан. Ичида ширинликлари кўп,—дейди 24-меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси етти ёшли Зулайҳо Қодирова. Шу даргоҳнинг яна бир тарбияланувчиси Жасур Эргашев ҳам бугунги байрамдан мамнун бўлганини айтди.

«Президент арчаси» байрам томошалари мамлакатимизнинг барча вилоятларида 10 январгача давом этади. Демак, яна минг-минглаб болажонларнинг қалби қувончга, дили ишончга тўлиб бораверади.

"Туркистон" саройидаги тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири.

Суратларда: Байрам тантаналаридан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 29 dekabr kuni Oqsaroyda Tojikiston Respublikasi Bosh vaziri Oqil Oqilovni qabul qildi. Oqsaroydagi uchrashuvda O'zbekiston-Tojikiston munosabatlariga oid dolzarb masalalar, jumladan, transport kommunikatsiyalari va suv-energetika zaxiralaridan foydalanishda hamkorlikni yanada rivojlantirish yuzasidan fikr almashildi.

YANGI HAVO YO'LI

Yangi yil arafasida «O'zbekiston havo yo'llari» milliy aviakompaniyasi samolyotlari xalqaro qatnov ko'lamini yanada kengaytirdi. Yaponiya, Xitoy, Malayziya, Tailand kabi Osiyo davlatlari qatoriga Vetnam ham qo'shildi. Endi poytaxtimizdan ko'tarilgan havo kemasi etti soatlik masofani ortda qoldirib, qit'amizning Janubi-Sharqiy mintaqasidagi Vetnamning yirik sanoat markazi Hoshimin shahriga borib qaytadi.

KICHKINTOYLAR MAMNUN

Yangi yil arafasida poytaxtimizdagi barcha mehribonlik uylari, maxsus maktab-internatlarning tibbiy ko'makka muhtoj o'quvchilari uchun qiziqarli tomoshalar o'tkazilmoqda. Toshkent shahar hokimligi, «Mahalla» xayriya jamg'armasi va «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining shahar bo'limi tomonidan tashkil etilgan bu tadbirda bolalar uchun bayram dasturxoni yozilib, turli sovg'alar kiyim-kechak, o'quv qurollari, kitoblar topshirilayotir.

Respublika o'g'irchoq teatri hamda Yosh tomoshabinlar teatri, yosh estrada yulduzlari ishtirokidagi musiqiy shou-dastur bayramga alohida shavq-zavq baxsh etmoqda.

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАК УЧУН КУРАШМОҚДА

АҚШ 2002 йилда Афғонистон муаммоси, жорий йилда эса Ироқ билан овора бўлиб қолганига қарамасдан, Марказий Осиёдаги янги стратегик ҳамкори — Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тақдирига катта қизиқиш билдирмоқда.

2002 йил бошида Ўзбекистондаги йирик ҳаво базаси АҚШнинг «Толибон»га қарши ҳаракатларида муҳим нуқтага айланди. АҚШ ҳарбийларининг бир қисми ушбу базада жойлашиб турибди. Қолганлари эса шарқий Афғонистон тоғларида Усама бин Лодин макон тутган ўрғимчак ининни изламоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига асосланган демократик республика қуриш йўлида олдинга етаклаш билан бир вақтда Усама бин Лодиннинг «Ал-қоида» ташкилоти билан яқин ҳамкорликда бўлган кичик жангари гуруҳларга қарши мунтазам курашиб келмоқда.

Мамлакат пойтахти Тошкент шаҳрида 14 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлган портлашлардан сўнг Ўзбекистон ҳукумати ўша вақтда Афғонистондаги «Толибон» режими ҳимояси остида эмин-эркин фаолият кўрсатган «Ўзбекистон исломий ҳаракати»га қарши чора-тадбирларни авж олдирди.

Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари шу пайтга қадар зўравонликлардан тийилган, аммо ҳукумат наздида мамлакатда Толибон кўзлаган тизимга ўхшаш режим ўрнатишни мақсад қилган «Ҳизб-ут-таҳрир» ва бошқа махфий исломий ташкилотларга аъзо, аксари ёшлардан иборат 4 мингдан ортиқ кишини ҳибсга олган.

Аммо ғарб матбуотида, АҚШ департаменти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари орасида Ислом Каримовни танқид қилувчилар топилади.

«Исломнинг икки юзи» китоби муаллифи, ислом экстремизми бўйича таниқли матахассис Стефен Шварцнинг фикрича, бундай танқидлар юзакидир. «Амалдаги ҳукуматни ағдариб ташлаб, ислом халифалигини ўрнатиш учун яширин фаолият олиб бораётган шахслар бундан ортиқ яна қандай радикаллашиши мумкинлигини англаш қийин», деди у «Insight»га берган интервьюсида.

«Халқаро кризис гуруҳи тайёрлаган ҳисобот тўлалигича «Ваҳҳобийлик», «Ҳизб-ут-таҳрир» мисолидаги радикалларнинг таҳдидини пасайтириб кўрсатишга қаратилган», - деди С. Шварц.

Жаноб Шварцнинг «Weekly Standart» журналида чоп этилган мақоласида ёзилганидек, «Ҳизб-ут-таҳрир» каби гуруҳлар ҳали қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширмаган бўлса ҳам қўпорувчиликка имкон яратадиган вазиятни тайёрламоқда».

«Террор фаолияти билан шуғулланаётганларга қараб экстремал идеология тарафдорларини аниқлаш террорчиликка қарши курашга зарар етказмайди. Террорчиликка зарар етказадиган нарсалар душманни аниқлаш эмас, балки заифлик, журъатсизлик ва кечирувчанликдир».

Айни кунда «Ҳизб-ут-таҳрир» Лондондаги бош қароргоҳида эркин фаолият олиб бормоқда. Аммо у Марказий Осиёнинг барча давлатларида, Яқин Шарқ минтақасининг деярли ҳамма ўлкаларида қонунан таъқиқланган. Унинг идеологияси радикал исломий давлат қуриш ва ўрта асрлардаги Араб халифалигини қайта тиклашга қаратилган.

1953 йил Қуддусда иш бошлаган мазкур ҳаракат Шўро Иттифоқи парчаланган 1991 йилдан Ўзбекистонга жуда кўп вакиллари ва миссионерларини жўнатди. Ҳаракат яширин фаолият олиб боргани учун унинг аъзоларининг сони аниқ эмас.

«Ҳизб-ут-таҳрир» адабиёти яҳудийликка қарши, уларнинг баъзилари эса чиндан ҳам жуда хавфли.

11 сентябр воқеаларидан уч ой илгари «Ҳизб-ут-таҳрир» томонидан чиқариладиган «Ал-Ваъй» журналида қуйидаги хабар тарқатилган:

«Иймонли мусулмон динсизларга қарши жангнинг барча усулларидан фойдаланиши шарт. Бу ҳолларда биз масофада туриб қурол билан жанг қиламизми, ёки ҳеч қандай қуролсиз юзма-юз урушамизми, ёки парашутда сакраб қолмасдан туриб самолётни динсизлар йиғилган жойга йўналтирамизми, барибир».

(Давоми 2-бетда)

БИЛИМЛИ ВА БАХТЛИ АВЛОД БАҲСЛАРИ

Tanlov

Истиқлол фарзандлари. Бу сўзлар қулоққа чалинганда киши кўз олдига кечаги кун одамларидан тубдан фарқ қилган, тафаккури, онги ва илми замонага хос бўлган ёш авлод келиши табиий. Бугун, истиқлол фарзандлари кўрик-танловлар ғолиби, халқаро мусобақаларнинг юзи ёруғ қатнашчилари, бир сўз билан айтганда бахтли ва билимли авлоддир. Улар шу вақтга қадар «Президент асарлари билимдони» эндиликда эса «Истиқлол фарзандлари» номи билан аталган кўрик-танловда ҳам муваффақият билан иштирок этишмоқда.

Жамият маънавияти, мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шартларию кафолатлари ҳамда уларни юксалтириш, буюк мақсадлар йўлига йўналтириш борасида муҳим омил бўлувчи асарларни умумий ўрта таълим мактаблари, мактаб интернатлари ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ўқитиш, ўргатиш ёшлар онгига Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат ҳиссини, миллий истиқлол ғояларини сингдириш мақсадида, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу кўрик-танлов ҳар йили янги-янги билимдонларни кашф этмоқда.

Бошқа мусобақалар сингари бу танловда ҳам ғолиблар аниқланади, ўринлар белгиланади. Аммо унда ғолиб чиқиб биринчи ўринни олиш ҳақиқий «истиқлол фарзанди»га насиб этади. Чунки, танловнинг тўрт шарти бўйича баҳслашиб, оғзаки ва ёзма баён ҳамда тест саволларию ижодий танловда ўзини кўрсата билиш, юртимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган тенгдошларинг орасида тенгсиз эканлигингни исботлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди...

Яқинда «Истиқлол фарзандлари» кўрик-танловининг Республика миқёсида якуний босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловни Халқ таълими вазирлиги маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи, «Истиқлол фарзандлари» Республика кўрик-танловини таёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари Ҳ.Акбаров очар экан, кўрик-танлов иштирокчиларини якуний босқичга етиб келганликлари билан самимий қутлаб, кейинги босқичда уларга муваффақият тилади. Шундан сўнг танлов ғолиблигига даъвогар бўлиб келган вилоят ҳамда Тошкент шаҳар вакиллари пойтахтимиздаги Республика илмий педагогика кутубхонасида ўзаро баҳслашдилар.

(Давоми 2-бетда)

"Obuna — 2004"

Ҳаёт йўллари чалкаш. Гоҳ ўнқир-чўнқир, гоҳида ёлғизоёқ сўқмоқлардан юришга тўғри келади. Йўл қоралаган инсоннинг ўз кўзлаган манзилига бориши учун йўл кўрсатувчи йўлдош зарур. "Маърифат" газетаси, менинг назаримда, ўқитувчининг йўлчи юлдузи. У ўз номига муносиб тарзда элга, юртга зиё тарқатаётган муаллимларга кўмакдош, елкадош. Шу боис мана қанча йилдирки, "Маърифат"га ошноман. Газетага ихлосимнинг баландлиги азбаройи касбим ўқитувчи бўлганлигидан эмас. Ахир, инсон ақлини танийдики, маърифатга, илму зиёга интилмайдими!?

«МАЪРИФАТ»НИ ЯХШИ КЎРАМАН

у барчага севимли бўлсин

Шу ўринда ўзимни ҳам газетанинг ўқишли бўлишида масъулиятли сезиб, ўз таклифларимни билдирсам, дегандим.

1. Назаримда, газетанинг сўнгги саҳифасида бериб бориладиган "Qo'ng'iroq chalinguncha" рукнидаги шеърларни сўнгги саҳифадан сал олдинроққа кўчириш керак. 16-саҳифа кулги саҳифаси бўлса.

2. Муҳим сана, байрамларга бағишланган сценарийлар 1 ой олдин берилса, ундан мактаб ўқитувчилари фойдалана олади, саҳналаштиради. Аксарият ҳолларда бундай мақолалар тадбир ўтишига 2-3 кун қолганда берилади. Бунда эса мактаблар улгура олишмайди.

(Давоми 2-бетда)

БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАННИНГ БАХТИ

ушбу фикр "Йил мактаби — 2003" республика кўрик-танлови мазмун-моҳиятини яққол намоён этди

Баркамол авлод, комил инсон — жамиятимиз кўрки, эл-юртимиз бахти, уларга пухта билим бериш ана шундай эзгу ният, мақсад йўлида изланишаётгани кўнглимизга ажиб бир ғурур бахш этди.

Кўрик-танловда иштирок этаётган умумий ўрта таълим мактаблари томонидан тақдим этилган ҳужжатлари ва видеолавҳалари ҳамда РТМ фойесида улар ташкил этган мактаблари фаолиятидан сўзловчи кўргазмалар билан танишиш жараёнида билдикки, эса фаолиятимиз мезони бўлиб қолади. Очиғи, шу йилнинг 25—27 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган янгилик яратаётган мактаблар кўригида қатнашган илғор жамоалар вакиллари бу жамоалар илм равнақи — эл равнақи тамойилида чуқур изланишлар олиб бораётирлар. Чунончи, ғурур туйғусини берадиган Ватанимиз ривожи учун астойдил меҳнат қилаётган жамоалар — Нукус шаҳридаги 36-умумий ўрта таълим мактаби, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 12-гимназия-интернати, Бухоро шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 6-мактаб, Жиззах шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактаби, Навоий шаҳридаги 11-мактаб, Наманган вилояти Чортоқ шаҳридаги аниқ, табиий ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган лицей-интернат, Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 45-мактаб, Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 1-умумтаълим мактаби, Сурхондарё вилояти Денов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактаб, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактаби, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби, Хоразм вилояти Шовот туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги умумий ўрта таълим мактабларининг ҳар бирида ўзига хос тажриба бор эди. Ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари асосида таълим бераётган бу жамоалар фаолияти — Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижроси, ҳукуматнинг таълимга оид қарорлари, таълим бошқарув органларининг қарор ва буйруқларини бажаришлари, мактаб теварак-атрофи ва биноларининг ҳолати, ўқув хоналарининг жиҳозланиши, ўқитувчилар томонидан тайёрланган методик ишлар, кўргазмали қуроллар, шунингдек, мактабда янгиликлар, янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши, ўқувчиларнинг тўгарак ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилиши, улар томонидан тайёрланган ижодий ишлар, 9-синф битирувчиларининг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга тортилиши, илм маскани мониторинг хонасининг жиҳозланиши, ундаги ички назорат ва ДТС ижроси натижалари ҳакамлар томонидан жойида ўрганилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Yil maktabi — 2003»

(Давоми 3-бетда)

Men "Ma'rifat" gazetasini yaxshi ko'raman va hammaga shunday sevimli bo'lishlaringizni istayman.

Natijada qog'ozbozlik, asabbuzarlik va sansalorliklarga chek qo'yildi.

БИЛИМЛИ ВА БАХТЛИ АВЛОД БАҲСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтидорлилар баҳсига айланиб улгурган ушбу кўрик-танловнинг ўзига хос ва такрорланмас беллашувга айланганига гувоҳ бўлдик.

Қарийб икки кеча-кундуз давом этган баҳсларда ўз иқтидор ва имкониятларини намойиш этиб, биринчи ўринни Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқувчиси Алишер Раҳимов, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 39-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Айнура Ерназарова ҳамда Урганч шаҳридаги С. Раҳимов номидаги 16-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фароғат Жабборовалар эгаллашди.

2-ўрин учун бор билим маҳоратларини ишга солиб, астойдил курашган ўқувчилар: Когон туманидаги 1-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Зафар Қобилов ҳамда Олтинкўл туманидаги 24-мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Ирода Абдумажидовалар бўлди. Шу ўринда 2-ўрин соҳибаси Ироданинг кўрик-танловнинг илк иштирокчиси эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Учинчи ўринга эса Қўқон шаҳридаги 40-мактаб ўқувчиси Дилзода Файзиматова ва Бахмал туманидаги 4-иқтидорли болалар лицейи 10-синф ўқувчиси Учқун Умаровлар муносиб деб топилиб, ҳайъат аъзолари томонидан эътироф этилди.

Эришилган ютуқлардан сўнг уларнинг қалбларида нималар кечаётганлигини билиш мақсадида ғолибларни суҳбатга тортдик.

— Ҳозир бир оз ҳаяжонланиб турибман. Чунки, юртимизнинг деярли ҳамма жойидан зукко тенгдошларим йиғилган эди. Қийин бўлмадими деган саволга келадиган бўлсак, мен ўз билим даражам, ақлий қўникмаларим доирасида ҳаракат қилдим. Бу ҳаракатим эса менга ғалаба олиб келди, — дейди биз билан суҳбатда биринчи ўрин соҳиби Алишер Раҳимов. Унинг бу фикрларига биринчи ўринни олган шериклари Айнура Ерназарова ҳамда Фароғат Жабборовалар ҳам қўшилишди.

2-ўрин соҳибаси Ирода Абдумажидова якуний босқичгача бўлган таёргарлик жараёнлари ҳақида гапирар экан, — мен якуний босқичга тинимсиз меҳнат ва ана шу меҳнат орқасидан орттирилган билим эвазига етиб келдим. Ушбу кўрик-танловда илк марта қатнашаяпман. Ҳакамлар ҳайъатининг мени 2-ўринга муносиб деб топганларидан хурсандман. Кейинги танловларга янада мустаҳкамроқ таёргарлик кўраман, — деди. Унинг гапларини мулоҳаза қилар эканмиз ўз билимига, келажагига ишонган, эртанги кундан катта ютуқлар кутаётган фарзандларимиз борлигидан қувончга тўлади киши.

Кўрик-танлов қатнашчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилганларидан сўнг ўз вилоятларига жўнаб кетишди. Уларни кузатиб қолар эканмиз, хаёлимиздан Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган гаплари ўтади...

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

«МАЪРИФАТ»НИ ЯХШИ КЎРАМАН

у барчага севимли бўлсин

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Газета саҳифаларида чиройли қилиб, муҳим саналар акс этган йил календари бериб борилса, фойдадан холи эмас. Зеро, одатда ҳар бир мактабнинг ўқитувчилар хонасига йил календари илиб қўйилади, бу керак. Яна ҳар бир ўқитувчининг ўзида кичкинагина календари бўлади. Агар газетанинг бир бетига сўнг қирқиб олиш учун 20 тача календарчани чоп этсангиз ҳаммани ҳайратга солган бўлардингиз.

4. Таълимга оид жуда кўп статистик (цифр) маълумотлар бор, шулар бериб борилса. Масалан, мамлакатларда қанча мактаб, қанча ўқитувчи бор. Уларнинг қанча қисми ҳар йили олий ўқув юртларига киришади?..

5. Вилоятлардаги жамоатчи мухбирлар сони кўпайтирилса, яхши бўларди. Бундан сўнг ҳар йили йил охирида вилоятлардан фаол жамоатчи мухбирлар номи эълон қилиниб рағбатлантириб борилса, фойдадан холи бўлмасди.

6. Баъзи ечимини кутаётган муаммо, баҳслар бор: фан ўқитувчиларининг етишмаслиги (айтайлик, инглиз, тарих), ўқувчи формалари... ҳақида. Қизиқ: инглиз тили ўқитувчиси сув билан ҳаводай зарур, лекин институтларга қабул квоталари ўша-ўша ўзгармаяпти, шу қадар қийинмикин 90 та қабул ўрнини 180 тага етказиш, ҳар қалай Сибирь сувларини олиб келишдай машаққатли иш эмас-ку?!

7. 2002 йилда газета саҳифаларида теледастурнинг бериб борилгани ҳам маъқул эди. Жорий йилда бу саҳифа олиб ташланди. Муаммо чиқиб қолдими?

8. Январь ойида "Маърифат" газетаси бош муҳаррири газета орқали бир чиқиш қилиб таҳририятнинг кейинги режалари билан ўртоқлашса ўқитувчилар эътиборини тортган бўларди.

9. "Маърифат" саҳифаларида суратлар етарли. Безатилиши яхши. Иссиқ газета. Ўзига оҳанрабодай тортувчан. У ҳамма ташкилотга, оилага бориши керак.

10. Ўқитувчилар ҳуқуқий билимларини ошириш учун маорифга оид савол-жавобларни бир хил бичимда тез-тез бериб бориш керак. Кўпинча, илмий бўлим мудирлари, касаба уюшмалари ходимлари савол-жавобларни қирқиб олиб махсус альбомларига ёпиштириб қўйишади.

Мен мамлакатимизда чиқадиган аксарият газеталарни ўқиб бораман. "Маърифат" салмоқли, қамровли, оғир газета. Минг шукрким, унинг ўқувчиси ҳам кўп. Илоҳим, шундай бўлсин ҳамиша. Мен "Маърифат" газетасини яхши кўраман ва ҳаммага шундай севимли бўлишларингизни истайман. Янги йилда ҳамкорлигимиз янада ортади деб ўйлайман, мақолалар, ўй-мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш ниятидаман.

Орифжон ВОҲИДОВ,
Бухоро вилояти Олот туманидаги 29-ўрта мактаб директори

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ҚУВОНЧЛАРИ

Навоий шаҳридаги мухташам «Фарҳод» маданият саройида бошланган «Президент арчаси» тадбири қалбларга улашиладиган бебаҳо туйғу — меҳр-мурувватнинг гўзал намойишига айланди.

Табриклар дилбар куй-қўшиқларга уланиб кетди. «Фарҳод» маданият саройининг бадиий жамоалари болажонлар учун махсус дастур асосида хушчақчақ томошалар намойиш этишди... Шу куни вилоят ҳокими Б.Рўзиев Навоий шаҳридаги меҳрибонлик уйининг бир гуруҳ тарбияланувчиларига республикамиз Президенти номидан янги йил совғаларини улашди. Шунингдек, М.Пардаева ва А.Болатовларнинг оилавий меҳрибонлик уйларида камол топаётган йигит-қизлар ҳам Юртбошимиз номидан йўлланган ҳадяларни олиб хушнуд бўлишди.

«Президент арчаси» тантаналари Зарафшон шаҳридаги меҳрибонлк уйида ҳам ҳақиқий байрам сифатида нишонланди. Бу гўшада улгаяётган етмиш бир нафар жажжилар Юртбошимизнинг янги йил совғасини болаларча беғубор қувонч, интиқлик билан қарши олдилар.

Айни пайтда умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган, ота-онасиз кўнгли ярим ўқувчи-ёшларга ҳам Президент совғаларини етказиш катта эътибор билан ташкил этилиб, янги йил тантаналари вилоятнинг олис-яқин туман ва шаҳарларида давом эттирилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар асосида ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қадимий меъморий обидалар, мустақиллигимиз шарофати билан қад ростлаган иншоотларга болаларнинг саёҳатларини ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур тадбирда фан ва ижодий тўгараклар фаолиятини таътил давомида янада кенгайтириш, спорт секциялари ишларини жадаллаштириш, турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Махсус мухбиримиз

Navoiyda muhim anjuman

Навоий шаҳрида «Бошқарув ҳужжатларини жойларга етказиш ва унинг бажарилишини назорат қилишда ахборот технологиясидан фойдаланиш» мавзусида республика амалий семинари бўлиб ўтди.

Мазкур муҳим тадбирнинг айнан Навоий вилоятида ўтказилишининг ўзига хос сабаблари борки, буларни эътироф этиб ўтиш жоиздир.

Аввало, вилоят халқ таълими бошқармасида республика миқёсида биринчилардан бўлиб локал тармоқ ташкил этилди. Хўш, бундай тармоқ халқ таълими тизимига нима беради? Бу бир нечта компьютерларнинг тармоқ орқали бир-бири билан боғланишини йўлга қўйган бўлиб, унда ҳар бир ходим локал тармоғига уланган компьютердан маълумотни олиши ва қайта бошқа жойдаги компьютерга жўнатиши мумкин. Айни пайтда бошқарма бошлиғидан тортиб ҳар бир ходимгача бу имкониятдан кенг фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги 11 та туманда ва 12 та бошқарма тасарруфидаги мактаб-интернатларда электрон почта алоқаси ўрнатилган. Бу билан ҳар бир тумандан керакли маълумотларни компьютер орқали бир зумда олиш ва жўнатиш имкониятлари яратилди. Маълумки, Навоий вилоятининг баъзи туман ва шаҳарлари марказдан 300-350 км олисликда жойлашган. Олдинлари бу ҳудудларга почта орқали ҳужжатлар жўнатилиб, етиб боргунча бўлган муддат икки ҳафтагача чўзилиб кетар эди. Электрон почта бу вақтни бир неча сонияларга алмаштирди. Худди, шунингдек, юборилган хатларнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз вақтида олинмоқда. Натижада қоғозбозлик, асаббузарлик ва сансалорликларга чек қўйилди.

Бошқарма ва 11 та туман халқ таълими бўлимлари компьютерларига келган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи (АКИД) дастурлари киритилди. Бу дастур келган ҳужжатларни автоматик равишда назорат қилади.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармасининг компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, бошқарманинг интернетда, ўз яъни веб-сайти яратилди ва унга барча маълумотлар киритилди. Муҳими, бугунги кунда бир нечта туман халқ таълими бўлимлари ва кўплаб мактаблар ҳам интернет тармоғига уланган.

Ана шу каби ибратли ишлар ва салмоқли натижалар республика амалий семинари иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган таълим тизими вакиллари вилоят халқ таълими бошқармаси бўлимларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилишида ахборот технологиясидан фойдаланиш ва ўқув-методик қўлланмалар кўргазмаси, Кармана туманидаги 11 та мактаб ва 12 та бошқарма тасарруфидаги мактаб-интернатларда электрон почта алоқаси ўрнатилган. Бу билан ҳар бир тумандан керакли маълумотларни компьютер орқали бир зумда олиш ва жўнатиш имкониятлари яратилди. Маълумки, Навоий вилоятининг баъзи туман ва шаҳарлари марказдан 300-350 км олисликда жойлашган. Олдинлари бу ҳудудларга почта орқали ҳужжатлар жўнатилиб, етиб боргунча бўлган муддат икки ҳафтагача чўзилиб кетар эди. Электрон почта бу вақтни бир неча сонияларга алмаштирди. Худди, шунингдек, юборилган хатларнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз вақтида олинмоқда. Натижада қоғозбозлик, асаббузарлик ва сансалорликларга чек қўйилди.

Бошқарма ва 11 та туман халқ таълими бўлимлари компьютерларига келган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи (АКИД) дастурлари киритилди. Бу дастур келган ҳужжатларни автоматик равишда назорат қилади.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармасининг компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, бошқарманинг интернетда, ўз яъни веб-сайти яратилди ва унга барча маълумотлар киритилди. Муҳими, бугунги кунда бир нечта туман халқ таълими бўлимлари ва кўплаб мактаблар ҳам интернет тармоғига уланган.

Ана шу каби ибратли ишлар ва салмоқли натижалар республика амалий семинари иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган таълим тизими вакиллари вилоят халқ таълими бошқармаси бўлимларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилишида ахборот технологиясидан фойдаланиш ва ўқув-методик қўлланмалар кўргазмаси, Кармана туманидаги 11 та мактаб ва 12 та бошқарма тасарруфидаги мактаб-интернатларда электрон почта алоқаси ўрнатилган. Бу билан ҳар бир тумандан керакли маълумотларни компьютер орқали бир зумда олиш ва жўнатиш имкониятлари яратилди. Маълумки, Навоий вилоятининг баъзи туман ва шаҳарлари марказдан 300-350 км олисликда жойлашган. Олдинлари бу ҳудудларга почта орқали ҳужжатлар жўнатилиб, етиб боргунча бўлган муддат икки ҳафтагача чўзилиб кетар эди. Электрон почта бу вақтни бир неча сонияларга алмаштирди. Худди, шунингдек, юборилган хатларнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз вақтида олинмоқда. Натижада қоғозбозлик, асаббузарлик ва сансалорликларга чек қўйилди.

Бошқарма ва 11 та туман халқ таълими бўлимлари компьютерларига келган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи (АКИД) дастурлари киритилди. Бу дастур келган ҳужжатларни автоматик равишда назорат қилади.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармасининг компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, бошқарманинг интернетда, ўз яъни веб-сайти яратилди ва унга барча маълумотлар киритилди. Муҳими, бугунги кунда бир нечта туман халқ таълими бўлимлари ва кўплаб мактаблар ҳам интернет тармоғига уланган.

Ана шу каби ибратли ишлар ва салмоқли натижалар республика амалий семинари иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган таълим тизими вакиллари вилоят халқ таълими бошқармаси бўлимларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилишида ахборот технологиясидан фойдаланиш ва ўқув-методик қўлланмалар кўргазмаси, Кармана туманидаги 11 та мактаб ва 12 та бошқарма тасарруфидаги мактаб-интернатларда электрон почта алоқаси ўрнатилган. Бу билан ҳар бир тумандан керакли маълумотларни компьютер орқали бир зумда олиш ва жўнатиш имкониятлари яратилди. Маълумки, Навоий вилоятининг баъзи туман ва шаҳарлари марказдан 300-350 км олисликда жойлашган. Олдинлари бу ҳудудларга почта орқали ҳужжатлар жўнатилиб, етиб боргунча бўлган муддат икки ҳафтагача чўзилиб кетар эди. Электрон почта бу вақтни бир неча сонияларга алмаштирди. Худди, шунингдек, юборилган хатларнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз вақтида олинмоқда. Натижада қоғозбозлик, асаббузарлик ва сансалорликларга чек қўйилди.

Бошқарма ва 11 та туман халқ таълими бўлимлари компьютерларига келган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи (АКИД) дастурлари киритилди. Бу дастур келган ҳужжатларни автоматик равишда назорат қилади.

XXI АСР — ТЕХНИКА АСРИ

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармасининг компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, бошқарманинг интернетда, ўз яъни веб-сайти яратилди ва унга барча маълумотлар киритилди. Муҳими, бугунги кунда бир нечта туман халқ таълими бўлимлари ва кўплаб мактаблар ҳам интернет тармоғига уланган.

Ана шу каби ибратли ишлар ва салмоқли натижалар республика амалий семинари иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган таълим тизими вакиллари вилоят халқ таълими бошқармаси бўлимларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилишида ахборот технологиясидан фойдаланиш ва ўқув-методик қўлланмалар кўргазмаси, Кармана туманидаги 11 та мактаб ва 12 та бошқарма тасарруфидаги мактаб-интернатларда электрон почта алоқаси ўрнатилган. Бу билан ҳар бир тумандан керакли маълумотларни компьютер орқали бир зумда олиш ва жўнатиш имкониятлари яратилди. Маълумки, Навоий вилоятининг баъзи туман ва шаҳарлари марказдан 300-350 км олисликда жойлашган. Олдинлари бу ҳудудларга почта орқали ҳужжатлар жўнатилиб, етиб боргунча бўлган муддат икки ҳафтагача чўзилиб кетар эди. Электрон почта бу вақтни бир неча сонияларга алмаштирди. Худди, шунингдек, юборилган хатларнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз вақтида олинмоқда. Натижада қоғозбозлик, асаббузарлик ва сансалорликларга чек қўйилди.

Бошқарма ва 11 та туман халқ таълими бўлимлари компьютерларига келган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи (АКИД) дастурлари киритилди. Бу дастур келган ҳужжатларни автоматик равишда назорат қилади.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармасининг компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, бошқарманинг интернетда, ўз яъни веб-сайти яратилди ва унга барча маълумотлар киритилди. Муҳими, бугунги кунда бир нечта туман халқ таълими бўлимлари ва кўплаб мактаблар ҳам интернет тармоғига уланган.

Ана шу каби ибратли ишлар ва салмоқли натижалар республика амалий семинари иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган таълим тизими вакиллари вилоят халқ таълими бошқармаси бўлимларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилишида ахборот технологиясидан фойдаланиш ва ўқув-методик қўлланмалар кўргазмаси, Кармана туманидаги 11 та мактаб ва 12 та бошқарма тасарруфидаги мактаб-интернатларда электрон почта алоқаси ўрнатилган. Бу билан ҳар бир тумандан керакли маълумотларни компьютер орқали бир зумда олиш ва жўнатиш имкониятлари яратилди. Маълумки, Навоий вилоятининг баъзи туман ва шаҳарлари марказдан 300-350 км олисликда жойлашган. Олдинлари бу ҳудудларга почта орқали ҳужжатлар жўнатилиб, етиб боргунча бўлган муддат икки ҳафтагача чўзилиб кетар эди. Электрон почта бу вақтни бир неча сонияларга алмаштирди. Худди, шунингдек, юборилган хатларнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз вақтида олинмоқда. Натижада қоғозбозлик, асаббузарлик ва сансалорликларга чек қўйилди.

Бошқарма ва 11 та туман халқ таълими бўлимлари компьютерларига келган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилувчи (АКИД) дастурлари киритилди. Бу дастур келган ҳужжатларни автоматик равишда назорат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАК УЧУН КУРАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Агар бирон бир қария, дейлик ўз фикрини билдириш ёки мусулмонларни ўлдириш усулларини кўрсатиш орқали душманга ёрдам берса, уни ҳам ўлдириш даркор».

«Ишончимиз комилки, «Ҳизб-ут-тахрир» раҳбарлари билан террорчи ташкилотлар ўртасида узвий алоқалар мавжуд. Жумладан, қўшни Қирғизистонда баъзи террорчилар «Ўзбекистон ислом ҳаракати»га қўшилишдан аввал «Ҳизб-ут-тахрир» аъзолари бўлишган», дейди «Ҳизб-ут-тахрир» фаолиятини саккиз йилдан бери ўрганаётган Миллий хавфсизлик хизмати ходими З.Абдуллаев. Унинг таъкидлашича, «мазкур ҳаракат Ўзбекистон аҳолиси орасида хайрихоҳликдан маҳрум бўлишдан хавфсираб, бу маълумотни яширмоқда».

«Ғарб мутахассислари исломий ҳаракатларнинг моҳияти борасида бир тўхтамга кела олмас экан, ўсиб бораётган террор таҳдидига қарши курашда катта натижаларга эришиб бўлмайди», дейди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги расмий вакили Илья Пягай.

«Ҳизб-ут-таҳрир» ғояси ислом ичидаги коммунизмдан бошқа нарса эмас. Унинг халифатни тиклаш ғояси худди коммунистларнинг «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз» деган шиорига ўхшайди».

«Биз коммунистик ғояни сўзда эмас, амалда бошимиздан кечирдик», дейди И.Пягай. «Тарихни коммунистик нуқтаи назардан ўргандик. Шу боис ҳам Ленин қўллаган усуллар бизга жуда яхши таниш. Ленин ўз фаолиятини одамларга ёқиб тушадиган турли шиорларни дастак қилиб олган гуруҳларнинг тинч намойишлари орқали бошлаган эди. Аммо бу ҳаракат алал оқибат қуролли кураш усулига ўтган йирик бир гуруҳни келтириб чиқарди».

«Тинч намойишлар Россияни фуқаролар уруши томон етаклади. Ленин ўзининг қуролли гуруҳи билан 1917 йилда ҳокимиятни қўлга киритди. Унинг издошлари етмиш йилдан зиёдроқ вақт давомида диктаторлик ҳукмини юритишди», деди жумладан И.Пягай.

«Диний экстремистлар алал оқибат сиёсий ҳокимиятни талаб қилиши турган гап», қўшимча қилди у.

И.Пягай Ўзбекистон ҳукумати радикал гуруҳларга қарши фаол курашаётганини таъкидлар экан шундай деди: «Агар Ўзбекистон ўз вақтида тегишли чораларни кўрмаганида, ўта даҳшатли оқибатлар юзага келиши ҳеч гап эмас эди».

Умуман олганда, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда, исломий уйғониш жараёни кечмоқда. Мамлакатдаги масжидларда ибодатгўйлар бисёр, мадрасаларда ўқишни истовчилар ҳам сероб.

Ўзбекистоннинг юқори мартабали диний арбоби, муфтий Абдурашид Баҳромов мамлакатдаги диний таҳсил масканлар ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётганини қониқиш билан қайд этди.

«1991 йилда бизда бор-йўғи 89 масжид, бири Бухорода ва иккинчиси Тошкентда жойлашган иккита мадраса бор эди. Бугун эса масжидлар сони икки мингдан зиёд. Ўндан ошиқ мадраса, шунингдек, Тошкент Ислом университети фаолият кўрсатаяпти».

А.Баҳромовнинг таъкидлашича, мамлакат ҳукумати таълимнинг бошқа соҳаларига қандай молиявий кўмак бераётган бўлса, диний таълим ривожи учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатмоқда.

Аммо Халқаро Кризис Гуруҳи ҳукумат томонидан 1998 йилда қабул қилинган диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонунни худди Совет даврида бўлгани каби дин устидан кескин назоратни таъминлашга қаратилган деб тавсифлайди. Халқаро Кризис Гуруҳининг айтишича, рўйхатдан ўтиш талабларига жавоб бермагани учун минглаб масжидлар ёпиб қўйилган.

Бундай ҳаракатлар айрим танқидчилар томонидан қаттиққўл ва маърифий ҳукумат билан оддий намозхон фуқаролар ўртасидаги ихтилоф сифатида таърифланади.

Аммо С.Шварцнинг фикрича, муаммога бундай ёндашув «мутлақо хатодир».

«Мусулмон оламидаги инсонлар дунёвий ва тақводор кишиларга бўлинмайди, улар анъанавий, плюралистик ва радикал исломий оқимларга бўлинади, Ғарб олами эса буни ҳар доим ҳам тушуна билмаяпти».

Диний бағрикенглик кўп миллатли ва космополит ислом туфайли машҳур бўлган Марказий Осиё минтақасига хосдир. 2,500 йил мобайнида яҳудий жамоатчилиги мазкур минтақада, асосан Бухорода яшаб келмоқда. Яҳудий қочоқлари Холокост даврида Ўзбекистондан паноҳ топган.

Миллий хавфсизлик хизмати вакилининг фикрича, барча яҳудийларни қувғин этишни мақсад этган исломий давлат қуриш ғояси ўзбеклар учун бегона бўлиб, бундай ҳаракатларнинг оммавий тус олиши хатарли оқибатларга олиб келади.

«Ҳозирда «Ҳизб-ут-таҳрир» яҳудийлар ва ғарбликларни нишонга олмоқда, аммо у бошқа динларга ҳам тажовуз этмаслигига ким кафолат бера олади? Мазкур ҳаракат фашизм ва коммунизмга ўхшаш давлат барпо этиши мумкин», дея таъкидлади у.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур муаммога ёндашуви ўзгараётгани сезилмоқда. 2 декабрда Президент уч ой давомида махбусларнинг муайян қисмини озод қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Амнистия хусусидаги бундай қарорлар 2002 ҳамда 2001 йилларда ҳам эълон қилинган эди.

Жаноб Баҳромов «Инсайт» журнали билан суҳбатда ҳибсга олинган экстремистларни бориб кўриб, улар билан суҳбатлар ўтказиб туришини билдирди.

«Мен диний экстремистлар жойлашган барча қамоқхоналарда бўлдим», дейди у. «Уларнинг кўпчилиги ўз хатоларини тан олдилар ва тавба қилдилар»...

Дуглас БУРТОН,
АҚШда чоп этиладиган «Вашингтон таймс» газетасининг 27 декабр сонидан қисқартириб босилмоқда.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БАНК СИНФЛАРИ

унинг юксалиши муаллим маҳоратига боғлиқ

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар бугун барчанинг эътиборида. Умумий ўрта таълим мактабларида ихтисослаштирилган банк синфларининг фаолият юритиши ҳам ана шу мақсадни ифодалайди. Айни пайтда юртимизда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори асосида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимизнинг илғор умумтаълим мактабларида 39 та ихтисослаштирилган банк синфлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай синфларни ташкил этишдан асосий мақсад, умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўсмирлар орасидан банк мутахассислигини ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқиши ҳамда қунти бўлган иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни бозор муносабатлари иқтисодиёти ва банк иши соҳасида касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда банкмолия йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришга тайёрлашдир. Айтиш жоизки, ихтисослаштирилган банк синфларида ўқиш 3 йил давом этиб, уларда умумтаълим фанларидан ташқари яна бозор иқтисодиёти асослари, молиявий менежмент асослари, маркетинг, инглиз тили, ишга доир мулоқот одоби ва хизмат хатларини ёзиш стилистикаси, менежмент: шахс психологияси ва мулоқот психологияси, бошқариш назарияси асослари, ташқи иқтисодий фаолият асослари, банк бизнеси, компьютер саводхонлиги асослари каби махсус фанлар ҳам ўқитилади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган банк синфларида жами 2501 ўқувчи таҳсил олмоқда. 2003—2004 ўқув йилида 978 нафар ўқувчи қабул қилинди. Беш йил мобайнида 3749 ўқувчи ушбу синфларни муваффақиятли битирган бўлишса, улардан 780 нафари банк синфларини 2002—2003 ўқув йилида тугатдилар.

Ўтган ҳафтада пойтахтимизда ихтисослаштирилган банк синфлари фаолиятини янада такомиллаштиришда муаллимнинг ўрни, қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, янги педагогик услуб ва технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган юқори малакали илғор, ташаббускор ҳамда фаол ўқитувчиларни аниқлаш ва уларнинг илғор тажрибасини кенг тарғибот қилиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз умумтаълим мактабларидаги ихтисослаштирилган банк синфлари махсус фанлар ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловини ўтказди. Кўрик-танлов ихтисослаштирилган банк синфларининг қуйидаги 5 та махсус фанлари бўйича ўтказилди: «Бозор иқтисодиёти асослари», «Банк бизнеси», «Ташқи иқтисодий фаолият асослари», «Компьютер саводхонлиги асослари», «Ишга доир мулоқот одоби ва хизмат хатларини ёзиш стилистикаси» ҳамда «Менежмент: шахс психологияси ва мулоқот психологияси».

Ko'rik-tanlov

Ушбу танловнинг биринчи босқичи мактабларда, бевосита ўқитувчиларнинг иш жойларида ўтказилиб, ғолиблар ҳал қилувчи иккинчи босқичда тўпланишди. Мазкур босқичда муаллимлар дастлаб махсус фандан очиқ дарслар ўтказишди. Сўнгра навбати билан ўзининг фанини ҳимоя қилиш (унда ўқитувчи ўзи ўқиётган махсус фан тўғрисида, тажрибаси ва эришган ютуғи ҳақида сўзлаб бериши, янги педагогик усул ва технологияларни ўқув жараёнида ишлатиши, илғор ва ўзига хос ўқитиш шаклларини иш жараёнига татбиқ этиши хусусида гапириб бериши лозим эди), педагогик-психологик вазият ҳамда «менинг хоббим» шартлари бўйича беллашишди.

Қизиқарли ва кескин вазиятларга бой тарзда ўтган танловда маҳорати, билимдонлиги билан юқори балл олишга эришган Навоий шаҳридаги 11-мактабнинг ишга доир мулоқот одоби ва хизмат хатларини ёзиш стилистикаси фани муаллими Мўътабар Пўлатова I даражали диплом соҳиби бўлди (77,1 балл). Иккинчи даражали диплом пойтахт вакили, 249-мактабнинг банк бизнеси фани ўқитувчиси Муборак Қурбоновага насиб этган бўлса (75,5 балл), Қўқон шаҳридаги 23-мактабнинг компьютер саводхонлиги фани муаллими Икроржон Ўрозалиев учинчи даражали дипломни қўлга киритди.

— Ушбу танловнинг асосий моҳияти, — дейди ХТВ Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Шукур Пўлатов, — махсус фанлар ўқитувчиларининг илғор тажрибаларини оммалаштиришки, бу бошқа муаллимларни ҳам янада фаолликка ундайди.

Шундан сўнг ғолиблар ва барча иштирокчиларга ХТВ фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратда танлов жараёнидан лавҳа акс этган.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

«КАМОЛОТ» ҚУВОНЧ УЛАШАДИ...

Taraddud

Халқимизда азал-азалдан муҳтожларга, қаровчисини йўқотган кишиларга ёрдам бериш, хайрли ишларни амалга ошириш каби инсонийлик фазилатлари қадрланади. Янги кириб келаётган 2004 йилнинг «Меҳр-мурувват йили» деб аталгани ҳам ана шундай қадриятларимизнинг узвий давомидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши янги йил арафасида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи имконияти чекланган, меҳрга муҳтож болалар учун «Янги йил қутлови—2004» акцияси ҳамда 3-10 январ кунлари пойтахтимиз маҳаллаларида бўлиб ўтадиган «Кўчма арча» тадбирларини ўтказиб беради. Бу тадбирлар давомида шаҳримиздаги 400 нафардан ортиқ имконияти чекланган болаларга Қорбобо ва Қорқиз томонидан совғалар — мевалар, ширинликлар, ўйинчоқлар топширилади.

«Камолот»нинг Тошкент шаҳар бўлими ва «Камалак» болалар ташкилоти шаҳардаги маҳаллаларга кўчма арча ўрнатиб, шу ердаги ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларига таниқли актёрлар иштирокидаги эртак қаҳрамонлари даврасида қизиқарли арча байрамини намойиш қилади. Имконияти чекланган кичкинтойларнинг уйларига эса ҳаракатнинг фаоллари эртак қаҳрамонлари билан бирга бориб, уларга қувонч улашишади. Бу намойишлардан асосий мақсад эса Янги йил байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш ва болажонларнинг қишки таътилларида унумли ҳордиқ чиқаришларини таъминлашдир.

Мана шу тадбирлар юзасидан «Бунёдкор» ёшлар телеклубида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан ҳаракатнинг фаолларига мурожаат қилишиб, етарли маълумотларни олишди.

Мухбиримиз.

КЕЛАЖАКНИ ҚАДРЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Халқ таълими вазирлигида жорий йилнинг сўнгги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Халқ таълими вазири, ҳайъат мажлисини раиси Р. Жўраев олиб борди. Мажлис кун тартибига учта масала қўйилган бўлиб биринчи масала Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқарув органларининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигига бағишланди.

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан Қашқадарё вилояти ХТБ бошлиғи Р.Ражабов жойларда раҳбар лавозимларга заҳира номзодлар рўйхатини шакллантириш маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда амалга оширилаётгани, вилоятда ёшларга таълим-тарбия беришда муваффақиятларга эришаётган педагог кадрлар муносиб тақдирланаётганлигини айтиб, ўз сўзларига даҳлдор рақамларни келтириб ўтди. Шунингдек, маърузачи вилоятда таълим муассасаларининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва олий ўқув юрти битирувчиларини таълим муассасаларига ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб, биргина 2003 йилнинг ўзида вилоят бўйича 700 дан ортиқ битирувчи ишга келганини таъкидлади.

Маълумотларга қараганда жорий йилда вилоят бўйича 6200 дан ортиқ ўқитувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши режалаштирилган бўлиб режа тўлиқ бажарилмоқда. Бироқ мактабгача таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлашда бирмунча камчиликлар мавжудлиги айтилди. Жумладан вилоят бўйича мактабгача таълим муассасалари мудираларининг 45 фоизга яқини ўрта махсус маълумотли эканлиги ташвишланарли ҳол сифатида баҳоланди. Ёш кадрлар топиш ва жой, жойига қўйиш ишларини кучайтиришни тақозо этади. Шунингдек, бу камчиликлар умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарларини танлаш ишларида ҳам кўзга кўриниб қолмоқда. Мазкур таълим муассасаларида ҳам раҳбар кадрларнинг 40 фоиздан ортиғи 50-60 ва ундан катта ёшдагиларни ташкил этади.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳайъат мажлиси аъзоларини, вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ўз фикр мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан жойларда раҳбар лавозимлар заҳирасига олинган номзодларни ўқитиш ва улар билан туркум ишлар олиб бориш масалаларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Билдирилган таклиф, мулоҳазалар асосида ҳайъат мажлиси тегишли қарорлар қабул қилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала давлат педагогика институтларида олий педагогик таълимнинг Давлат таълим стандартларини жорий қилинишининг аҳволига бағишланди. Мазкур масала Нукус давлат педагогика институти мисолида кўриб чиқилди. Дастлаб ушбу педагогика институти ректори сўзга чиқиб иститутда амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Жумладан институтда барча таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув режалар, таълим стандартлари мавжудлиги, марказлашган ҳолда тайёрланиб тасдиқланган 80 номдаги намунавий ўқув дастурлари етарли нусхада харид қилинганини айтиб ўтди. Маърузачининг таъкидлашича институт жамоаси намунавий ўқув режалар асосида барча таълим йўналишлари бўйича ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиб, тегишлича тасдиқлаган ва жорий қилган. Бунда, намунавий ўқув режа блокларидаги «Танлов фанлари», «Ихтисослик фанлари», «Қўшимча фанлар» таркиби ва рўйхати белгиланган. Мавжуд 80 номдаги намунавий ўқув дастурлари асосида ишчи дастурлар тузилиб жорий қилинган. Шунингдек, баъзи фанларни ҳисобга олмаганда, институт бўйича 1-3 курсларда ўқитиладиган барча фанлардан ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб Илмий Кенгашда тасдиқланган ва жорий қилинган.

Hay'at yig'ilishi

Маърузачи ўз сўзида фанлар бўйича маъруза матнларини яратиш ва уларни электрон версияга ўтказиш бўйича ҳам амалга оширилган ишлар юзасидан атрофлича ахборот берди.

Йиғилишда юқоридаги ютуқлар билан бир қаторда кўплаб камчиликлар ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Айниқса институт кутубхоналарида дарсликларнинг етарли эмаслиги, лаборатория ишларини ўтказиш учун ашё ва материаллар етишмаслиги ачинарли ҳол сифатида эътироф этилди. Мазкур институтда учраётган камчиликлар бошқа педагогика институтлари учун ҳам хослиги, хусусан, ўқув-моддий база уларда ҳам ҳозирги давр талабларига жавоб бермаслиги айтилди. Шунингдек ўқув режадаги «Ихтисослик фанлари» блоки таркиби ҳар бир институтда турлича, кўпроқ ўзларининг имкониятлари ва профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятига қараб белгиланиб қолаётганлиги айтилди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида йиғилишда бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сўнгги масала Халқ таълими вазирлигининг 2003 йилдаги фаолиятининг якунлари ҳамда 2004 йилдаги фаолиятига бағишланди. Ушбу масала ниҳоясида вазирликнинг 2004 йилги иш режаси тасдиқланди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
Матбуот маркази раҳбари

"ИСТЕЪДОД"НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Баркамол, билимли авлодни вояга етказиш, уни тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини топа олиши учун шароит яратиш инсониятнинг энг улуғ орзуларидан биридир. Аммо бу орзуни амалга ошириш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Шу ўринда нима учун, деган савол туғилади. Бунинг сабаби шуки, аввало шу истеъдодни юзага чиқишига уларнинг ўз фикрига эга, ватанпарвар, комил инсонлар бўлиб вояга етишига чин дилдан хайрихоҳ, бу ишни ҳаётининг мазмунига айлантирган бош ҳомий керак эди.

Шу ўринда ўзининг дунё тан олган Ибн Синоси-ю Берунийси билан, Ал-Хоразмийси-ю, Мирзо Улуғбеки билан ҳақли равишда фахрлана оладиган, муаззам Ўзбекистон деб ном олган улуғ заминни алоҳида тилга олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Халқимиз азал-азалдан фарзанд тарбияси, одобига эътибор бериб келган. Тарихга назар ташлар эканмиз, халқимиз ўзи яшаётган давр, иқтисодий ҳолатдан қатъий назар, доимо илм-фан, маърифатга интилиб келган ва бу билан тарихда ўчмас из қолдирган жаҳон илм-фани, маданиятига ўзининг чексиз ҳиссасини қўшган, улуғ маърифатпарвар ва зиёли инсонларнинг камол топиши учун мустаҳкам замин яратган.

"Менинг энг катта ишончим... ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиз. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз тақдирини ҳам шуларнинг қиёфасида кўраман", дейди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, XXI асрда тараққий этган Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳам айнан ўз соҳасининг мутахассиси бўлган малакали кадрларни тайёрлашдир.

Айнан шу мақсадни кўзлаб, чуқур фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Президентимиз томонидан амалга оширилган хайрли ишлардан бири таълим соҳасига берилаётган катта эътибор, ҳозирги ёшларнинг чуқур билим олишлари учун яратилаётган кенг имкониятлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан 1997-2003 йилларда 800 нафардан ортиқ ёшлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Японияннинг нуфузли университетларида таълим олиб, бакалавр ва магистр даражаларига эришдилар.

Уларнинг кўпчилиги республикамизнинг илм-фан, таълим тизимларида, вазирлик, ташкилот, корхона, концерн ва уюшмаларида фаол меҳнат қилиб, чет элда олган билимларини амалиётда қўлламоқдалар.

Яқинда Тошкентда чет элларда таълим олган ёш мутахассисларнинг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси томонидан ташкил этилган биринчи конференциянинг мақсади бир томондан чет элларда таълим олган истеъдодли ёшларимизнинг билимларини кенг оммалаштириш бўлса, шу билан бир қаторда уларнинг илмий фаолиятини янада юксалтиришдир.

Ёшлар тадбирга жаҳон андозалари асосида олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш хусусидаги келгуси режалари ҳақида фикрлашиб олиш, илмий ишларининг дастлабки натижалари билан ўртоқлашиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида йиғилдилар.

Конференция дастурига кўра қатнашчилар икки кун давомида аниқ фанлар, иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар, техника ва технологик фанлар йўналишлари бўйича қизиқарли маърузалар қилишди. Ана шу маърузалар асосида учта илмий тўплам тайёрланди.

Конференция жуда самарали кечди. У сермазмун, янгиликларга бой бўлди. Истеъдодли ёшларнинг ҳар бир чиқишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботланган, жуда мантиқли бўлди.

Қизиқарли ва баҳсли ўтган конференцияда ҳайъат аъзолари энг яхши маърузачиларни эълон қилишди. Аниқ фанлар бўйича биринчи ўрин АҚШнинг Техас штатида ўқиб келган И.Абдураҳмоновга насиб этди. У янги русумли "Пентиум-4" компьютери ва "Истеъдод" жамғармасининг дипломи билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Буюк Британиянинг Манчестер шаҳрида ўқиб келган М.Фозиловга берилди. Унга 350 минг сўм пул мукофоти топширилди. Германиянинг Бонн университетида таълим олган Д.Набиев учинчи ўринни олишга эришди ва 150 минг сўм пул мукофотига эга бўлди.

Иқтисод йўналиши бўйича А.Худойназаров (Германияда таълим олган), М.Анваров (АҚШда таълим олган), С.Сагдуллаев (АҚШда таълим олган)лар ҳам юқори баҳо ва мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ижтимоий-гуманитар йўналиши бўйича О.Шахобиддинов, Ш.Эрназаров, А.Жубаев (Буюк Британияда таълим олишган) ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Техник ва технологик йўналиш бўйича У.Азимов (АҚШда таълим олган) ва Ш.Каттахўжаев (Буюк Британияда таълим олган) ҳам энг яхши маърузачилар сифатида тан олинди.

Конференция якунида истеъдодли ёшлар олдига қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, чет элда таълим олиб келган ҳар бир мутахассис интернетдан ўз соҳалари бўйича энг сўнгги янгиликларни йиғиб, брошюра тайёрлаб бериши, чет элда чоп этилган янги дарслик, ўқув қўлланма ва мақолаларнинг рўйхатларини чоп этиб бориш, уларнинг ҳар бири тўрт нафар бакалавр ва 2 нафар магистрга илмий раҳбарлик қилиши ёки илмий маслаҳатчи бўлиши белгиланди. Шунингдек, ҳар йилнинг март ойида чет элларда таълим олган ёш мутахассисларнинг услубий ва 1 сентябрда эса илмий-амалий конференцияларини ўтказишга қарор қилинди.

Бўлиб ўтган конференцияда истеъдодли ёшларнинг мустақил тарзда ўқув қўлланмалари, дарслик, илмий ишлар яратилишини рағбатлантириш мақсадида ҳар бир босма табоқ учун дарслик ёки ўқув қўлланмасига 30 минг сўмдан, ҳар бир мақола учун эса (агар у чет мамлакатда чоп этилган бўлса) 50 минг сўмдан тўлов жорий этиш белгилаб олинди.

Чет элда таълим олган ёшларнинг олдига таълим соҳасидаги илмий изланишларини чоп этишни давом эттириш, маълумотлар базасини янгилаш, масофадан ўқитишда ҳамкорликни ташкил этиш, илмий янгиликларни амалиётда жорий қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, "Истеъдод" жамғармаси базасида маърузалар ўқиш ва семинарлар ташкил қилишни амалга ошириш каби бир неча вазифалар қўйилди.

Конференцияда чет элларда таълим олган ёш мутахассисларни магистратура, аспирантура, докторантурага имтиёзли киришларининг эътиборга олиниши ҳақидаги қарор ҳам қатнашчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Ўзбекистон келажаги ёшларимиз қўлида. Уларга берилаётган бундай эътибор албатта ўз самарасини бермоқда. Улар олган чуқур билим, мустаҳкам ирода, шижоат ва ватанпарварлик руҳи келажакда буюк давлат барпо этишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳитов иштирок этди.

Абдунаби ПАРДАЕВ,
"Истеъдод" жамғармаси
ижрочи директори

ТАЪЛИМНИНГ ИЛК ҲОСИЛ ДАВРИ

Саводхонлик байрамида — "Alifbe"нинг муаллифлари ҳам қатнашишди

Бола нигоҳи ўткир. Унинг ҳар нарсага қизиқиши оламни ўрганишга бўлган интилишидан. Бу истак унинг камолотига пиллапоя. Баркамоллик сари илк дадил қадам эса "Alifbe"дан бошланади. У — муаллиму аввал. Унинг сабоғи чексиз илм оламининг дебочасидир. Шу боис ҳам мактаб остонасини кечагина ҳатлаган ўқувчининг "Alifbe" билан нақадар ўртоқ тутиниши ҳамиша барчанинг эътиборида бўлган. Шу кунларда республикамизнинг барча умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчилари, ўқувчию ота-оналар ҳаяжонини, қувончини тушунса бўлади. Зеро, бугун бундан атиги уч-тўрт ой аввал мактаб остонасини ҳатлаган ўқувчи САВОДХОН. У энди ўзини қизиқтирган ҳар қандай китобни бировнинг ёрдамисиз ўқий олади, тушунади. Қўлига қалам олиб, ўз ҳайратини қоғозга тушира билади. Бунда эса устоз—муаллимнинг хизмати беқиёс. Устознинг ҳаяжони боиси ҳам шунда. Зотан, "Alifbe" билан хайрлашув байрами унинг учун ғалвир сувдан кўтариладиган пайт бўлса, ўз фарзандининг комиллик томон ташлаган дастлабки қутлуғ одими қайси ота-она қалбини жунбушга келтирмайди, дейсиз?

Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган "Саводхонлик байрами" ҳам ҳаяжонли тус олди. Жажжи билағонларнинг саҳнага қириб келишиданоқ қалблар ҳаяжонланди. Шу онда ота-она, ўқитувчию мураббийлар чеҳрасига боққан киши буни дарҳол илғайди. Саводхонлар тилида Мустақил Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси ижроси эса барчани оёққа қалқитди. Она-Ватанга муносиб ворис бўлиб камол топиш, унинг эртасини бунёд этиш истаги билан йўғрилган мадҳ баланд пардаларда куйланди.

Шундан сўнг саҳнага "Alifbe" таклиф этилиб, у ўқувчилар билимини синовдан ўтказди. Ҳарфлар «тилга кирди». Ватан, она-юрт, билимлар хазинаси — китоб, илмнинг ҳикмати тараннум этилган шеърлар ўқилди, тез айтиш, мақол ва донолар ўгити такрорланди. Куй-қўшиқ, саҳна кўринишлари ижро этилди. Бунинг барчаси жажжи билағонларнинг тўрт ойда ўрганганлари... Улар ҳатто саҳнага ташриф буюрган Қорбобою Қорқизни ҳам лол қолдирди.

Байрам тадбири сўнггида мактаб директори Шоира Абдубакирова сўз олар экан, фарзандларининг келажагини муносиб кўришни ниятлаган ота-оналарни қутлади.

Даврага шу мактабнинг собиқ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Паёз Мусаев таклиф этилди. Олим инсон камолотида ўқитувчининг ўрнига тўхталиб, унинг заҳматли меҳнати, фидойилигига тасаннолар айтди.

— Ўқитувчининг ютуғи ўқувчининг камолида эканлиги рост экан, — дейди ўз сўзида П.Мусаев. — Бунга мана, 40 йиллик педагогик фаолияти давомида юзлаб ўқувчиларнинг хат-саводи чиқишида ҳисса қўшган фидойи ўқитувчи Турсуной опа Жонибекова қувончини кўриб яна бир бор амин бўлдим. Истардимки, бундай бахт барча ўқитувчига насиб этсин.

"Alifbe байрами"нинг яна бир эътиборли жиҳати шунда бўлдики, унда дарслик муаллифлари — педагогика фанлари доктори, профессор Роҳатой Сафарова, Муҳайё Иноятова, Лайло Шермаматовалар ҳам иштирок этишди. Улар ҳам ўз навбатида ўқитувчию ўқувчиларнинг кейинги фаолиятига муваффақиятлар тилаган ҳолда дарсликнинг жойлардаги ўқитилиши, унинг ютуқ ва камчиликлари билан қизиқишди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

БАРҚАМОЛ АВЛОД — ВАТАННИНГ БАХТИ

ушбу фикр "Йил мактаби — 2003" республика кўрик-танлови мазмун-моҳиятини яққол намоён этди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, илм масканлари жамоаларининг моддий-техника базаси, ўқувчларнинг дарсликлар, ўқув-услубий ва бадиий адабиётлар билан таъминланганлиги, улар билимининг самарадорлиги, мактаб, туман (шаҳар), вилоят, республика фан олимпиадалари, спартакиада, турли кўрик-танловлардаги иштироки (уч йиллик таҳлил), 11-синф битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириши, шу билан бирга билим даргоҳларининг оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги ҳамда сармоядан ташқари маблағ топиш йўналишидаги изланишлари ҳам улар эътиборидан четда қолмади.

Беллашувнинг дастлабки куни ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов эксперт гуруҳи иштирокида қатнашчилар тақдим этган ҳужжатлар ва видеолавҳалар яна бир бор синчиклаб кўздан кечирилди. Таълимнинг ҳар бир йўналиши таҳлилга тортилди. Хулласа, мактаб жамоаларининг иши янгиланган Низом ва мезонлар асосида баҳолаб борилди.

26 декабрь куни кўрик-танлов иштирокчилари Тошкент шаҳридаги 17, 43-мактаблар фаолиятлари билан яқиндан танишдилар. Улар, айниқса, бу масканлардаги методик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган йўналишларни атрофлича ўрганишди. Ўқитувчилар томонидан тайёрланган дарс ишланмалари ва кўргазмали дидактик воситалар билан яқиндан танишдилар. Ўғил-қизлар билан мулоқотда бўлиб, уларга яратилган шароитлар билан қизиқдилар.

— Ёшларимизга дунё андозалари даражасида билим олишга шароит яратилиши керак, — дейди Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 12-гимназия-интернати директори Алижон Маматхонов. — Бу борада жамоамиз жуда қаттиқ меҳнат қилаяпти. Чет эл ташкилотлари, нодавлат ўқув муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Ҳамкорликсиз, тажриба алмашинувисиз ривожланишга эришиб бўлмайди. Шу маънода жорий ўқув йилида "Айрекс" танловларида иштирок этдик. Ғолиб сифатида 2004 йилнинг февраль ойида Америкага борадиган бўлдим.

Биринчи галда АҚШда ўқувчиларга яратилган шароитларни, боғча, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари билан ота-оналар ўртасида ўрнатилган алоқаларни ўрганмоқчиман. Албатта, улар тажрибасини кўчириб олмаймиз, балки уларнинг тажрибасини ўзимизга, миллий мактабимизга мослаган ҳолда қўллаш ниятидаман...

27 декабрь куни иштирокчилар ўз мактабларида амалга оширилаётган илғор тажрибаларни 12 дақиқа давомида РТМ мажлислар зали саҳнасида намойиш қилишди. Залга йиғилганлар мактаб раҳбарларининг "Мактаб фаолияти тўғрисида"ги "ҳимояси" орқали таълим беришнинг илғор иш усулларидан воқиф бўлдилар. Масалан, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-мактаб ўқувчилар давоматини яхшилаш ҳамда ўғил-қизлар онгига тушунчалар билан бир қаторда урф-одат, удум ва қадриятларни ҳам сингдириб юксак натижаларга эришаётган бўлсалар, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги умумий ўрта таълим мактабида "Имконият + истеъдод + рағбат = самара" усули қўлланиши муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Гулбаҳор Каримова раҳбарлик қилаётган Жиззах шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабида эса ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда мониторинг таҳлиллари намунали йўлга қўйилгани боис у ерда таълим мазмуни тубдан яхшиланмоқда. Чунончи, жамоа йиғилишида 9 та методбирлашма иши ойма-ой таҳлил қилиб борилади. Натижалар қиёсланади. Янгилик яратаётган муаллимлар, жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган ўғил-қизлар номи мактаб радио тармоғи орқали илм маскани фахри сифатида тилга олинади.

"Yil maktabi —2003"

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 8-умумий ўрта мактаби жамоаси буюк маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир" мазмунидаги фикрларига амал қилиб, жонажон ва қадрдон мактаб (мактабнинг 80 фоиз ўқитувчиси шу масканда таълим олишган)ларини жамият кўркига айлантириш борасида изланишлар олиб боришмоқда. Энг асосийси, жамоада илғор ўқитувчилар ҳамкасбларга намуна қилиб кўрсатилади. У ерда очиқ дарсларни кузатиш, бир-бирларининг тажрибаларини ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Яна бир жиҳат шуки, илм масканида турли беллашувлар қаторида бошланғич синф ўқувчилари ўртасида "Чиройли ёзув" кўрик-танлови ўтказилиб, хуснихати чиройли ўғил-қизлар рағбатлантириб турилади. Зотан, инсон хуснихати кишининг феъл-атворини белгилашда муҳим восита ҳисобланади.

Хоразм вилояти Шовот туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби раҳбари Иброҳим Қурбонов ўз ёрдамчилари билан саҳнага чиқишлари биланоқ шу мактаб ўқитувчиси Лазизбек Тожиев ўзбек қўшиқчилик санъатига улкан ҳисса қўшган устоз Комилжон Отаниёзов (дарвоқе, устозсанъаткор шу мактабда таълим олган)сиймосида намоён бўлди. "Устоз" томонидан машҳур қўшиқчининг:

Ўзга элнинг боғи билан боғчаси,
Ўз юртимнинг янтоғинча бўлолмас, —

ашуласи ўзига хос оҳангда янграганида залда йиғилганлар қалбида ўзгача ҳаяжон уйғотди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки Лазизбек ижросидаги қўшиқ Ватан мавзусида бўлиб, у ўзга юрт билан қиёсланган ҳолда тингловчи юрагини ҳаяжонга солгани, эл-юртига янада меҳрли, муҳаббатли бўлишга чорлагани, ўзлигини англашга ундагани ҳақиқат эди.

Шовотлик мактаб раҳбари "ўз иши ҳимояси"да илм маскани жамоаси 1180 нафар ўқувчисини ватанпарварлик, хусусан, буюк алломалар — Мусо ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди каби бобокалонларининг муносиб ворислари бўлиш руҳида тарбиялашга сидқидилдан ҳаракат қилаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Зеро, қадриятларга содиқлик, илм олишга интилиш Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келади.

Биз жараённи кузатиб, мактаб жамоалари Андижонда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, Бухорода ота-оналар билан ҳамкорлик, Қорақалпоғистон Республикасида ўқувчиларни синфдан, мактабдан ташқари ишларга жалб этиш, Наманганда қўшимча машғулотлар ўтиш, Самарқандда маънавий-маърифий тарбияни жонлантириш, Сирдарёда изланувчанлик, Сурхондарёда китобхонлик, пойтахт вилоятида кўргазмали ўқув қуролларидан оқилона фойдаланиш орқали юқори кўрсаткичларга эришилаётганлигига амин бўлдик.

Сирасини айтганда, кўрик-танлов жараёнида иштирокчилар — умумий ўрта таълим мактабларининг 20 дан ортиқ йўналишдаги ишлари таҳлил қилинди. "Йил мактаби — 2003" республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи сўнгги шарти ниҳоялангач, ҳакамлар ҳайъатининг қарори эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент шаҳридаги 43-умумий ўрта таълим мактаби (раҳбари Э.Янборисова) ҳамда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги умумий ўрта таълим мактаби (раҳбари Шарофиддин Зайниддинов) жамоалари "Йил мактаби — 2003" республика кўрик-танловининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов ғолиб ва совриндорларни самимий қутлаб, "Йил ўқитувчиси", "Йил мактаби" кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига кираётганини, кўрик-танлов мазмуни ва илғор мактаблар фаолиятларини баҳолаш мезонлари тобора такомиллаштирилиб борилаётганини мамнуният билан қайд этди...

Жараён давом этади, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг қамровли ишларни ҳаётга татбиқ этаётган илғор педагогик жамоаларни аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш бош ва устувор вазифа бўлиб қолаверади. Қисқаси, таълимни такомиллаштиришга қаратилган мазкур танлов ўзига хослиги билан бошқа тадбирлардан кескин фарқ қилиб турди.

Қурбонбой МАТКУРБОНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Суратларда: "Йил мактаби — 2003" республика кўрик-танлови жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



Temuriylar o'z ona tillari - turkiy ravnaqiga alohida e'tibor berdilar. Temuriy shahzodalarning ko'pchiligi ilm-fan yoxud badiiy ijod bilan shug'ullanardilar.

Adabiyotshunoslik sohasida tarozlik Ahmad Taroziy turkiy tilda she'r ilmiga bag'ishlangan "Funun ul-balog'a" ("Badiiylik ilmi") nomli asar yozdi. Birinchi marotaba turkiy tilda she'riyat qoidalari haqida kitob paydo bo'ldi.

UYG'ONISH DAVRI O'ZBEK ADABIYOTIDAN

XIV asrning ikkinchi yarmidan XVII asrgacha bo'lgan adabiyot

(Davomi. Boshi o'tgan sc 'a)

Tarixiy sharoit va ijtimoiy hayot. Bir yarim asr davom etgan mo'g'ul istilosidan so'ng Turkiston yana o'z mustaqilligini qo'lga oldi. Tarix bu gal istiqlol kurashchisi sifatida sahnaga sohibqiron Amir Temurni olib chiqdi. Amir Temur (1336-1405) Turonzaminning eng qadim shaharlaridan Kesh (Shahrisabz)da dunyoga keldi. Qadim yunon tarixchilari Ksennipa deb atagan, XIV asrgacha Kesh nomi bilan shuhrat topgan bu shahar XIV asrning eng muhim siyosiy, madaniy markazlaridan edi. Temur 1370 yilda Turkistonni mo'g'ullar asoratidan to'la ozod qildi. XIV asrning oxiri XV asrning boshlarida g'arbdan Misrgacha, shimoldan Rusgacha, sharqdan Xitoygacha, janubdan Hindgacha cho'zilgan ulkan hududda saltanat o'rnatdi. Uning avlodlari - temuriy shahzodalar Turkistonda XVI asrning boshlarigacha hukmronlik qildilar. Ular orasidan Shohruh Mirzo, Mirzo Ulug'bek, Husayn Boyqaro kabi ko'plab davlat va madaniyat arboblari etishib chiqdi. XVI asrdan so'ng bu sulola Hindistonda Bobur va boburiylar timsolida XIX asrning o'rtalarigacha davom etdi.

Temuriylar saltanatining parchalanishi Movarounnahr va Xurosonning ikki mustaqil davlatga aylanish xavfini kuchaytirdi. 1447 yilda Shohruh Mirzoning vafot etishi va 1449 yilda uning o'g'li – Movarounnahr hukmdori Mirzo Ulug'bekning o'z farzandi Abdullatif tomonidan o'ldirilishi bilan temuriylar o'rtasidagi o'zaro kurashlar avj oldi. Olti oy o'tar-o'tmas, 1450 yilda padarkush Abdullatif ham o'ldirildi. Hirot taxtiga Shohruhning nabirasi Abulqosim Bobur Mirzo, Samarqand taxtiga Mironshohning nabirasi Abusaid Mirzo chiqdilar. 1457 yilda Abulqosim Bobur Mirzo vafot etgach, Abusaid Mirzo Xuroson va Movarounnahrni birlashtirishga muvaffaq bo'ldi. Biroq 1469 yilda Amir Temurning umri qisqa yana bir o'g'li - Umarshayxning nabirasi Husayn Boyqaro Hirotni egallab, Xurosonni ajratib oldi. Movarounnahrni Abusaidning o'g'illari Sulton Ahmad, Sulton Mahmud, Umarshayx idora etdilar.

Shimolda, Sirdaryoning quyi oqimida kuchli hokimiyat maydonga keltirgan Muhammad Shayboniyxon asrning so'nggi yillarida Movarounnahrga kirib kela boshladi. Shayboniy askarlari 1499 yilda Buxoroni, 1500 yilda Samarqandni, 1505 yilda Xorazmni qo'lga kiritdi. 1507 yilda Xuroson poytaxti Hirot ham shayboniylar qo'liga o'tdi. Shunday qilib, XVI asrning boshida Xuroson va Movarounnahrda 137 yil davom etgan temuriylar saltanati qulab, o'rniga shayboniylar hokimiyati o'rnatildi.

Muhammad Shayboniy o'zbek ulusining shabon sulolasidan bo'lib, Dashti Qipchoqdagi o'zbek davlatining asoschisi Abulxayrxon (1428-1469)ning nabirasi edi. U 1510 yilda Eron shohi Ismoil Safaviy qo'shini bilan jangda halok bo'lgach, taxtga amakisi Ko'chkunchixon (1510-1530), so'ng esa uning o'g'li Abu Said (1530-1533) o'tiradi. XVI asrning 50-yillarida shayboniylarning taxt-toj uchun kurashlari avj oladi. Bu g'avg'olarda Shayboniyning amakivachchalaridan bo'lgan Jonibekning nabirasi Abdulla Ilning qo'li baland keladi va uzoq kurashdan keyin u Xuroson bilan Movarounnahrni yaxlit saltanatga aylantiradi. 1588 yilda u Farg'onadan Marvgacha, Hirot va Mashhaddan Orol dengizigacha bo'lgan hududda o'z hukmronligini o'rnatdi. Abdullaxon II 1598 yilda o'g'li Abdulmo'min tomonidan zaharlab o'ldirildi. Abdulmo'minning taqdiri ham padarkush Abdullatifniki singari fojia bilan yakun topdi. Olti oy o'tar-o'tmas, o'z amirlari tomonidan chopib tashlandi.

1601 yilning iyunidan esa Ashtarxon (Astraxan) o'zbeklaridan Boqimuhammad oldin Samarqandni, so'ng Buxoroni egallaydi va 150 yil davom etgan ashtarxoniylar davrini boshlab beradi.

XVII asrdan saltanat yana parchalanib, sekin-astalik bilan Movarounnahrda uch xonlik qaror topdi.

Ilmiy-madaniy hayot. XIV-XVII asrlarda turkiy xalqlar madaniy harakatchiligi Oltin o'rda, Samarqand, Hirot, Buxoro, Xorazm singari mintaqalarda markazlashdi.

XV asrning birinchi yarmida Samarqand dunyoning eng go'zal shaharlaridan biriga aylandi. Buyuk Navoiy Samarqandni "firdavsmonand" ("jannatmisol") deb ataydi. Jahongir Temur ona shahri Keshda qurdirgan balandligi 70 metrlik muazzam Oqsaroy peshtoqiga "Sen bizning qudratimizga shubha qilsang, imoratlarimizga nazar sol" deb yozdirganini naql qiladilar. Darhaqiqat, u qurilishga, bunyodkorlikka katta e'tibor berdi. Samarqandga dunyoning turli tarafidan ilm va hunar ahlini olib keldi. O'nlab madrasalar, ilm uylari dunyoga keldi. Amir Temurning suyukli nabirasi Mirzo Ulug'bek (1394-1449) qurdirgan madrasalar ilm-fan o'choqlariga aylandi. 1424 yilda Samarqand shimolidagi Obirahmat arig'i yonida bino qilingan rasadxonasida sulton 1018 yulduzning holatini kuzatib jadvalga soldi.

Husayn Boyqaro davrida Hirot muhim madaniy-adabiy markazga aylandi. "Ahli fazl va benazir eldin Xuroson, bataxsis (xususan) Hiri (Hirot) shahri mamlu (to'lgan) edi",- deb yozadi Zahiriddin Bobur. Birgina Alisher Navoiyning o'zi Ixlosiya, Nizomiya, Xusraviya kabi madrasalar, Xalosiya, Shifoiya, Fanoiya kabi xonaqohlar, o'nlab masjidlar, shuningdek, 52 rabot, 20 hovuz, 16 ko'prik va 9 hammom qurdirgani ma'lum. Samarqand, Marv shaharlarida ham me'morchilik va obodonchilik ishlariga alohida e'tibor berildi. Bu an'ana shayboniylar davrida ham davom etdi. Samarqandda "Shayboniyxon" (1515-1516), Buxoroda "Mir Arab" (1535-1536) madrasalarining bino qilinishi, o'nlab sardobalar, timlar, ko'priklar bunyod etilishi shundan dalolat beradi.



Temuriylar o'z ona tillari - turkiy ravnaqiga alohida e'tibor berdilar. Temuriy shahzodalarning ko'pchiligi ilm-fan yoxud badiiy ijod bilan shug'ullanardilar. Amir Temurning o'zi ham she'rdan zavq olgan, turli munosabatlar bilan baytlar bitgan. Husayn Boyqaro va Zahiriddin Bobur zamonasining sultonlarigina emas, etuk shoirlari ham edilar. Bu hol temuriylarning izdoshi, ularning o'rniga kelgan shayboniylar davrida ham davom etdi. Dasht o'zbeklarining sodda tili va ifodasi o'troq shahar turkiylarining takallufli tili bilan qo'shilib, mo'tadillashdi.

Turkiy tilning mintaqadagi ta'siri va nufuzi ortib, ilm va she'r ahlida unga rag'bat kuchayib bordi. Lekin bu jarayon u qadar oson kechmadi. An'ana bo'yicha, Xuroson va Turkistonda, asosan, fors tili she'r tili, adabiyot tili bo'lib hisoblanar edi. Ko'p davrlardan buyon badiiy asarlar yaratilib kelingan bu til ohangdor, ishlangan, timsollarga boy, ifoda va tasvir vositalari tayyor, andozalar mo'l-ko'l edi. Bu hol ijodiy jarayonni osonlashtirar edi. Turkiy tilda she'r yozadigan kishi esa bu tilda hali katta salmoqli adabiyot yaratilmagani uchun izlanmog'i, har bir so'z va ibora ifodasi ustida bosh qotirmog'i kerak edi. Bu ishni qiyinlashtirar edi. Buning ustiga, turkiy ziyolilarimizning katta qismida o'z ona tilidan uzoqlashish, hatto unga nopisand qarash mayllari kuchli edi. Ba'zilari uni bilmaslik bilan iftixor etardilar. Milliy g'urur tamom o'la boshlagan edi. Bu tilning imkoniyatlarini ilmiy va amaliy ko'rsatmoq, millatning g'ururi va sha'nini o'zining munosib o'rniga qo'ymoq sharafi va mas'uliyati edi. Samarqandda, ayniqsa, Xirotda kitob va miniatyura san'ati taraqqiy qildi. Sultonali Mashhadiy, Abduljamil Kotib, Darvesh-muhammad Samarqandiy, Abdulaziz Samarqandiy kabi hattotlar etishdi. Xat yozish san'at darajasiga ko'tarildi. Navoiy davrida uning 36 turi qayd etilgan. Rayhoniy, riqo', suls, nasx, ta'liq, nasta'liq, muraqqa', shikasta kabi xat turlari shuhrat qazongan. Kitoblarga turli miniatyuralar ishlandi. Kamoliddin Behzod,

O'qituvchiga yordam

Alisher Navoiy zimmasiga tushdi. Buyuk shoir "Muhokamat ul-lug'atayn" ("Ikki til muhokamasi") nomli maxsus asar yozib, turk va fors tillari imkoniyatini qiyosladi. Rad etib bo'lmaydigan ilmiy dalillar bilan turk tilining afzalliklarini ko'rsatib berdi.

Bu davrda she'riyat va musiqa, ijtimoiy fanlar, ayniqsa, tarix va adabiyotshunoslik taraqqiy qildi. Chunki dunyoga kelgan ulkan saltanat mohiyatini anglash, Sohibqironning zafarli yurishlarini yoritish, uning ish va idora usulini tushuntirish, maydonga kelgan davlatning mafkurasini, siyosiy tizimini yaratish zarur edi. Sharafiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma", Hofizi Abro'ning "Zubdat ut-tavorix" ("Tarixlar qaymog'i"), Abdurazzoq Samarqandiyning "Matla us-sa'dayn..." ("Ikki baxt boshlanmasi"), Mirxondning 7 jildlik "Ravzat us-safo" ("Soflik bog'i") kabi Temur va temuriylar tarixiga bag'ishlangan asarlari shunga qaratilgan edi.

O'zlari ilm-fan, adabiyot va madaniyat bilan bevosita shug'ullangan temuriylarning ko'pchiligi yaxshigina shaxsiy kutubxonalarga ega edilar. Masalan, shoir va olim Mavlono Sohibdoro (1511 yili vafot etgan) Husayn Boyqaro kutubxonasining boshlig'i Mahmud Muzahhib, Qosim Ali, Shoh Muzaffar dovruq qozondilar. Ular tufayli ko'plab temuriy va shayboniy shohlarining tasvirlari tarixda saqlanib qoldi. Hattotlikda Sultonali Mashhadiy (1432-1520), tasviriy san'atda Kamoliddin Behzod (1455-1533) o'z maktablarini yaratdilar. Binolarni bezashda Mirak Naqqoshning ovozasi yoyildi. Musiqa rivoj topdi. Ko'p shoirlar musiqaning ham nazariyasi, ham amaliyoti bilan shug'ullandilar. Abdurahmon Jomiy, Kamoliddin Binoiy, Zahiriddin Bobur musiqa ilmiga oid risolalar yozdilar.

Tarix va adabiyotshunoslikda Mirxond (1433-1498), Davlatshoh Samarqandiy (1436-1495), Xondamir (1475| 76-1534), Zayniddin Vosifiy (1486-1566), Hasanxoja Nisoriy (1516-1597) kabi ko'plab olimlar etishdi.

Mirxond asli buxorolik edi. Hirotga borib, Alisher Navoiy soyasida panoh topdi, uning homiyligida 7 jildlik "Ravzat us-safo"("Poklik bog'i") nomli tarixiy asar yozdi. Navoiy kutubxonasida xizmat qilgan Xondamir Movarounnahr va Xuroson tarixiga doir o'ndan ortiq asar yaratdi. Shularning biri- "Makorim ul-axloq" ("Yaxshi xulqlar") Alisher Navoiyga bag'ishlangan. Davlatshoh Samarqandiy 1486 yilda "Tazkirat ush-shuaro" ("Shoirlar to'plami")ni tuzib, unda yuz ellikdan ortiq shoir haqida ma'lumot berdi. Vosifiy "Badoe' ul-vaqoe'" ("Go'zal voqealar") asarida XV asrning oxiri XVI asrning birinchi yarmida Xuroson va Movarunnahrda yashab o'tgan mashhur fan, madaniyat arboblarining hayoti hamda faoliyati bilan bog'liq ibratli hikoyalar keltirgan. Shuningdek, bevosita badiiy ijod bilan shug'ullangan shoir va adiblarimiz ham tarix va adabiyotshunoslikka oid asarlar yozdilar. Abdurahmon Jomiy o'g'li Ziyovuddin Yusuf uchun ixcham voqeiy hikoyalardan tashkil topgan "Bahoriston" nomli asar yozdi. Alisher Navoiy "Tarixi muluki Ajam" ("Ajam shohlari tarixi"), "Nasoyim ul-muhabbat" ("Muhabbat shabadalari"), "Majolis un-nafois" ("Nafis majlislar") kabi tazkiralarini, Zahiriddin Bobur "Muxtasar"[1] (aruz haqida risola) kabi adabiyot nazariyasiga oid asarlarini yaratdilar.

(Davomi bor)

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Юртимизнинг барча ўқитувчи ва мураббийларини, олимларини, фидойи устозларни

ЯНГИ – 2004 ЙИЛ

билан самимий қутлайди!

Янги йилда Сизларга бахт ва шодлик, хайру барака, омад доимий ҳамроҳ бўлсин!

Obod mahalla yili

ЧОЙХОНА – МАЪНАВИЯТ ТЎШАСИ

Чойхона — чой ичиб ҳордиқ чиқарадиган жамоатчилик жойи. Иссиқ иқлим шароити тақозосига кўра, Шарқ мамлакатларида, айниқса, Ўрта Осиёда кенг тарқалган бу гўша ўзининг кўҳна тарихига эга. Зардуштийлик ибодатхонаси — оташкадаларда йигитлар йиғилиб гурунглашган, турли долзарб масалаларни ҳал этишган. Машҳур қадимшунос олим С.Толстов фикрича, қуёшдан олов, оловдан оташкада, меҳмонхона ва меҳмонхонадан чойхона келиб чиққан. Оташкада ва чойхоналар қадимда "эркаклар уйлари" деб аталган. Бундан кўринадики, чойхоналар нафақат таом тановул этиладиган жой, балки маҳалла эркаклари йиғилиб сухбат қурадиган, миллий ўйинлар ўйналадиган гўша ҳисобланган.

Мамлакатимизнинг ўтроқ аҳоли яшаган ҳудудларида араблар босқинигача ҳам чойхоналар бўлган. Чойхоналар бозор ва маҳалла гузарларида — энг қулай, хушманзара жойларда қурилган, у ерда турли таомлар пиширилган, ҳаттоки меҳмонхона вазифасини ҳам ўтаган.

XIX асрда Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларининг бозор, маҳалла кўчаларида, соясалқин жойларда катта-кичик чойхоналар пайдо бўлган. Бир пиёла чой устида ширин сухбат, қувноқ қаҳқаҳа, дилни яйратувчи куй ва қўшиқлар, латифалар, шеъру ғазаллар янграган. Чойхона кишиларнинг ҳордиқ чиқариб, ўзаро сухбат қурадиган, дам оладиган маскани ҳисобланган. Кишилар бу ерга фақат чой ичиш учун эмас, балки турли йиғилишлар уюштириб, ўз ҳаётлари ва турмушларига оид энг долзарб масалаларни маслаҳатлашишга йиғилишган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва йирик қишлоқларининг ҳар бир маҳалла гузарларида чойхона бўлган. Масалан, XIX асрда Тошкентда 400 та чойхона фаолият кўрсатган.

Чойхоналар қадимдан мусофирхона вазифасини ҳам ўтаган, одамлар бир-бирларини йўқлаб келадиган маскан ҳам ҳисобланган.

Ўрта Осиё халқлари — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқ ва уйғурлар анъанавий турмуш тарзига мос равишда расм-русум ва урф-одатларини яратишган ва уларни доимо такомиллаштирган. Ўзбек халқи асрлар мобайнида азалий удум ва анъаналарини, ҳаётнинг турли жабҳаларига чамбарчас боғланган ҳолда, ижодий давом эттириб келаётир. Шаҳар ва қишлоқ аҳли, одатга кўра, энг долзарб ҳаётий масалалар — деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга оид муҳим муаммоларни муҳокама этиш, кенгашиш мақсадида махсус бир жойда тўпланишган. Жамоа тўпланадиган жойда чойдиш, обдаста-қумғон каби идишларда сув тўлдирилиб қайнатилган, унга турли доривор гиёҳлар, кўкатлар аралаштирилиб, кейинчалик қуруқ чой солиниб, истеъмол қилинган. Тўпланганларнинг асосий мақсадлари чойхўрликдан иборат бўлмасдан, ўз турмуш муаммоларини кенгашиб, маслаҳатлашиб олишда чойичишдан "эрмак" сифатида фойдаланганлар.

Жамият тараққиёти ва ижтимоий муҳит таъсирида астасекин мазкур маслаҳатхоналар "чойхона" номи билан аталиб, унга янги маъно-мазмун берилган. Азалдан ҳафтанинг жума ва якшанба кунлари савдо-сотиқ ва бошқа юмушлар билан бозорга келганлар чойхона атрофида хўроз, бедана, каклик, қўчқор уриштириб, ҳордиқ чиқаришса, айримлари қўшиқ айтиш, аскиябозлик каби ўйин-кулгилар уюштиришган. Бундан томошабинлар ҳам ҳордиқ чиқаришган. Шу каби ибратли удум ва анъаналаримиз натижаси сифатида "чойхона базми" тушунчаси пайдо бўлган. Кўпинча чойхоналарда чойгаштаклар, гурунглар уюштирилган. Чойхоналарда "Бир пиёла чойга марҳамат!" каби илтифот удум тусига кирган. Бу ибратли одат чойхонадан хонадонларга "Бир пиёла чой ичиб кетинг!" тарзида кўчиб, ўзбек халқи турмушида меҳмоннавозлик ва инсонийлик фазилатининг намунаси сифатида кенг тарқалган.



Маълумки, октябрь тўнтаришидан сўнг, шўро даврида чойхоналар ҳам тарғибот-ташвиқот марказига айлантирилган эди. Маданий марказни ифодаловчи "қизил бурчак", "қизил чойхона" каби атамалар юзага келганди. Шу тариқа чойхона коммунистик мафкурани тарғиб этиш марказларидан бирига айлантирилган.

Чойхона номи билан фаолият кўрсатаётган тарбиявий-маданий масканлар қишлоқ ва туманларнинг ҳудудий хусусиятларига қараб қурилган. Бу жойларда хушмуомала, обрўли, уддабурон, соғлом, покиза кишилар чойхоначи этиб тайинланган. Удумга кўра, чойхоначи касби отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган. Чойхоначилар чой қайнатиш орқали бойлик орттиришни эмас, балки эл-юртга холисона хизмат қилиб, савоб олишни кўзлаганлар.

Чой эвазига ҳақ талаб қилинмаган, одатга кўра, мижозлар чойни ичиб, ҳордиқ чиқаришгач, ҳақини пиёла ичига ташлаб кетишган. Чойхоначига ўспирин ўғиллари ёки укалари ёрдам беришган. Улар ҳам ёшликдан меҳнатга ва хушмуомалаликка ўргатилган. Кўпинча чойхоналар мусофирлар ва йўловчилар тунаб қоладиган манзил вазифасини ҳам бажарган. Етим болалар ва қаровсиз кишилар чойхоналардан бошпана топиб, кун кечиришган. Қадимдан чойхоналар одобахлоқ ва тарбия маскани сифатида Фарғона водийсида чойхоналар инсонларнинг иккинчи хонадонига айланиб қолган. Водийликлар одатига кўра, меҳмон чойхонада бир сиқим палов тановул қилмаса, мезбоннинг кўнгли жойига тушмайди. Меҳмон палов тановул қилиш билан бирга, маданий ҳордиқ ҳам чиқаради, мезбоннинг ёру жўралари билан яқиндан танишади ва ўзига дўстлар орттиради.

Қашқадарё воҳасида никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган "келин кўрсатар" маросимида куёв хонадонига — қаридошуруғлари, ёру дўстлари, қўни-қўшнилари, совға — "тўёна" билан келишади. Зиёфат охирида чойхўрлик бошланади. Одатга кўра, келин аёлларга ўрнидан туриб тавозе билан чой узатади, бўшаган пиёлани ҳам шу тарзда қабул қилади. Бу билан келин ўзининг хулқ-атвори, ахлоқ-одоби, кишиларга илтифоти, умуман, ўзаро муносабатда қай даражада тарбия олганини намойиш қилади. Шундай "чой узатиш" маросими кўпинча ҳайит ва байрамларда уюштирилади.

Маълумки, мустабид шўролар даврида шаҳар, қўрғон, туманлар марказларида миллий анъаналаримиз ва иқлимга умуман тўғри келмайдиган кўп қаватли уйлар қурилиб, чойхоналар эса режага умуман киритилмаганди. Ҳозирги даврда янги турар жойларни режалаштираётганда миллий хусусиятлар ҳисобга олиниб, шарқона услубдаги ҳисобланган боис, ёшлар, айниқса, хотин-қизлар чойхона олдидан ҳаё-ибо сақлаб ўтганлар. Маҳаллада бирон киши одобсизлик қилса, чойхонада тартибга чақирилган. Чойхонада маҳалла аҳлининг юриш-туриши ва хулқи доимо муҳокама қилиниб, тартибсизларга қаттиқ дашном берилган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг барча йирик қишлоқ ва шаҳарларида, вилоят ва туман марказларидаги маҳаллаларида чиройли, миллий, замонавий услубдаги чойхоналар қурилди. Кўп жойларда "Нуроний", "Оталар чойхонаси" самарали фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, республика телевидениеси орқали мунтазам намойиш этиладиган "Оталар чойхонаси" кўрсатуви маъно-мазмунига кўра, ғоят ибратлидир.

Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби вилоятларда ҳар томонлама маданий марказга айланган чойхоналар анчагина. Айниқса, Фарғона водийсида чойхоналар инсонларнинг иккинчи хонадонига айланиб қолган. Водийликлар одатига кўра, меҳмон чойхонада бир сиқим палов тановул қилмаса, мезбоннинг кўнгли жойига тушмайди. Меҳмон палов тановул қилиш билан бирга, маданий ҳордиқ ҳам чиқаради, мезбоннинг ёру жўралари билан яқиндан танишади ва ўзига дўстлар орттиради.

Қашқадарё воҳасида никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган "келин кўрсатар" маросимида куёв хонадонига — қаридошуруғлари, ёру дўстлари, қўни-қўшнилари, совға — "тўёна" билан келишади. Зиёфат охирида чойхўрлик бошланади. Одатга кўра, келин аёлларга ўрнидан туриб тавозе билан чой узатади, бўшаган пиёлани ҳам шу тарзда қабул қилади. Бу билан келин ўзининг хулқ-атвори, ахлоқ-одоби, кишиларга илтифоти, умуман, ўзаро муносабатда қай даражада тарбия олганини намойиш қилади. Шундай "чой узатиш" маросими кўпинча ҳайит ва байрамларда уюштирилади.

Маълумки, мустабид шўролар даврида шаҳар, қўрғон, туманлар марказларида миллий анъаналаримиз ва иқлимга умуман тўғри келмайдиган кўп қаватли уйлар қурилиб, чойхоналар эса режага умуман киритилмаганди. Ҳозирги даврда янги турар жойларни режалаштираётганда миллий хусусиятлар ҳисобга олиниб, шарқона услубдаги маҳалла-гузарлар лойиҳасига чойхоналар ҳам киритилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Табиийки, замонавий чойхоналарда одамлар бўш вақтларида ўзаро ширин сухбат қуришади, шахмат-шашка ўйнашади, газета ва журналлар ўқишади, хуллас, мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Бу масканда тўй-ҳашамлар ўтказилади. Хуллас, энг муҳими, кишилар ўртасида инсонийлик ришталари мустаҳкам боғланиб, ўзаро меҳр-оқибат янада кучаяди.

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги чойхоналарнинг фаолияти, айниқса, ибратли. Бундай замонавий чойхоналарда турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилади, Наврўз ва бошқа байрам тантаналари ҳам шу масканларда ўтказилмоқда.

Аммо баъзи жойларда қаровсиз чойхоналар ҳам учраб туради. Халқимиз удумини ҳам ўтаган.

XIX асрда Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларининг бозор, маҳалла кўчаларида, соясалқин жойларда катта-кичик чойхоналар пайдо бўлган. Бир пиёла чой устида ширин сухбат, қувноқ қаҳқаҳа, дилни яйратувчи куй ва қўшиқлар, латифалар, шеъру ғазаллар янграган. Чойхона кишиларнинг ҳордиқ чиқариб, ўзаро сухбат қурадиган, дам оладиган маскани ҳисобланган. Кишилар бу ерга фақат чой ичиш учун эмас, балки турли йиғилишлар уюштириб, ўз ҳаётлари ва турмушларига оид энг долзарб масалаларни маслаҳатлашишга йиғилишган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва йирик қишлоқларининг ҳар бир маҳалла гузарларида чойхона бўлган. Масалан, XIX асрда Тошкентда 400 та чойхона фаолият кўрсатган.

Чойхоналар қадимдан мусофирхона вазифасини ҳам ўтаган, одамлар бир-бирларини йўқлаб келадиган маскан ҳам ҳисобланган.

Ўрта Осиё халқлари — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқ ва уйғурлар анъанавий турмуш тарзига мос равишда расм-русум ва урф-одатларини яратишган ва уларни доимо такомиллаштирган. Ўзбек халқи асрлар мобайнида азалий удум ва анъаналарини, ҳаётнинг турли жабҳаларига чамбарчас боғланган ҳолда, ижодий давом эттириб келаётир. Шаҳар ва қишлоқ аҳли, одатга кўра, энг долзарб ҳаётий масалалар — деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга оид муҳим муаммоларни муҳокама этиш, кенгашиш мақсадида махсус бир жойда тўпланишган. Жамоа тўпланадиган жойда чойдиш, обдаста-қумғон каби идишларда сув тўлдирилиб қайнатилган, унга турли доривор гиёҳлар, кўкатлар аралаштирилиб, кейинчалик қуруқ чой солиниб, истеъмол қилинган. Тўпланганларнинг асосий мақсадлари чойхўрликдан иборат бўлмасдан, ўз турмуш муаммоларини кенгашиб, маслаҳатлашиб олишда чой ичишдан "эрмак" сифатида фойдаланганлар.

Жамият тараққиёти ва ижтимоий муҳит таъсирида астасекин мазкур маслаҳатхоналар "чойхона" номи билан аталиб, унга янги маъно-мазмун берилган. Азалдан ҳафтанинг жума ва якшанба кунлари савдо-сотиқ ва бошқа юмушлар билан бозорга келганлар чойхона атрофида хўроз, бедана, каклик, қўчқор уриштириб, ҳордиқ чиқаришса, айримлари қўшиқ айтиш, аскиябозлик каби ўйин-кулгилар уюштиришган. Бундан томошабинлар ҳам ҳордиқ чиқаришган. Шу каби ибратли удум ва анъаналаримиз натижаси сифатида "чойхона базми" тушунчаси пайдо бўлган. Кўпинча чойхоналарда чойгаштаклар, гурунглар уюштирилган. Чойхоналарда "Бир пиёла чойга марҳамат!" каби илтифот удум тусига кирган. Бу ибратли одат чойхонадан хонадонларга "Бир пиёла чой ичиб кетинг!" тарзида кўчиб, ўзбек халқи турмушида меҳмоннавозлик ва инсонийлик фазилатининг намунаси сифатида кенг тарқалган.



Чойхона — чой ичиб ҳордиқ чиқарадиган жамоатчилик жойи. Иссиқ иқлим шароити тақозосига кўра, Шарқ мамлакатларида, айниқса, Ўрта Осиёда кенг тарқалган бу гўша ўзининг кўҳна тарихига эга. Зардуштийлик ибодатхонаси — оташкадаларда йигитлар йиғилиб гурунглашган, турли долзарб масалаларни ҳал этишган. Машҳур қадимшунос олим С.Толстов фикрича, қуёшдан олов, оловдан оташкада, меҳмонхона ва меҳмонхонадан чойхона келиб чиққан. Оташкада ва чойхоналар қадимда "эркаклар уйлари" деб аталган. Бундан кўринадики, чойхоналар нафақат таом тановул этиладиган жой, балки маҳалла эркаклари йиғилиб сухбат қурадиган, миллий ўйинлар ўйналадиган гўша ҳисобланган.

Мамлакатимизнинг ўтроқ аҳоли яшаган ҳудудларида араблар босқинигача ҳам чойхоналар бўлган. Чойхоналар бозор ва маҳалла гузарларида — энг қулай, хушманзара жойларда қурилган, у ерда турли таомлар пиширилган, ҳаттоки меҳмонхона вазифасини ҳам ўтаган.

XIX асрда Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларининг бозор, маҳалла кўчаларида, соясалқин жойларда катта-кичик чойхоналар пайдо бўлган. Бир пиёла чой устида ширин сухбат, қувноқ қаҳқаҳа, дилни яйратувчи куй ва қўшиқлар, латифалар, шеъру ғазаллар янграган. Чойхона кишиларнинг ҳордиқ чиқариб, ўзаро сухбат қурадиган, дам оладиган маскани ҳисобланган. Кишилар бу ерга фақат чой ичиш учун эмас, балки турли йиғилишлар уюштириб, ўз ҳаётлари ва турмушларига оид энг долзарб масалаларни маслаҳатлашишга йиғилишган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва йирик қишлоқларининг ҳар бир маҳалла гузарларида чойхона бўлган. Масалан, XIX асрда Тошкентда 400 та чойхона фаолият кўрсатган.

Чойхоналар қадимдан мусофирхона вазифасини ҳам ўтаган, одамлар бир-бирларини йўқлаб келадиган маскан ҳам ҳисобланган.

Ўрта Осиё халқлари — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқ ва уйғурлар анъанавий турмуш тарзига мос равишда расм-русум ва урф-одатларини яратишган ва уларни доимо такомиллаштирган. Ўзбек халқи асрлар мобайнида азалий удум ва анъаналарини, ҳаётнинг турли жабҳаларига чамбарчас боғланган ҳолда, ижодий давом эттириб келаётир. Шаҳар ва қишлоқ аҳли, одатга кўра, энг долзарб ҳаётий масалалар — деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга оид муҳим муаммоларни муҳокама этиш, кенгашиш мақсадида махсус бир жойда тўпланишган. Жамоа тўпланадиган жойда чойдиш, обдаста-қумғон каби идишларда сув тўлдирилиб қайнатилган, унга турли доривор гиёҳлар, кўкатлар аралаштирилиб, кейинчалик қуруқ чой солиниб, истеъмол қилинган. Тўпланганларнинг асосий мақсадлари чойхўрликдан иборат бўлмасдан, ўз турмуш муаммоларини кенгашиб, маслаҳатлашиб олишда чой ичишдан "эрмак" сифатида фойдаланганлар.

Жамият тараққиёти ва ижтимоий муҳит таъсирида астасекин мазкур маслаҳатхоналар "чойхона" номи билан аталиб, унга янги маъно-мазмун берилган. Азалдан ҳафтанинг жума ва якшанба кунлари савдо-сотиқ ва бошқа юмушлар билан бозорга келганлар чойхона атрофида хўроз, бедана, каклик, қўчқор уриштириб, ҳордиқ чиқаришса, айримлари қўшиқ айтиш, аскиябозлик каби ўйин-кулгилар уюштиришган. Бундан томошабинлар ҳам ҳордиқ чиқаришган. Шу каби ибратли удум ва анъаналаримиз натижаси сифатида "чойхона базми" тушунчаси пайдо бўлган. Кўпинча чойхоналарда чойгаштаклар, гурунглар уюштирилган. Чойхоналарда "Бир пиёла чойга марҳамат!" каби илтифот удум тусига кирган. Бу ибратли одат чойхонадан хонадонларга "Бир пиёла чой ичиб кетинг!" тарзида кўчиб, ўзбек халқи турмушида меҳмоннавозлик ва инсонийлик фазилатининг намунаси сифатида кенг тарқалган.

ОҚ ОРЗУЛАР ОҒУШИДАГИ ЁШЛАР



Ҳар бир йигит-қизда келажакка бўлган ҳавас, эл назарига тушиш борасидаги эҳтиросларнинг, ким бўлсам экан деган умид учқунлари айни ўсмирлик даврида кучаяди. Ва буни ҳаётий мисоллар орқали ўзича мушоҳада қилиб, аниқ бир қарорга келади. Эҳтимол, ота-онасининг маслаҳатлари асқотар. Нима бўлганда ҳам, айни чоғда аниқ бир режа асосида ҳаракат қилаётган бугуннинг ёшлари эртанги фаровон турмушимизнинг ҳақиқий эгалари ҳисобланиши, шубҳасиз. Ана шундай эзгу мақсадлар сари илдам одимлаётган, юрагида ҳаётга бўлган муҳаббат, ишонч туйғулари шакилланиб бўлган ёшларимизнинг кўпаяётгани бизни қувонтиради.

Пойтахтимиздаги биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг ўқувчи-ёшлари ҳам худди шундай юксак орзу-ниятлар оғушида эканликларини айтиш мумкин. Дарҳақиқат, таълим муассасасининг ҳовлисига кириб борар эканмиз, ёшгина кўрингани билан барчасининг эгнида оппоқ халат ҳилпираб турганининг гувоҳи бўлдик. Аслини олганда биргина мана шунинг ўзиёқ уларнинг қалбида оппоқ орзулар гуркираб турганининг омили эмасми? Шулар эмасми, соғлом турмуш муҳитини шакилантирувчи, одамларга саломатлик уруғини сочувчи саховатпешалар. Ҳа, «Бўладиган бола бошидан», дейишади донолар. Сирасини айтганда, ҳар бир касбнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари ва масъулияти мавжуд. Ана шу машаққатлар синовидан ўтолганларгина касбнинг моҳир устаси бўлиши мумкин. Йўқса ҳаётда учрайдиган бошқа чигалликларга ҳам бардош бериши мушкул бўлади. Мазкур таълим даргоҳининг ёшлари ҳам ҳозирданоқ Ибн Сино ўгитларини ўрганиб, шифокорлик сирасрорларини мурғаккина юракларига сингдиришмоқда.

— Ёшларимизнинг бу ерда ўқишлари бир жиҳатдан ўзига хос синов ҳамдир, — дейди таълим муассасаси раҳбари Г. Назарова. – Улар амалиёт даврида турли тиббий ускуналардан фойдаланиш усуллари, беморларни даволашда шифокорнинг ўзини тутиши, ҳар бир жараёнда қўрқмаслик, жасорат каби туйғуларни шакилантириш, қолаверса, тиббий қобилият даражаларини аниқлаб оладилар.

Ушбу таълим муассасаси республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 17 июлдаги 139-сонли буйруғига асосан 1-ТошДавТИ қошидаги академик лицей сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ўқув жараёни давлат таълим стандартлари асосида академик лицейлар учун яратилган ўқув дастурлари бўйича олиб борилади. Асосан табиий йўналишга ихтисослашган бўлиб, кимё, биология, она тили ва адабиёт, чет тиллар, компьютер ва ахборот технологиялари фанлари чуқурлаштирилган дастур сифатида ўқитилади. Академик лицей битирувчилари компьютер оператори, лаборант, кичик ҳамшира мутахассисликлари бўйича маълумотга эга бўладилар. Шубҳасизки, уларнинг аксарияти тиббиёт соҳасини танлаб олий маълумотли мутахассис бўлиш учун ҳаракат қиладилар. Бу жараён ижобий кўрсаткич бераётгани қувонарли ҳолдир. Ҳозирда бу ерда жами 474 нафар ўқувчи-ёшлар таҳсил олишмоқда. Уларнинг 166 нафари мазкур ўқув йилида 9-синфни битирган ва 1-курсга қабул қилинганлардир. Ҳаммамизга маълумки, улар бугунгача янги алифбо асосида фанларни ўзлаштираётган ўқувчилардир. Бу борада илм улашаётган ўқитувчи кадрлар ўртасида ҳам ҳеч қандай муаммо туғилмади. Негаки, уларнинг аксарияти тегишли курсларда ўқиб, лотин графакасини тўлиқ ўзлаштирган ва сертификатларга эга бўлган етакчи кадрлар ҳисобланади. Янги ишга қабул қилинган ўқитувчилар учун ҳам дарсдан бўш вақтда шундай курслар ташкил қилиниб амалий ёрдам берилмоқда.

Таълим муассасасида 5 та кафедра мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: кимё, биология, тиллар, аниқ ва ижтимоий фанлар кафедраларидир. Кафедра аъзолари йиллик режа асосида иш олиб борадилар. Ҳозирда ўқувчи-ёшларга 47 нафар профессор-ўқитувчилар дарс машғулотларини ўтказиб келмоқдалар. Уларнинг 13 нафари фан нозодлари, профессорлар, 25 нафари олий, 16 нафари биринчи, 6 нафари эса иккинчи тоифали ўқитувчилардир. Шунингдек, ЎзРФАнинг илмий тадқиқот институтлари билан тузилган шартномага мувофиқ, Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг иқтидорли талабалари ҳам амалий машғулотларни академик лицейда ўташади.

Айни чоғда илм даргоҳининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳам бирмунча жадаллашган. Бунинг учун чел эл инвестициялари ҳисобига керакли жиҳозлар олинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи – сифат босқичини амалга оширишга қаратилган амалий ишларнинг исботи сифатида шу йил академик лицейда «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Жанубий Корея давлатидан келтирилган жиҳозлардан кимё фани лаборатория машғулотларини ўтказишда унумли фойдаланиш» мавзуида семинар ўтказилди. Семинар дастурига мувофиқ ушбу мамлакатдан келтирилган кимё фани лаборатория воситаларининг кўргазмаси ташкил этилди. Олинган 18 та лаборатория асбобларидан ўқувчилар амалий ишларни намойиш қилдилар. Билим маскани замонавий анжомлар билан яхши таъминланган. Бу ерда 1 та компьютер синфи, 2 та кимё, 2 та биология, 1 та физика, 1 та астрономия ўқув-лаборатория хоналари, 4 та лингофон, кодоскоп, сканер, принтер, видеокамера ва замонавий компьютерлардан ёшлар намунали фойдаланишади. Академик лицейнинг жами кутубхона жамғармаси 9423 та бўлиб, 8384 таси умумтаълим, 600 таси эса бадиий адабиётлардир. Улардан ўқувчи-ёшлар мунтазам равишда фойдаланишади.

Akademik litseylar hayotidan



Мамлакатимизда спортга эътибор кучаяётган бир пайтда мазкур таълим муассасасида ҳам спорт тўгараклари ва жисмоний тарбия машғулотларига катта аҳамият берилган. Ички ва ташқи спорт майдончалари зарур машқ қуроллари билан таъминланган. Бугунги кунда спорт тўгаракларининг 7 та тури ишлаб турибди. Бундан ташқари институт билан ҳам узвий алоқа ўрнатилган бўлиб, аксарият клиникаларда ўқувчилар амалиёт ўташади. Деярли институтда бўладиган барча тадбирларга қатнашиб, ўзларига керакли бўлган тажрибаларни ўзлаштириб оладилар.

Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган турли фан олимпиадалари ва конференцияларда академик лицей ўқувчи-ёшлари ҳам намунали йштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишади. Ўтган ўқув йилида Ихлос Полвонов кимё фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасида шаҳар босқичида 1-ўринни, республикада эса 6-ўринни эгаллади. Ҳозир у Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг билимдон талабалари сафидан жой олган. Ҳозир ушбу олимпиаданинг шаҳар босқичига тайёргарликлар қизғин тус олган. Унга 30 нафар иқтидорли ёшлар жиддий тайёрланишяпти. Ноябрь ойида 12 та умумтаълим фанларидан ўтказилди. Барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийдиганлар учун экстернат тарзда битказиш имкониятидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Ушбу усул орқали ўтган ўқув йилида 8 нафар, бу йил эса 9 нафар ўқувчи курсдан курсга сакраб, ўқишни давом эттиришмоқда. Бу ҳам ўқувчиларнинг билим савияси бирмунча ижобий эканлигидан далолатдир. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш даражаси ҳам юқори. Шу йил 39 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 29 нафари олий ўқув юртига (аксарияти тиббиёт соҳасидаги) қабул қилиндилар.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур академик лицейда таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг мақсадлари битта. У ҳам бўлса – малакали мутахассис бўлиш йўлида тинимсиз изланиб, замонавий илм сирларидан воқиф бўлиш ва уни келажак авлод ҳаёти учун сарф этишдир.

Ғофур ЖАБИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: академик лицей ҳаётидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

МАКТАБ САҲНАСИДА ЯНГИ ТОМОША



Республика ўқувчилар саройи қошида ташкил этилган драма тўгараги пойтахтимиздаги ижтимоий йўналишдаги махсус гимназияда иш бошлади. Яқинда тўгаракнинг илк томошаси бўлиб ўтди. Тўгаракка гимназиянинг иқтидорли ўқувчилари танлаб олинган бўлиб, улар ўз томошаларида мактаб ҳаётидан олинган воқеаларни сатира ва юмор жанрида моҳирона намойиш этдилар. Асосан, спектаклни 5-синф ўқувчилари ижро этдилар. Тадбирга таклиф этилган отаоналар, ўқитувчилар, ёш актёрлар болаларнинг илк ижод маҳсуллари ҳақида самимий фикрлар билдириб, бундай тўгаракларни барча мактабларда йўлга қўйиш, улар ёрдамида болаларни мактаб ҳаётига қизиқтириш зарурлигини таъкидладилар.

Тўгарак раҳбари Фарҳод Файзиев ўз фаолиятлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Республикамизда санъатга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан театрга ҳам. Бунга мактабларда, касб-ҳунар коллежларида ва лицейларда турли драма тўгараклари ташкил қилинишини мисол қилиб келтирсак бўлади. Ёшлар орасида иқтидор эгалари кўп. Шундай иқтидорли ёшларни топиб, истеъдодини ривожлантириш, олий ўқув юртларига тайёрлаб, келажакда етук мутахассис қилиб бериш шу тўгаракларнинг вазифаси ҳисобланади.

Санъат — маънавиятнинг бир бўлаги. Болаларга тарбия беришда санъатнинг ўзига хос аҳамияти бор. Агар бола санъатга қизиқса, ишончим комилки, у ҳеч қачон ёмон ишга қўл урмайди. Ёшларни, болаларни санъатга қизиқтириш керак. Санъатга ошно бўлиш болага фақат фойда келтиради.

Тўгарак аъзоларининг кўзидаги қувонч шуъалари, юзларидаги ҳаяжон акси, ўз ишларидан мамнунлик ҳисси бизда ҳам шу фикрга хайрихоҳлик уйғотди.

Ҳозир тўгарак аъзолари навбатдаги ижодий режалар устида ишламоқдалар. Олдинда "Хайрлашув кечаси" спектакли турибди. Ўйлаймизки, бу томоша ҳам ўз мухлисларини топади.

Фарҳод МАҲКАМОВ

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган 2004 йил билан қутлайди. Янги йил ҳаммага янгидан-янги омад ва зафарлар келтирсин!

Badiiy asar ijodkorning — so'z ustasining shaxsiyatini bilishda, adabiy jarayon tabiatini tushunishda bir ochqich vazifasini o'taydi.

Istiqlol xalqimiz tarixida yangi davrni — Inson huquqlari davrini boshlab berdi.

Oramizdagi odamlar

ИЛМ ФИДОЙИСИ



Таниқли адабиётшунос Шерали Турдиевнинг ўзбек адабиёти илмидаги хизматлари салмоқли. Бу нарса, айниқса, XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда, ўзбек адабиёти ва сўз санъаткорларининг қардош халқлар, жаҳон халқлари адабиётлари билан ўзаро алоқалари саҳифаларини жонлантиришда яққол кўзга ташланади.

Шерали аканинг «Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси» (1967 йил, Боис Қориев билан ҳамкорликда), «Ўзбек адабиётида кичик эпик жанрларнинг шаклланиши» (1978 йил) асарлари синчков, изланувчан, заҳматкаш олимнинг илмдаги собит ва мустақил ўз сўзи бўлди. Адабиётшунослик илмига ўз қизиқиш ва интилишларига, ўз ўрганиш ва тадқиқ этиш объектига эга бўлган олим кириб келганлигидан далолат берган эди. Зеро, Шерали аканинг бу борада ўз нуқтаи назари, ўз қарашлари бор. Хусусан, муайян адабий даврда кечган жараён ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, адабий асарни, санъаткор шахсиятини ўрганиш лозим деб билади. Бу, биринчи галда талаб этиладиган зарурат. Таҳлил ва тадқиқ этишдан олдин тақозо этиладиган илмий эҳтиёждир.

Бадиий асар ижодкорнинг — сўз устасининг шахсиятини билишда, адабий жараён табиатини тушунишда бир очқич вазифасини ўтайди, деб тушунади. Мақолаларидан бошлаб тадқиқотларигача ана шу ижодий руҳ билан суғорилган.

Шерали аканинг илмий-ижодий изланишларида адабий алоқалар тарихини, адабий таъсир саҳифаларини яратиш энг ёрқин йўналиш ҳисобланади. «Ҳаётбахш таъсирлар» (1977 йил), «Адабий ҳамкорликлар самараси» (1985 йил), «Адабий дўстлигимиз тонгида» китоблари, «Адабий таъсир» (проф. М.Юнусов билан ҳамкорликда), «XX аср бошларидаги ўзбек ва қардош халқлар адабий алоқалари», «Ўзбек адабий алоқалари» (1984 йил), «Ўзбек—Озарбойжон адабий алоқалари» (1985 йил) асарлари, «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш» (1991 йил) жамоа тадқиқотидаги ўзбек адабиётининг қардош татар, озарбойжон, бошқирд ва Ўрта Осиё халқлари билан адабий ҳамкорлигига бағишланган изланишлари таъкидланишга лойиқ. Уларда XX аср ўзбек адабиёти ва маданияти тарихини яратган Ҳамза, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом ва бошқа санъаткорларнинг Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Жалил Муҳаммадқулизода, Собир, Абдулла Тўқай, Олимжон Иброҳимов каби туркий халқлар адиблари, шоирлари билан ижодий алоқалари, бир-бирларига кўрсатган адабий таъсир самаралари чуқур таҳлил ва тадқиқ этилган.

Эътиборлиси шундаки, Шерали аканинг адабий таъсир ва акс таъсирланиш ҳодисасини тушунишда ҳамда тушунтиришда ўз тамойили бор. Хусусан, миллатлараро адабий алоқалар бадиий-эстетик тафаккур тараққиётидаги муайян маданий-тарихий жараён ҳисобланади. Адабий таъсир у ёки бу адиб изланишларидаги ғоялар яқинлигида, мавзулар ўхшашлигида эмас, аксинча. Бу хил зоҳирий белгилар тарихий-адабий жараён табиатини ҳам, қонуниятларини ҳам очолмайди. Адабий таъсир, бу — асрлар оша, даврлар оша ўтиб келаётган, давом этаётган адабий усуллар, поэтик услублар анъанасида зоҳир бўлади. Шу маънода у ижтимоий-эстетик ҳодисадир.

Ўзбек адиблари устозларидан, улкан сўз санъаткорларидан у ёки бу адабий услубларни ўрганиб, ўзлаштириб қолганлари йўқ. Энг муҳими, ўз адабий савияларини юксалтириш билан баробар давр дидини, миллатнинг эстетик савиясини юксалтиришга хизмат қилишди. Ўз салафларининг, ёш ижодкорларнинг бадиий маҳоратини чархлаш борасида ҳам мазкур тажрибаларнинг ўрни, аҳамияти беқиёсдир. XX аср бадиий-маданий ҳаётидаги адабий таъсир ва акс таъсир масалалари асарларда илгари сурилган ғоялар муштараклиги билан характерланмайди. Бу борада Шерали ака бадиий асарнинг композицияси, санъаткор услуби ва бошқа шакл унсурлари билан кифояланиб қолмайди. Асосий эътиборини бадиий асар мазмунига қаратади. Яъни, бадиият билан боғлиқ равишда намоён бўладиган мазмуннинг ижтимоий-эстетик аҳамиятига урғу беради. Хусусан, у ёки бу сўз устаси ўз салафларидан — устоз ижодкорлардан ғояларнигина ўрганиб, «ўзлаштириб» қолмайди. Балки, бадиий образларнинг эстетик табиати таъсир кўрсатади. Реал, конкрет воқеликда фаолият кўрсатаётган бадиий образлар орқали акс эттирилган фалсафий, ахлоқий, ижтимоий маънолар таъсири ўзгачадир. Муайян ғоялар тизими эмас, бадиий-эстетик мазмуннинг онг-тафаккурда, руҳиятларда уйғотган зилзилалари муҳимдир.

Шерали Турдиев изланишлари орқали аёнлашаётган муҳим маънолардан яна бири шундаки, ўзбек адибларининг қардош туркий халқлар адабиётидан, жаҳон халқлари адабиётларидан ўрганиши ёлғиз таъсирланиш билан кифояланиб қолмайди. Яна ўз санъатини, бадиий дунёсини яратишга хизмат қилаётганлиги билан файзлидир.

Шерали ака адабиёт илмини ҳаёт ҳақиқатини англаш, билиш ва тушунтириш шакларидан бири деб билади. Ҳақиқат эса моҳиятан гўзал. Гўзалликни зоҳир этиш учун кечган умрлар ҳамиша ёруғ ва ибратлидир. Шерали аканинг эл-юртда топган эъзози, бахти ҳам шунда.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари докторлари, профессорлар

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ШАРТЛАРИ

Тил жамиятни акс эттирувчи кўзгудир. Унинг, шаклaниши, тараққий этиши муайян қонуниятлар асосида бўлади. Шундай экан, давлат мустақиллиги ва давлат тили деган тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва қадриятларини тиклаши йўлидаги буюк ва катта қадам бўлди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, "Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси". Шу боис, истиқлол ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши билан бошланган, десак хато бўлмайди.

"Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек ҳуқуқий атамашунослиги ривожланиши учун ҳам қулай шароитлар яратиб берди. Шу билан бирга, ишлаб чиқилаётган қонунларимиз олдига янгича талаблар қўйди.

Тил тараққиёти юридик тил ривожига ҳам таъсир қилади. Ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган янги жараёнлар, воқеа-ҳодисалар, энг аввало, тилда ўз ифодасини топади. Улар тил орқали ҳуқуқий ҳаётга ҳам кириб боради ва турли манбаларда мужассамланади.

Адолатли, демократик-ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий тамойилларидан бири — жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсонларнинг ҳуқуқий эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш. Фуқароларнинг қонунга қатъий риоя қилишининг асосий шарти эса, қонунларимизнинг аниқ, пухта, албатта тушунарли бўлишидадир. Яъни қонунлар тили содда ва равон бўлиши, юридик терминлар илмий-амалий томондан бир тартибга солинган бўлиб, юридик тил тараққиёти қонунлари талабларига тўла жавоб бериши зарур.

Қонунларнинг ривожланиши ўзбек юридик терминологиясининг ҳам тараққиётига, бойишига олиб келади. Бу табиийдир.

Истиқлол халқимиз тарихида янги даврни — Инсон ҳуқуқлари даврини бошлаб берди. Туб ижобий ўзгаришлар жамиятнинг барча қатламларига сингиб бормоқда.

Ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти яратишнинг асосий тамойилларидан бири бу қонун устуворлигини таъминлаш, инсонларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Бу ўринда терминология, ҳар бир соҳа учун зарур бўлгани каби, юриспруденция (ҳуқуқшунослик фанлари мажмуи)да ҳам долзарб ҳисобланади. Қонунчилик қанчалик такомиллашган бўлса, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳам шунчалик аниқ, пухта бўлади. Чунки сўзнинг аниқ изоҳисиз қонун маъносини англаш мушкул. Терминлар юридик тилда ҳам кенг қўлланилади, улар қонун тилининг асосий луғавий таркибини ташкил этади, қонун тилининг талабга мос бўлишини таъминлайди. Терминология фани қанчалик пухта ишланган бўлса, юридик тизим шунчалик ривожланган бўлади.

Қонунчиликда терминлардан қанчалик тўғри фойдаланилса, терминлар ўз ўрнида, жойида ишлатилса, қонун тили шунчалик аниқ, пухта, лўнда бўлади, халқ бундай қонун мазмун-мақсадини, моҳиятини дарҳол англайди.

Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини кенг оммага етказиш билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда.

Бугун юридик терминология зиммасига қўйилган юксак талаблар қандай бажарилмоқда?

Тўғри, қонунларимизда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қанчалик тўғри ифодаланганлигини аниқлаш, таҳлил қилиш бу, энг аввало, ҳуқуқшунос олимларнинг бурчи. Лекин ҳуқуқшунослик, хусусан қонун яратишнинг талабларидан бири — ҳуқуқий атамаларни қўллашда аниқликка, шаклнинг мазмунга тўла мослигига эътибор беришдан иборат.

Қонунчилигимизда терминология алоҳида мукаммал соҳа сифатида ҳали тўлиқ шаклланмади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан қонун матнларини ўзбек тилига таржима қилиш ва ўзбек юридик терминларини илмий тадқиқ этишга катта эътибор берилаётган бўлса-да, амалиётда баъзи муаммоларга дуч келинмоқда. Жумладан, ўзбек тилига таржима қилинаётган айрим юридик терминлар ўз маъносини тўла англатмагани учун ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

Масалан: "Ордер" термини ўзбек тилида "варақа" деб берилмоқда: — уй-жой олишга рухсат варақаси, касса варақаси, қамоққа олишга рухсат варақаси, тинтув қилиш ҳуқуқи варақаси (юридик атамалар ва иборалар луғати. Т., 1993).

Бу ўринда варака сўзи ўрнида ордерни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ордер варакага нистабан юридик тушунчани аниқ ифодалайди. Яъни: уй-жой ордери; касса ордери; қамоққа олиш ордери; тинтув қилиш ордери ва ҳ. деб юритиш аниқ юридик тушунчага мос келади. Қонун эса, кишиларнинг кундалик ҳаётида дуч келадиган, аниқ ҳаётий тушунчалар билан белгиланади.

Яна бир мисол, рус тилидаги супруги сўзи айрим луғатларда эр-хотин, қайлиқлар деб берилган. Бу ўриндан ҳам эътироз бор. Супруги — эр-хотин тушунчасига мос келади, лекин қайлиқлар ҳали эр-хотин эмас, балки рус тилидаги "жених-невеста" тушунчасига моналддир.

Хуллас, юридик терминология масаласи бугунги кун муаммоларидан саналади. Муаммони ҳал этишнинг муҳим шартларидан бири эса, ўзбек юридик терминологиясини тўлиқ илмий ишлаб чиқиш, терминларни бир тартибга келтириш ва уларни тадқиқ қилишдир.

Гулнора ҒУЛОМОВА,
ТДЮИ катта ўқитувчиси

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ЯНГИ ЙИЛ ҚАНДАЙ КУТИЛАДИ?

АҚШда — авваламбор чиройли қоғозларга ўралган совғалар тақдим этилади. Янги йил куни соат 12-00 да совғаларни очиш маросими бошланади. Алоҳида эътибор энг чиройли қоғозга ўралган совғага берилади. Ва у энг салмоқли тухфа ҳисобланади. Бунда ичидаги совғага қараганда устидаги безакли қоғози муҳимроқдир.

Францияда — французлар ҳам ўз дўстлари, ёру биродарлари ва севган инсонларига совғалар тақдим этишади. Аммо аёл кишига ҳушбўй атирни фақатгина умр йўлдоши совға қилиши мумкин. Бегона эркакдан совғага олинган атир, унга ҳаддан ташқари рўйхуш бериш билан бир қаторда кўрилади.

Шотландияда — янги йил кечаси дўст-биродарларникига меҳмонга борилса, албатта, пирог, вино ва кўмир олиб борилади. Бу йил давомида ушбу хонадондан егулик, ичгулик ва иссиқлик аримасин дегани.

Шведлар эса — янги йил кечаси бир-бирларига қўлда ясалган шамчироқлар совға этишади. Бу йил давомида ушбу хонадон иссиқлик ва нур билан тўла бўлсин деган ниятда қилинади.

Греклар — янги йил кечаси бир-бирларига шампань виноси билан тўлдирилган саватчалар билан бир қаторда янги ўйналадиган карта ҳадя этишади. Бу эса тақдирнг ўз қўлингда дегани.

Испанлар — янги йил кечаси соат жаранги 12 маротаба занг уриши мобайнида 12 дона узум ейишга ҳаракат қилишади. Одатда янги йил арчаси олдига ликопчаларда узумлар қўйилади. 12 жаранг остида 12 узум донасини еб улгурган киши йил давомида кут-баракадан айрилмайди, деб ҳисобланади.

Австрия ва Германияда —тоза чиннидан тайёрланган чўчқачалар ҳадя этилади. Одатда уларнинг ичига тангалар ташланиб, йил мобайнида йиғиб борилади ва йил охирида синдириб, ичидаги пулни янги йил совғаларига ишлатилади.

Италияликлар — янги йил куни хонадонларининг ҳамма деразаларидан эски уй жиҳозларини ёки мебелларини улоқтира бошлайдилар. Италияликлар янги йилга янги жиҳозлар билан бир қаторда янги кийим-кечакларда киришга ҳаракат қилишади. 31 декабрь куни эса эркаклар ва аёллар бир-бирларига қизил ёки оқ рангдаги нарсаларни совға қилишади. Айни ушбу ранглар янгилик тимсоли ҳисобланади.

Буюк британияликлар — янги йил кечаси ўз орзулари ва хоҳишлари ёзилган қоғозчаларни ёниб турган каминга ташлашади ва тутун билан орзулар Қорбобога етиб боради, дейишади. Шу билан бир қаторда ёру биродарларига байрам табрикномаларини жўнатишади.

Японияликлар — келаётган йил тимсоли туширилган расмлар ва ҳайвончаларни тухфа этишади. Ҳар бир хонадонда ушбу тимсол йил давомида осилиб туради.

Интернет материаллари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

ИРОДА ВА МАТОНАТ БЕЛЛАШУВИ

"Ma'rifat" sovrini uchun

Бугунги кунда спортнинг кураш тури дунё бўйлаб қанчалик тез оммалашган бўлса, армрестлинг (қўл кураши) ҳам мамлакатимизда шунчалик тез ривожланиб бормоқда. Бу иккала спорт турининг тез ривожланишининг асосий сабаби — армрестлинг ҳам кураш сингари ғолибни тезда аниқлайдиган, кучли ирода талаб қиладиган ўйин. Бироқ якка курашнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, армрестлинг ойлаб ёки йиллаб тайёргарлик қилишни талаб этмайди ва бу спорт тури бўйича ўтказиладиган мусобақа камхаражат ҳамдир. Шу боис армрестлинг мамлакатимизда спорт тури сифатида мустақилликнинг илк кунларида қайд этилганига қарамай, юртимизда тезда оммалашиб улгурди. Айни пайтда мазкур спорт турини янада тарғиб қилиш ва бундан-да ривожлантириш учун республика армрестлинг федерацияси фаолият юритмоқда.

Тугалланаётган ойнинг учинчи ўн кунлиги аввалида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари ўртасида "Ma'rifat" газетаси таҳририяти соврини учун бўлиб ўтган мусобақанинг ўтказилишидан мақсад ҳам шу бўлди. Айтиш жоизки, сўнгги уч ой мобайнида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган "Ma'rifat" газетаси кунлари ва обуна мавсумининг якунлангани ҳам мазкур мусобақани ташкиллаштиришдаги асосий омиллардан биридир.

Мусобақанинг очилишида республика Армрестлинг федерацияси президенти, Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев шундай деди:

–Армрестлинг дунё миқёсида ривожланган спорт турларидан бири. Унинг республикамизга кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо шунга қарамай, унинг мамлакатимизда ривожланиши жадаллик билан бормоқда. Айни вақтда мана бир қанча ёшларимиз армрестлинг борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритишаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан республикамизда болалар спорти ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Ана шу ишлардан илҳомланган ҳолда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларни армрестлинг столлари билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган. Бу режанинг бошқа кўзда тутилган томони ҳам бор. Яъни, республикадаги барча мактаблар столлар билан таъминланиб, ушбу спорт тури янада оммалашгандан сўнг, армрестлинг спорт турини "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари таркибига ҳам киритиш ниятимиз бор. Бу спорт турига алоҳида аҳамият берилаётганлигининг яна бир сабаби шундаки, ёшларнинг бу спорт тури билан шуғулланишлари учун кўп нарса талаб этилмайди. Яъни, унинг столлари учун алоҳида спорт заллари шарт эмас. Агар республикада спорт залларига эга бўлмаган мактаблар мавжудлигини ҳисобга олсак, бу спорт тури ушбу таълим муассасаларига ҳам ортиқча қийинчилик туғдирмаслигига амин бўламиз.

"Ma'rifat" газетасининг ташаббуси билан вазирлигимиз миқёсида биринчи марта армрестлинг мусобақасининг ўтказилиши бу мақсад йўлидаги навбатдаги қадамдир. Мен барча қатнашчиларга мусобақада куч-қувват тилайман.

Шундан сўнг ХТВ тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари мусобақани бошлашди. Ғолиблик учун қирқ нафар эркак ва саккиз нафар аёл иштирокчилар беллашишга киришишди. Куч, чақконлик ва ирода талаб қиладиган ўйинни бош ҳакам сифатида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти магистранти Жамолиддин Норов ва республика Армрестлинг федерацияси бош котиби Қурбон Конишев бошқариб боришди. Дастлаб эркаклар жамоасининг 1-гуруҳи ғолиблари аниқланди. Унда 1-ўринни республика "Биоэкосон" ўқув-услубий маркази директори Рўзимурод Султонов, 2-ўринни Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев, 3-ўринни эса Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдурасул Эргашев эгаллашди. Сўнгра аёллар ўртасидаги қизиқарли беллашув бўлиб ўтди. Барча рақибларидан устунлик қилган Санобар Шодиева (республика болалар бадиий ижодиёти маркази раҳбари) ғолибликни қўлга киритган бўлса, ХТВ дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳмуда Турсунова фақат финалда имкониятни бой берди. Учинчи ўрин Марҳабо Азимова (ХТВ девонхона ходимаси)га насиб этди.



Аёллар мусобақаси якунлангач, эркаклар жамоасининг 2-гуруҳи беллашувни давом эттиришди. Ушбу қўл курашида ўзининг куч ва маҳорати эвазига Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Бобоёров биринчи бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳамид Ёдгоров ҳамда ХТВ ахборот, таҳлил ва ташкилий ишлар бош бошқармаси бошлиғи Рўзимурод Чориев банд этишди.

Шундан сўнг мусобақанинг ҳал қилувчи палласи бошланди. Энди ҳар икки гуруҳ ғолиблари куч синашиб, "Ma'rifat" газетаси соврини учун ўтказилаётган мусобақанинг мутлақ ғолибларини аниқлаш лозим эди.

Айтиш жоизки, ҳал қилувчи беллашувлар кескин вазиятларга бой бўлди. Чунки ғолиблик учун курашиш — ирода, матонат кураши эди. Ниҳоят, ғолиблар аниқланди. Улар:

1-ўрин — М.Бобоёров.
2-ўрин — Р.Султонов.
3-ўрин — Р.Жўраев.
4-ўрин — Ҳ.Ёдгоров.

Барча ғолиб ва иштирокчиларга "Ma'rifat" ғазетаси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг махсус қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, мусобақа қатнашчиларига бир неча номинациялар бўйича Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги "Тил ва адабиёт таълими", "Преподование языки и литературе", "Бошланғич таълим", "Физика, математика, информатика", "Узлуксиз таълим", "Таълим тараққиёти", "Халқ таълими", "Соғлом авлод учун", "Мактаб ва ҳаёт" журналлари ҳамда "Учитель Узбекистана" газетасининг рағбатлантирувчи совғалари тақдим этилди. Яъни "Энг нуроний иштирокчи" — ХТВ педагогик таълим, фан ва малака ошириш бош бошқармаси бошлиғи Акмал Қосимов, "Ғалабага бўлган иштиёқи учун" — Сурхондарё вилояти ХТБ бошлиғи Абдурасул Эргашев, "Холис ҳакамлик учун" мусобақа бош ҳаками Жамолиддин Норов, "Энг яхши услубчи" — республика Армрестлинг федерацияси бош котиби Қурбон Конишев, "Замонавий Ойбарчин" — ХТВ девонхона ходимаси Марҳабо Азимова эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли,
Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли,
"Ma'rifat" мухбирлари

Суратларда: мусобақа жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Самарқанд Лифтсозлик заводи кураш залида ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спортга қизиқишларини янада орттириш, уларнинг дўстлик ришталарини янада кучайтириш мақсадида эски ва янги "Хазора" маҳаллалари ёшлари ўртасида юнон-рум кураши бўйича очиқ биринчилик мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада 60 га яқин ёш курашчи ўсмирлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Қизиқарли кечган курашлардан сўнг ўз вазн тоифаларида қуйидаги ёшлар ғолиб чиқдилар: Сухроб Нурманов, Ўткир Ғуломов, Шерзод Розиқов, Юсуф Юсупов, Шуҳрат Ҳамроев, Ҳамза Якубов, Воҳоб Сувонов, Мехрож Норматов, Шуҳрат Файзуллаев, Камол Жумаев.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндор ёш курашчиларга эски "Хазора" ва янги "Хазора" маҳалласи оқсоқоллари Мухтор Ҳакимов ҳамда Мирзакарим Ҳасановлар қимматбаҳо эсдалик совғалар топширдилар.

Ёш курашчилар мураббийлар акаука Шуҳрат ва Ҳамидулло Нурмановлар қўл остида кураш сирларини ўрганиб келмоқдалар.

Энди бу маҳаллалар ўртасида спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказишга келишиб олинди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика Ўқув-методика марказида 2004 йилнинг январь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси — 2—29 январь. 26 кунлик.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси — 2—29 январь. 26 кунлик.
3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари курси — 2—29 январь. 26 кунлик.
4. ВМОМИ катта ўқитувчилари курси — 5—10 январь. 6 кунлик.
5. Мактабгача таълим муассасаси ХТБ услубчилари курси — 5—17 январь. 12 кунлик.

Эслатмалар:

1. Тингловчилар Марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.

. 2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.

3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика Ўқув-методика маркази ҳисобидан тўланади.

МАНЗИЛ: Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, А.Саидов кўчаси, 6-уй.

ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Tarix

***"Жим-жит саҳро қоронғулик қўйнида. Уфқдан тўлин ой кўтарилиб, нигоҳи юқори ва тўғрига қаратилган сфинкс (одам бошли шер ҳайкали)нинг баҳайбат чеҳрасини ёритади. Шу пайт фанфара (карнай)лар овози янграйди. Жануб томондан бир инсон пайдо бўлади. Бу римлик жасур лашкарбоши, Галлия ва Испаниянинг истилочиси бўлиб, у қўлини баланд кўтариб, ўша... панжалари орасида бутун бошли эҳром жойлашган буюк сфинкс қаршисида тўхтаб, Бернард Шоу пьессасидаги машҳур монологни бошлайди:*

"Сфинкс, сенга шон-шараф бўлсин! Юлий Цезар сени қутлайди!"

Юлий Цезар ким ўзи?

Эрамиздан олдинги IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида улкан Рим давлатида ўша довюрак лашкарбоши, моҳир саркарда, ўзининг қонли юришлари ҳақида "Галлия уруши хотиралари" ва "Граждан уруши хотиралари" каби тарихий-мемуар асарлар ёзган Гай Юлий Цезар Италия, Юнонистон давлатларию Сицилия оролидаги жами элэлатларни, шунингдек, Африканинг шимолий қирғоғидаги Карфаген ҳамда Македония каби мамлакатлару турли тоифадаги халқларни ўзига тобе эттиб, салтанатнинг қудратли хоқонига айланади.

Ана шундай қон кечиб қозонилган зафарлар натижасида Римга сон-саноқсиз қуллар ва беҳисоб зару жавоҳирлар оқиб кела бошлади. Энди римликлар бу қуллар кучидан қай мақсадлар учун фойдаланишу бойликларни қаерга сарфлашга бош қотириб, унинг ҳам иложини топадилар. Ўшалар эвазига улар осмонўпар эҳромлару дабдабали саройлар ва ҳар бири юз гектарлаб ерни эгаллаган амфитеатрлар қуришга киришиб, уларни 30-40 йилда ниҳоясига етказадилар.

Юлий Цезар янги ва қудратли давлатнинг янги ҳукмдори эди. У бошқа ҳукмдорлар ишини такрорламаслиги, ўз ҳаётининг янги саҳифаларини очиши ва бу саҳифаларга қилган ишларини олтин ҳарфлар билан ёздириб, абадий башариятга ном қолдириши керак эди. Шу сабаб, у бошқа оламшумул тарихий ишлари қатори александриялик астроном Созигин исмли кишига ўз эрасининг 46-йилида календар тузиб келишни қатъий топширади. Шу йили Созигин анча изланишлардан сўнг бир йилни 365 куну 6 соатга бўлиб, календар тузиб, ўз ҳукмдорига тақдим этади. Бу календар янги календар бўлганлиги учун араблар уни Милод календари, яъни, янги календар деб атайдилар. Улар тилида милод-янги эра, янги куннинг бошланиши.

Юлий Цезар шундан кейин янги йилнинг биринчи кунини "Ғолибона зафарлар куни" деб эълон қилиб, муҳташам бинолару черковларни гул ва арча, турли ўйинчоқлар билан безатиради. Улкан халқ сайиллари, театр томошалари, турли касб эгаларининг байрамларию базмлар, спорт мусобақалари ўтказишга фармон беради. Бундай сайиллар ва мусобақалар ҳафталаб давом этади.

Бора-бора Юлий Цезарнинг янги календарию бундай янги ишлари дунё бўйлаб тарқалиб, оммалашиб кетади.

Қудратли Рим давлати тузилганининг 753-йилида римлик монах Дионский Деоклетиан Исо пайғамбар туғилган кундан бошлаб, биринчи санани Милодий кун деб эълон қилади.

Бундан 1381 йил муқаддам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўтган эранинг 622-йили ўз она шаҳри Маккадан Ясриб (Мадина)га ҳижрат қилди, яъни кўчиб ўтди. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳижратдан сўнг араблар бу санани ҳижрий йил деб атадилар.

Шундай қилиб, тарихда иккита йилнома, яъни милодий ва ҳижрий йилномалар саҳифаси очилди.

Аммо дунёнинг айрим мамлакатларидаги халқлар на ҳижрий, на милодий йилига ва уларнинг биринчи кунларига амал қилмасдан, ўзларининг янги саналарию янги кунларига амал қилиб келмоқдалар.

Масалан, Бали ороли ва Индонезияда янги йил ҳар хил вақтларда кутилади. Уларнинг маҳаллий йилномасида бир йил 210 кундан иборат. Эфиопияда янги йил 11 сентябрда, Бирмада 17 апрелда, Вьетнамда февраль ойида, Малайзияда 4 мартда ўтказилади. ИНК қабилалари янги йилни 22 декабрда байрам қиладилар.

Японияда 1926 йили император Хорихига тахтга ўтирганлиги сабаб, шу сана миллий йил деб эълон қилинган.

Эронда ҳозирги йил санаси 2560 йил бўлиб, бундан 2560 йил муқаддам Эрон шоҳи Кайхусрав тахтга ўтириб, у ҳам 22 мартдан янги йилни кутишга фармон чиқарган эди.

Нима бўлганда ҳам, ҳар бир халқ, эл-элатларнинг янги йили, янги куни ўзларига бахт келтирсин! Она сайёрамиз тинч бўлиб, айниқса фаришта-дек беғубор, бегуноҳ болажонларимизнинг шодон кулгулари доимо курраи заминда янграб турсин!

Ўроқ САИД,
Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоси

Чилонзор тумани ХТБ маъмурияти ва пойтахтдаги 200-мактаб жамоаси халқ таълими аълочиси, шу мактабнинг фахрий ўқитувчиси **Асқар ака ИБРОҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила-аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Бектемир тумани ХТБ жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси пойтахтдаги 571-мактабгача таълим муассасаси мудираси Озода Собировага отаси **Абдуқодир АБИТОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари институт доценти **Асқар ТЎРАБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Maslahat

Янги йил кириб келаётган мана шундай сурурли дақиқаларда аёлларнинг иши яна ҳам кўпайиши ҳеч кимга сир эмас. Сабаби, нафосат ва гўзаллик тимсоллари бўлмиш мунис оналар, дилбар опа-сингиллар айни шу лаҳзаларда ё ошхонада ёки кўзгу олдида бўлишлари табиий.

Биз азиз муаллималарга, мунаса мураббияларга энг аввало озгина ошхонада куймаланишларини маслаҳат берамиз. Сабаби халқимизда "аввал таом..." деган ажойиб гап бор.

Янги йилни ҳаммадан кўпроқ болалар яхши кўради. Чунки улар мана шу куни истаган ширинликларини ейиш, ўзлари хоҳлаган нарсани совға сифатида Қорбободан олиш имконига эга бўладилар. Ҳозирги кунда сифатли тортлар, хилма хил пиширикларни топиш муаммо бўлмай қолган. Бирор ширинликни харид қилсангиз ҳам, ёки моҳир қандолатчига буюртма бериб тайёрлатсангиз ҳам бўлади. Лекин ширин-шакар қизалоқларингизни ёнингизга олиб, кимдандир ёки қайсидир аёллар журналининг фойдали маслаҳатлар рукнидан билиб олганингиз — бирор таомни уйда тайёрласангиз ҳам кўнглингиздагидек чиқади, ҳам қизалоқларингиз уни пиширишни ўрганиб оладилар. Ахир ҳар бир аёл моҳир ошпаз, уста тикувчи, хаёлот дунёси кенг модельер бўлиши керак-ку?!

Хуллас, энг аввало ишни ошхонадан бошлаймиз.

"СНИКЕРС" ТОРТИ

Ушбу торт бисквити учун 6 та тухум, 1 ст. шакар, 1 ст. ун, озгина ванилин, креми учун эса 1 банка қуйилтирилган сут (сгушонка), 2 ст. ер ёнғоқ, шоколад керак бўлади.

Тайёрлаш услуби қуйидагича: 6 та тухум сирли идишга солиб, яхшилаб кўпиртирилади. Оз-оздан шакар солиб кўпиртириш давом эттирилади. Нишолдага ўхшаган оппоқ кўпик ҳосил бўлгач, устига тухум сариғи, ун, ванилин солиб ҳаммаси яна яхшилаб аралаштирилади. Ушбу аралашмани қолипга солиб, 120 градус иссиқликда пиширилади. Пишган бисквитни тенг ўртасидан бўлиб, бир қисмининг ичи ўйиб олинади. Қуйилтирилган сут, ер ёнғоқ билан ана шу ўйилган жой тўлдирилади. Сўнг усти иккинчи бўлак билан ёпилади. Торт юзаси қирғичдан ўтказилган шоколад билан безатилади.

"ЁНҒОҚЛИ ПЕЧЕНЬЕ"

Печенье учун 1 ст.қатиқ, ярим чой қошиқ истеъмол содаси, 1 ст. шакар, 1 ст. ёнғоқ, 1 ст. майиз, меъёрига қараб ун, ванилин керак бўлади.

Тайёрланиши: тоғорачадаги унга сода аралаштирилган қатиқ, ванилин қўшиб юмшоқ хамир қорилади ва бир соат давомида тиндирилади. Шакар ёнғоқ, майиз, 2 ош қошиқ сувда аралаштирилади. Аралашма 1 см.қалинликда ёйилган хамирга тўкиб, текисланади. Рулет шаклида ўралиб, пичоқда кесилади. Ёғланган патнисда ўртача оловда 30-40 дақиқа давомида пиширилади. Пишган печенье устини қанд упаси билан ҳам безатиш мумкин.

КЎЗГУ ҚАРШИСИГА КЕЛИНГ

Қиш кунларининг аёзи,совуғи юз терисига тез таъсир қилади. Айниқса, тери-си нозик аёллар юз парваришига алоҳида эътибор бериши зарур. Бу фаслда кўчага чиқиш олдидан юз терисини муолажа қилиш, ниқоблардан фойдаланиш тавсия қилинмайди. Сезилмайдиган нам аста-секин юз терисининг майинлигини йўқотади.

Қуйидаги ниқоблар ва сувлар юз терисини оқартиради ва майин қилади.

50 гр. творог, 1 та тухум сариғи, ярим чой қошиқ бодом ёғи, озгина лимон суви яхшилаб аралаштирилади. Аралашма тозаланган юзга суртиб, қотмасдан илиқ сувда ювилади. Бу ниқоб юздаги доғларни кетказади, ажинларни текислайди. Бир дона ўртача катталикдаги хом картошка қирғичдан ўтказилиб, юзга суртилади. 10-15 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювиб ташланади. Бу ниқоб ҳам юқорида қайд қилганимиздек наф беради.

Юздаги доғ ва сепкиллардан халос бўлишнинг яна бир усули: 200 гр. спиртга майда тўғралган битта лимон аралаштирилиб, 3-4 кун музлатгичга қўйилади. Сўнг докада сузиб олинади. Уни илитиб, ҳафтада 1-2 марта юз артилади. Қолганини музлатгичда узоқ вақт сақлаш мумкин.

Юз оқариши ва майин бўлиши учун 1 литр қайнаган сувга бир боғ шивит (қуритилгани ҳам бўлаверади) солиб 1 соат давомида паст оловда қайнатилади. Сўнг докада сузиб, илиқ холда ҳар куни юз чайиб турилади. Қолгани музлатгичда сақланади. 1 та тухум оқига ярим қошиқ лимон суви қўшиб юз артилса ҳам фойда беради.

Меъёрида суюқ овқатлар тановул қилиш, наҳорда сут ичиш, мевалар ва анжир мураббоси ейиш юз рангини тиниқ қилади.

КИЙИМ ЖАВОНИМИЗНИ ОЧАМИЗ

Айни кунларда ҳеч биримиз кийимларнинг қачон ва қандай вазият туфайли пайдо бўлганлиги ҳақида ўйламай ҳам қўйганмиз. Кийим, бу матодан қилинган, одам танасидаги қобиқ системаси бўлиб, энг аввало танани ташқи муҳит таъсиридан сақлайди ва инсоннинг ўзига хос баъзи хусусиятларини намоён қилади. Кийимларнинг пайдо бўлишига, унинг ўзгариб, мукамаллашиб боришига табиий омиллардан — коинот, ер, ташқи муҳит, иқлим, фасл ва бошқалар, ижтимоий-иқтисодий омиллардан - жамоанинг тузуми, халқнинг тарихий тақдири, этник гуруҳи ва миллати, дин, турмуш тарзи, фан ва техниканинг ривожланиши, инсоний омиллар — жинси, ёши, гавда тузилиши сабаб бўлган.

Милоддан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охирларида Қадимги Миср аҳолиси фақат бир кийим — пешбанд "схенти", қадимги юнонлар, "хитон" ва "гиматий"ни кийим деб ҳисоблаб, кийган бўлсалар, бугунги кунда кийимларнинг номи ва хилма-хиллигидан баъзан одам эсанкираб қолади.

Йиллар ва асрлар ўтиши билан кийимлар ҳам такомиллашиб, ҳамманинг ҳаётига "мода" атамаси кириб келди. Энди бирор йилда фақатгина қайсидир кийимлар эмас, балки(ҳатто ҳам дейиш мумкин), маълум бир ранглар ҳам урфга кира бошлади. Қачонлардир қизил ранг мода оламида энг кўп тарқалган ранг бўлган бўлса, бугун у ўз ўрнини жигарранг, қаймоқранг, қорага бўшатиб берди.

Кириб келаётган 2004 йилимиз Шарқ халқлари тақвими бўйича маймун йили. Маймун шўх, беқарор, ранг-баранглиги ёқтирувчи ҳайвон бўлганлиги боис, мутахассислар келаётган йилда қандай ранглар ва кийимлар урфга киришини мухокама қилмоқдалар. Ушбу йилда маймун ўрмон ҳайвони бўлганлиги боис, яшил, қора, ола-була ранглар модага киради. Сиз байрам учун яшил, қора, банан рангли сидирға матодан кўйлак кийишингиз мумкин. Уни имкон борича тўлдиришга ҳаракат қилинг. Ўша кўйлакка мос келувчи кўзи бор зирак, узук тақиб олинг. Бўйнингизга тоғ хрустали, феруза тошлардан тайёрланган тақинчоқ жуда мос тушади. Чунки тоғ хрусталининг шундай хусусияти борки, уни қандай кийим билан тақсангиз, у шу кийимнинг рангига тезгина мослашиб олади.

Тимсоҳ терисидан бўлган ёки шунга ўхшаган матолар, туфли ва этик, сумка ишлатмаганингиз маъқулроқ. Чунки маймун буни унчалик хоҳламайди.

Сочингизни ўзингизга ярашадиган қилиб турмакланг. Зоолог олимларнинг айтишларича, ҳайвонлар орасида фақатгина маймун инсон ажратиши мумкин бўлган барча рангларни фарқлай оларкан. Шунинг учун байрам кечасида чиройли турмакланган сочингизга зарлар сепиб олинг. Байрам байрамдек ўтиши керакда!

Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.



ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Муаллима ошхонада, кўзгу олдида...

Yangi yil tongida iltijo qilib,
Zamondosh naslga tilaymiz iqbol.

Ovchi, huda-behudaga ichavermasdi,
g'alati bir maxluqning "visoli"ga
etishmoq orzusi uni shunga undagandir.



КУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

Ҳар фурсат инжуга тўла бир дафтар,
Лозимдир ўтган он учун шукрона.

АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ

Ассалом янги йил, орзулар йили,
Хуш келдинг, деймиз зўр қувончга тўлиб.
Тарихда бўлиб қол йилларнинг гули,
Дея қаршилаймиз ишончга тўлиб.

Йиллар ўтаверар олдинма-кейин,
Манзилга ошиққан карвон сингари.
Уларнинг қадрини билиб нондайин,
Юракдан ҳис этмоқ жоиз залворин.

Баъзилар дейдилар: йилдан йил баттар,
Бу нақл озод эл учун бегона.
Ҳар фурсат инжуга тўла бир дафтар,
Лозимдир ўтган он учун шукрона.

Янги йил тонгида илтижо қилиб,
Замондош наслга тилаймиз иқбол.
Она юрт севгисин дилга жо қилиб,
Порлоқ бўлаверсин деймиз истиқбол.

Йиллар шодасида ёқутдек бўлиб,
Қутли, баракали, ориятли кел.
Бағринг саховатга лиммо-лим тўлиб,
Бахтли, саодатли, хосиятли кел.

Ватандош авлодни янги йил билан
Қутламоқ мен учун кулиб боққан бахт.
Покиза ният ва чин кўнгил билан
Йўлланган тилаклар албат бўлур нақд.

Муҳаммад СОИП,
нафақадаги ўқитувчи

НИЛУФАР

Нилуфар гул, беқиёссан,
гуллар ичра тенгинг йўқ.
Чиройингдан кўзим қиймай
беҳудага узгим йўқ.

Изҳор этай десам сенга —
юракдаги сўзларни,
Тебранасан бошинг чайқаб,
кўнглимда не билгинг йўқ.

Лекин сира сўзламайсан,
гўё йўқ, — деб рад этиб,
Бевафодан жафо чеккан
бағрим яна тилгинг йўқ.

Нола қилсам тинглайсан жим
ҳаракатсиз, овозсиз.
Айтаётган ишқ тўла дард
қўшиғимни бузгинг йўқ.

Таскин бериб менга, гулим,
таратасан ифоринг.
Муҳаббатдан пора бўлган
қалбни хафа қилгинг йўқ.

Билолмадим... Шу учунми,
ошиқ бўлдим ўзингга,
Сени мендан қизғонаман,
ўзгаларга бергим йўқ.

Ҳайҳот, агар очилса ҳам
етти беҳишт эшиги,
Гулзорингни ташлаб сенсиз
жаннатларга киргим йўқ.

Руҳим яшар вужудингда,
сен борсанки тирикман,
Нилуфар — гул, сен очилган
боғдан энди кетгим йўқ.

Ботирбек СОБИРОВ,
Тошкент Давлат юридик
институти талабаси

* * *

Муҳаббат кунлари ё раб, майхонага банд айлади,
Жони ўртаб бу телбани жомига пайванд айлади.

Сархуш ўлиб йиқилсам гар айб айламанг, эй дўстлар,
Мен бечорани май эмас асли жонон панд айлади.

Ғаму ғусса, ҳасратидан ашким олди лола рангин,
Нола киби банди-бандим парканд-парканд айлади.

Асир этмиш бода васли, асир этмиш жонон ҳажри,
Заҳри қотил солиб майга ҳаргиз хирадманд айлади.

Маст ётарман фано аро, маст ётарман маҳшар қадар,
Боқиб ҳолима бу оқшом Мажнун шакарханд айлади.

Толеимни тор этса май, сирин маҳшар аён айлар,
Девонани охир жонон итига монанд айлади.

Бода охир бўлди аммо охир бўлмади ҳижрону ғам,
Ёр келар деб бир лўливаш Ўктамни хурсанд айлади.

* * *

Неча ёзу, неча кузу, неча баҳор хазон бўлди ёрсиз,
Куним кечди, туним кечди ёш бирла ёрсиз, гулзорсиз.

Булбул киби нола қилдим, қафас бағрин қон айладим,
Сомон ўлди рангу рўйим кечгач умр гулрухсорсиз.

Абру найсон жамол очиб булбул дилин шарҳ айлади,
Шарҳ айладим мен дилимни шому саҳар интизорсиз.

Умид боғлаб яратганга ҳавас этдим кўрмакликни,
Насиб ўлмай висол шоми йиғладим ҳаргиз дилдорсиз.

Ким ханжари зарби бирла тўлғаниб толдим охир,
Жоним олгай эмди пари бу оқшом орсиз, озорсиз.

Ишқ савдосини солиб бошга май жомига банд айлади,
Оҳ уради сармаст Ўктам тентираб ёлғиз, хуморсиз.

Ўктам ҲАКИМАЛИ

ҚОР

Ёғақол, қор, ёғақол,
Бизга хуш завқ берақол.
Ерга оқ зар сочилсин,
Кўнгил гулдай очилсин.

Қорни сутдай эмсин ер,
Ердан қалқиб чиқсин тер.
Шунда тупроқ етилар,
Элга ризқ-рўз келтирар.

Маҳмуджон ДАДАБОЕВ,
Наманган педагогика
коллежи доценти



ЯНҒИ ЙИЛ ЛАТИФАЛАРИ

Янги йил оқшоми. Қор бўралаб ёғмоқда, шунга қарамай ҳамма ҳайвонлар хурсанд. Бу пайтда уйқуда бўладиган айиқнинг кайфияти йўқ. Бир қарасанг, тулкига дўқ уради, бир қарасанг жаҳл билан дарахтни тепади. Шу пайт олдидан чиқиб қолган бўрининг қулоғи тагига бир тушириб, унга бақириб берди: «Ярамас, менга сентябрда нега ўша лаъна-ни қаҳвани ичирдинг!».

***

Қуён билан тулки байрамни бирга нишонлашди. Аммо байрамдан сўнг қуённи ҳеч ким кўрмади. Ўрмон аҳли тулкини қуённи еб қўйганликда айблаб, шернинг олдига олиб боришди.

— Мухтарам тулки, қани айт-чи, қуённи нима қилдинг?

— Ҳеч нарс-а-а, — қўрқувдан даҒ-даҒ қалтираб жавоб қилди тулки. — Биз шунчаки қуён билан ким нафсини кўпроқ тийиб туриш борасида мусобақалашдик, таассуфки унда қуён ютиб чиқди.

БАСКЕТБОЛ ҚИРОЛИ МАЙКЛ ЖОРДОНга

Қуёш
тўпга ўхшайди
уни,
Саватга ташлайди
қоп-қора одам.

КУЗ ФАЛСАФАСИ

Қор ёғаётир
Кузнинг сарғайган тишлари
Оқ тусга кирди.
Одамлар дераза ортидан
Томоша қилар
Япроқларнинг
Дафн маросимини.

Улуғбек ҲУСАНОВ,
Ғузор туманидаги
12-мактаб ўқитувчиси

Olam g'aroyibotlari

ҚОР ОДАМ



у ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда

Қор одам ҳақидаги тадқиқотларга қачон нуқта қўйилиши номаълум. Бу абадий жумбоққа ўхшайди. Айримларнинг тахминича, қор одамнинг ҳақиқатан ҳам шундай мавжудот эканлигини исботловчи асослар йўқ. Бошқалар эса уни иттумшуқ маймунларнинг бир вакили деб ҳисоблайди. "Қор одам" — иблис ёки алвасти, ёхуд ўзга сайёралик бўлиши мумкин, деган фаразлар ҳам бор. Афсуски, бу фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ҳеч қандай аниқ маълумотларга эга эмасмиз.

"Қор одам" ҳақидаги баҳс-мунозараларнинг туғилиши бундан тўрт минг йил аввалги даврга бориб тақалади, дейди биология фанлари доктори, криптазоолог Александр Баянов. Йиллар оша асрлар ўтса-да, у ҳақида янги маълумотлар пайдо бўлган эмас. Сўнгги марта ўтган йилнинг август ойида япон альпинистлари Ҳимолай тоғлари атрофида қидирув ишларини олиб борганлиги ва бир қанча оёқ излари туширилган суратлар билан қайтганлиги ҳақида эшитдик. Эҳтимол, бу излар қор одамникидир.

Бир неча ой муқаддам эса яна бир жумбоқ чиқиб қолди. Олтой тоғ ён-бағирларидан қандайдир қадимий ҳайвоннинг мўмиёланган панжалари топилган бўлиб, бу ҳали фанга умуман номаълум тур ҳисобланади. Россия ветеринар-анатомлари ассоциацияси вице-президенти Юрий Малафеев бу панжалар устида рентгенологик тадқиқотлар ўтказиб шундай хулосага келдики, улар одамникига жуда ўхшаш, аммо улар сариқ тук билан қопланган бўлиб, йирикроқ. Жумбоқ яна жумбоқлигича қолаяпти...

ҚОР ОДАМ БИЛАН БОҒЛИҚ САРГУЗАШТЛАР

Иван Коновалов 30 йилдирки, ўрмончилик билан банд. Киров вилоятининг тоғли ҳудудлари унга беш қўлдек таниш: қандай жониворлар яшайди, нима билан озиқланади, ҳаммаси маълум. 1985 йилдаги бир воқеа унинг хотирасидан сира чиқмайди.

Қалин қор ёққан. Шох-шабба кесаётиб, у тасодифан қарсиллаган товушни эшитди. Атрофга қараб, ўзидан икки баравар улкан одамсимон махлуқни кўрди. Қора тери билан қопланган бу жонивордан қандайдир ёқимсиз ҳид тарқаларди. Йиртқич қайинга осилиб, гўёки ўзининг таянч нуқтасини топиб олгандек, атрофни жимгина кузатарди. Дарахт унинг гавдасини зўрға ушлаб турар, агар узоқ муддат тураверса, қайин "гуппа" қулаб тушиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Бирдан у нимадир ҳис қилгандек, ўрмончига юзланди. Иванга тикилиб турган катта, чуқур кўзлар, гўёки мени унутмасанг бўлгани, дегандек бир фикрни ифодалаб турарди. Кейин у ўз дарахтидан сирғалиб тушиб, тезликда ғойиб бўлди. "Мен эса карахт бўлиб қимирлолмасдан қолувдим ўшанда" деб эслайди бундан салкам йигирма йил аввалги воқеани Иван Коновалов.

Шундан сўнг ўрмончи қор одам билан яна учрашиш орзусида ўша ҳудудларни кўп ва узоқ кезди. Икки марта дуч келди ҳам. Иккинчисида, у болалари билан эди. Итларнинг инграшига ўхшаш товушни эшиттач, ўрмончи қўрқувдан дир-дир титраб, уйига қайтди. У кузатмоқчи эди, аммо маҳлуқни кўриб, яна донг қотди. Бир ҳафта мобайнида у ўзига келолмасдан юрди, ажабтовур тушлар кўрди, юрагида оғриқ турди.

... Овчи Василий Капустин қор одамга кўп марта дуч келганини ҳикоя қилади. Кунларнинг бирида у ҳатто қор одам билан "танишиш" бахтига ҳам муяссар бўлган. Ҳурпайган маҳлуқ буғу боласига ташланиб, уни орқалаб олади ва чакалакзорга қараб кетади. Одам қиёфасидаги бу маҳлуқ овчи Капустинга ҳайратомуз қараб турди-да, шиддат билан ўрмон ичига кириб ғойиб бўлди. Капустин унинг 15 дақиқа ҳолатини кузатиб туриб, кетидан йўрғалади. Роппа-роса тўрт соат кутиш. Айтишга осон, бу. Бош оғриғи, очлик, совуқ қотиш, қор жуда чарчаб борганлигимиз боис уларни кузатишга куч топа олмадик. Хўраклар менинг чодиримда қолганди. Биз гулхан ёқдик, вяткалик ёш қидирувчини навбатчиликда қолдирдик. Мен уйғониб, ҳеч нарсани эслолмадим. Эрталаб чодирим қийшайиб қолганини, кимдир тишлари билан уни йиртмоқчи бўлганини кўрдим. Рюкзак йиртилган, жойидан бир ярим метр нарида эди. Ташқарига чиқиб, шошиб қолдим: қоровулимиз баланд қайин устида ўтирар, ўликтириклиги сезилмасди. У қўлидаги болта билан шох-шаббаларнинг барчасини кесишга улгурибди. Биз қийинчилик билан дўстимизни дарахтдан туширдик. Йигит қўрқувдан оқариб кетган, афтидан бўлган воқеани гапириб беришга юраги бетламасди. У тезликда нарсаларини йиғиштириб, яқин-атрофдаги қишлоқлардан бирига равона бўлди. Қоровулимиз лагерни тарк этса-да, бу ерда қўрқув туйғуси ҳукм суриб қолаверди.

Кейинги тунда тажрибалироқ навбатчилар танланди. Аммо улар ҳеч қандай қўрқинчли ҳолатга дуч келишмади. Лагерь атрофига қўйилган хўраклар ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Аммо кундузи, биз қаерларгадир кетган пайтимизда лагерь атрофида ғалати манзаралар кузатиларди: тартиб билан кесилган дарахт шохларидан кимдир гўё қурилиш материаллари тайёрлаб қўйгандек эди. Бир куни қидирувчилар дарахт шохларидан қилинган "уя"ни кўриб қолишди. "Уя" дид билан икки бўлмачага ажратилган эди. Вадим "уя" ичкарисига қараб, унинг совуқ шамол киролмайдиган мустаҳкам девор билан тикланганини кўрди. Ичкарида ҳеч ким йўқ, "хона" ўртасидаги "бино"га таёқ тиркаб қўйилибди. Чернобров уларни бузиб ташлар экан, ер остига бошлаб кетувчи тешикни кўрди. Демак, бу ерости йўли. Аммо махсус тайёргарликсиз у жойга тушиб бўлмайди.

— Энди биз биолог, зоолог, шифокор каби мутахассисларнинг ҳам гуруҳимизга қўшилишини истар эдик, — дейди экспедиция раҳбари. — Зора, шундагина сир-синоатни ўзида мужассам этган маҳлуқнинг "ким"лигини аниқлаш осонроқ кечса.

Хулоса. Қор одам аслида ҳам борми? Нима учун у қор одам? Нечук эриб кетмас экан у? Дунё бўйлаб қанча ўрмон, қанча тоғлар бўлса, ҳаммасида қор одам билан боғлиқ қандайдир сирли воқеалик рўй бериб келаяпти. Балки улар айиқларнинг бир туридир, эҳтимол маймунлар вакилидир. Саволларга аниқ жавобни тополмай олимларнинг ҳам боши қотган. Балки қор одам абадий мавзу бўлиб қолаверар...

Россия матбуотидан
Ҳ.ТЎЙМАНОВА таржимаси.

"АДОЛАТ" КРОССВОРДИ

ЭНИГА:

1. Табобат илмининг асосчиси, буюк ўзбек олими.
3. Испаниядаги Пиреней тоғининг энг баланд чўққиси.
4. Тожикистондаги ГЭС.
6. Ҳафта куни.
12. Ўзгармас ток манбаи.
13. Рангли металл.
15. Ҳушбўй ҳидли кимёвий модда кукуни.
17. Радиактив элемент.
18. Россиянинг Европа қисмидаги дарё.
19. Пойафзал.
22. Республикамизда чиқадиган ҳуқуқий газета.
23. Сайёра.
25. Кузги мева.
26. Ёруғлик манбаи.
27. Бомдод намозида ўқиладиган Қуръон сураси.
28. Етти хил рангдан бири.
32. Гувоҳлар имзолаган ҳужжат.
34. Шифохона бўлими.
35. Жаҳоннинг биринчи космонавти.
37. Ойна.
38. "Навоий" романи муаллифи.
39. Ҳарбий унвон.

БЎЙИГА:

1. VII гуруҳдаги кимёвий элемент.
2. Мўътабар, улуғ зот.
3. Турналар туркумига мансуб қуш.
5. Техника экини.
7. Безак тақинчоғи.
8. Крим вилоятидаги шаҳар.
9. Мусиқа сози.
10. Улкан сув ҳавзаси ҳақидаги фан.
11. "Жиноят ва жазо" асари муаллифи.
13. Техникани созловчи мутахассис.
14. Наврўз таоми.
15. Ҳамдўстлик мамлакати.
16. Оқловчи юрист.
20. Ҳаракатланувчи техниканинг асосий қисми.
21. Ёқин.
24. Публицистика жанри.
29. Парранда.
30. Озуқа экини.
31. Бошоқли серсув экин.
33. Пахта ҳосили.
35. (1635-1703) Инглиз олими, деформация ва эластиклик қонуни муаллифи.
36. Дастурхон кўрки, энг азиз егулик.

Тузувчи:
Турсунали ҒАНИЕВ



Газетанинг навбатдаги сони 2004 йил 7 январда чиқади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-129.
Тиражи 18064. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Насиба ЭРҲОНОВА,
Навбатчи:
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, слий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда
Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —21.00

«Bor kuching bilan qalbingni asra!»

O'zing hamma so'zni aytib bo'lgansan,
Bersang, o'ylari ko'p so'z ber, Xudoyim!
Men shoir bo'ldimmi?

«Yoshlik» jurnali mehmonimiz

НАВҚИРОНЛИК

Аслида ҳеч бир нашрнинг обрўйини унинг ёши белгиламайди. Шундай бўлса-да, ҳар бир газета ёки журнал ташкил бўлганига фалон йил тўлибди деса, унинг ашаддий ўқувчуси худди бир якин одамининг туғилган кунини эшитгандай ширин энтикади, ҳаяжонланади.

Бугун биз ҳам «Ёшлик»нинг асл мухлисларига, садоқатли муаллифларига унинг 20 ёшга тўланганини бирров эслатиб қўймоқчимиз.

Ҳа, азизлар, қадрдон журналимиз бугун нақ 20 ёшга кирди! Навқирон ёш!

Ийгирма йил ичида журнал ўзининг юзлаб муаллифларига эга бўлди. Балки минглаб янги номларни кашф этгандир. Бу рақамнинг катталиги ҳеч ким учун эмас. Адабиёт сон-саноқни, китобларнинг семизлигини эмас, асл истеъдодни, садоқатни, чидам-сабот, илмни ҳуш кўради.

Шу маънода «Ёшлик» журнали чин адабиётга қадрдон бўлиб яшади, ҳар қандай қийин иқтисодий шарт-шароитларда ҳам унга бепаролик қилмади. Фақат истеъдод билан битилган шеър, достон, ҳикоя, қисса, романгина адабиётнинг жон томири эканини ҳис этиб яшади.

Журналга даставвал элимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов раҳбарлик қилди. Ўша даврда шу нашр орқали Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, Ғаффор Ҳотамов, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нормурод Норқобилов, Набижон Боқий, Нурулло Отаҳонов сингари ёзувчиларимиз, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн, Муҳаммад Раҳмон, Йўлдош Эшбек, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Тилак Жўра ва бошқа қатор ўтнафас шоирларимиз довруғ таратишди.

Замонавий ўзбек насри мулкига айланган «Галатепага қайтиш», «От қишнаган оқшом», «Саодат соҳили», «Ёзнинг елғиз ёдгори», «Қудуқ тепасидаги ой» каби асарлар дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон халқнинг руҳиятида мустақилликка бўлган интилиш, ҳаракатлар кучайган даврда бош муҳаррир бўлди. Журнал адади 400 минг нусхагача кўтарилди.

Гарчи асарларда публицистик руҳ кучайган бўлса-да, халқнинг тил, эътиқод, давлат суверенитети тўғрисидаги дарди, фикрнинг ошкора минбарига айланди.

Мустақиллигимиз дастлабки йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчуси Тоҳир Малик, сўнгра истеъдодли адиб Ғаффор Хотамовлар муҳаррирлик қилишди. Бу йилларда ҳам журнал мундарижаси бойиди, мазмунан янги рукнлар пайдо бўлди.

Мустақиллик барча нашрлар қатори «Ёшлик» учун ҳам ҳар жиҳатдан қонуний ҳуқуқлар берди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам эркинликка эришилди. Ғоявий тазйиқ, кўрсатмалардан холи бўлди. Бугун журнал мустақил Ўзбекистон давлати қонунлари мустаҳкамлаб берган барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланиб яшамоқда. У адабиётимизнинг янги вакиллари майдонга чиқиши учун катта-кон бир дарбоза вазифасини бажарди ва бажаряпти.

Навқирон носирларимиз Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Тўхтамоҳ Рустамов, Абдуқаюм Йўлдошев, Қўчқор Норқобил, Шодиқул Ҳамроев, Уйғун Рўзиев, Исажон Султонов, Лукмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой қизини, Бахром Рўзимуҳаммад, Чоршаъм, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Аъзам Ўктам, Равшан Файз, Зулфия Мўминова, Абдул Жалил, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Фахриёр, қолаверса, Гулжамол Аскарова, Хосият Рустамова каби шоиру шоираларимиз ижодини халққа таништиришда асосий минбарлардан бири бўлди.

Адабиёт боғи нақадар гўзал бўстон бўлгани билан у ўзига мудом анвойи гуллар излайди. Топади ва... йўқотади ҳам. Бугун биз мазкур журналнинг бир вақтлар шеърият бўлимини бошқариб ўз ҳиссаларини қўшган Шавкат Раҳмон ва Равшан Файз, бу бўстонда мушканбар бўйларини тарата туриб тўсатдан сўлган гуллар: Муҳаммад Юсуф, Тилак Жўра, Аъзам Ўктам, Чори Аваз, Ҳамза Имонбердиев сингари муаллифларимизга руҳлари қошида бош эгамиз, жойлари жаннатдан бўлсин дейміз.

«Ёшлик» бундан буён ҳам йўлдаги ижодининг камол топишига, алалоқибат адабиёт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади. У муҳтарам муаллимларимизнинг маънавий-маърифий ҳамроҳи эканидан ҳам хабаримиз бор. Ўйлайимизки, адабиётсевар муаллимларимиз ҳам ўз суюкли ҳамроҳларини унутмай, «Ёшлик» журналининг обунасига жиддий қарайдилар. Зеро, «Ёшлик» журнали кириб борган хонадонга, ўқув-иш жойларига навқиронлик, гўзаллик кириб боради.

Собир ЎНАР

ТАФРЕЪ САНЪАТИ

Мен ярим ҳазил, ярим чин тарзда тафреъ санъатини буюк шоир шогирдига ўргатмайди, дегим келади. Негаки, шеърга таъсирчанлик бағишловчи ўнтача энг самарали бадиий усул орасида тафреъ алоҳида ажралиб туради. Тўғри, энг кўп қўлланиладиган умрбоқий бадиий санъат ташбиҳ (ўхшатиш) ва унинг иккинчи босқичи, сеҳрлироғи истиорадир. Ийҳом ҳам сўзнинг кўпмаънолилиги туфайли Навоий томонидан «хосса маъно» деб улуғланган санъатдир. Талмеҳда ҳам таъсирчанлик имкониятлари катта. Чунончи, Ҳалима Худойбердиеванинг энг яхши шеърларидан бири «Бегим» бўлса, ундаги барча фазилатлар фақат ва фақат талмеҳнинг хилма-хил кўринишлари туфайлигинадир.

Тафреъ санъатини эса, камдан-кам шоирлар қўллайдилар. Нега бунақа? Менимча, кўпчилик ижодкорлар бундай санъат борлигини яхши билмайдилар. Шунинг учун шундай таъсирчанлик омилини шоирлар ўз ижодларида оз қўллайдилар. Тафреъ санъати хусусида назарий мулоҳаза юритмасдан олдин шу санъат асосида яратилган бир шеърни намойишга қўймоқчиман.

«Куз манзаралари» номли Абдулла Ориповнинг шеъри асосан тафреъ санъати туфайли бунёд топгандир. Уч тўртликдан иборат ушбу яхши шеърнинг ҳар бир банди бир тафреъ усули хизмати туфайли кучли таъсирчанлик фазилати билан сайқаллангандир:

Яна далаларга
бошлайди ҳавас,
Боғларда ҳазонлар
ёнади лов-лов.

Абдулла Орипов — сўз сеҳргари. «Куз манзаралари»да тафреъдан бошқа таъсирчанлик омилларидан ташхисни айтиш мумкин. Ташхис — шахслантириш бўлиб, шоир тасвирда одамдан бошқа нарса-ҳодисаларни қишига хос хусусиятлар билан гавдалантиради, «Ҳаваснинг далаларга бошлашида» шу ҳолни кузатамиз. Иккинчи мисрада япроқларнинг сарғиш-қизғиш ҳолатини шоир «ёнмоқда» деган сўз билан муболағали ифодалаган...

Энди тафреъ моҳияти ҳақида сўз очайлик. Шеърдаги тафреъ нима у? Биринчи тўртлиқда шоир қизғиш барглари инкор этди, барглар эмас деб, уларнинг юрагидан тўкилган олов эканлигини даъво қилди; иккинчи тўртлиқда мезонлар эмас, деб кўриниб турган мезонларни рад этиб, «бу менинг чўвалган сўнгсиз ўйларим!» деб ўз гапини ўтказмоқчи бўлди. Учинчи тўртлиқда ҳам ижодкор қуёшни инкор этди: «у ҳам энди қуёшмас асло» ва ўрнига: «У олис ёшликда қолган муҳаббат» тида кузата оламиз. Шоир Турди Фароғий Саъдий Шерозийнинг қуйидаги матлаъ билан бошланган ғазалига бежиз мухаммас боғламаган:

Нест он лолаҳо, ки дар
бодяҳо жилвагаранд,
Қуштагонанд, ки зи хок
бароварда саранд.

(Мазмуни:

Даштларда жилвалананётган лолалар эмаслар, улар ердан қонталаш бошларини чиқариб турган сўйилган кишилардирлар.)

Форс шоири бу байтда даҳшатли манзарани тафреъ санъати туфайли ярата олган.

Алишер Навоий ижодида тафреъ санъати билан зийнатланган байтлар жўда кўп бўлиб, биз қуйида шулардан айримларини тизиб келтирамиз:

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафаққим, бир қироқдин осмонга тушти ўт.

Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Алишер Навоий тафреъ санъатини қўллашда ижодий мўъжиза кўрсатади, десак муболаға бўлмаса керак. Чунки у анъанавий тоз адабиётимизда тафреъ санъати шеърнинг бирор байтида учраб қоларди, холос. Биз юқорида, Абдулла Орипов ижодидан тафреъ санъатининг бутун бир шеър бўйлаб амал қилгани ҳодисасининг гувоҳи бўлдик.

Абдулла Ориповнинг тафреъ қўллаган яна бир байтини айтиш жоиз кўринди. Ижодкоримиз «Ўзбекистон» шеърида талмеҳ санъати билан қоришиқ ҳолда тафреъ санъатини қўллагандир.

Дўстлар, кўкда
юлдузлар эмас,
У — Улуғбек кўзидаги
ёш!

Зукко олимлик ва шоирлик зеҳни билан бу санъат моҳиятига ёндашсак, бу усулни ташбеҳда ифодалаш мумкиндай туюлади. Аммо бундай эмас. Ташбеҳда тафреъдагидай таъсирчанликни юзага чиқариб бўлмайди. Бунга ишониш учун келтирилган мисолларимиздан истаганингизни олиб ўхшатишга айлантириб кўринг.

Қўшиқни эслайлик-да, аввал ташбеҳда, сўнг тафреъда ёзиб кўрайлик:

Ташбеҳ:

Унинг сочи шаршарадай...

Тафреъ:

Соч эмас у, шаршара у, шаршара...

Таъбир жоиз бўлса: тафреъ санъатини энг истеъдодли шоирлар қўллайди, дейиш мумкин. Машхур озарбойжон шоири Муҳаммад Фузулий «Лайли ва Мажнун» достонида тафреънинг жуда гўзал намуналарини яратгандир:

«Лайло дема, шамъи
мажлисафрўз,
Мажнун дема, оташи
жигарсўз.
Лайло дема, жаннат
ичра бир ҳур,
Мажнун дема, зулмат
ичра бир нур.
Лайло дема, авжи ҳусна
бир моҳ,
Мажнун дема, мулки
ишқа бир шоҳ.
Лайло дема, бир ягонаи
даҳр,
Мажнун дема, бир
фасонаи шаҳр...»

Кузатилган мисоллар шундан далолат берадики, тафреъ санъати назмнинг кўп навларида қўлланилиши мумкин бўлган таъсирчанлик яратувчи бадиий усулдир. Буни билиш китобхонга ҳам, шоирга ҳам, олимга ҳам фойдадан холи эмасдир. Чунки бадиий санъатларни билган китобхоннинг шеърлардан оладиган бадиий лаззати икки баравар кучли бўлади, шоирларнинг эса маҳоратари ошади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

МУМТОЗ БАДИИЯТ САНЪАТЛАРИ

КУНДАЛИК ДАФТАРДАН

Анна Ахматова муҳаббатни «йилнинг... бешинчи фасли», дея атайди. Белинский: «Муҳаббат — табиати яқин бўлган икки зотнинг бир-бирларига қовушиб, чексиз завқлар топмоғидир», дейди.

В.Розанов айтганидай, ёзувчилик сири — қўнгилдаги мангу ва ихтиёрсиз мусиқадан иборат. Агарда кўнгилда мусиқа янграмас экан, кими фақат «ўзидан ёзувчи ясайди». Лекин у ёзувчи бўлмайди...

Истеъдодлар бир-бирига соя солиб қўймаслик учун ёлғизликда улғаядилар, довруғ соладилар.

Қўйлар пода-пода юради, шер ёлғиз яшайди.

Рабиндранат Тагор: «Ҳақиқатнинг ўзидек ёзилган нарса адабиёт эмас!»

Аёлнинг қудрати — эркакнинг бўшлиғида.

Дунё... ҳаёт гўзал эмас... гўзал бўлганида эди, адабиёт бўлмас эди.

Сулаймоннинг «Ҳикматлар»ида шундай дейилади: «Бор кучинг билан қалбингни асра!»

Бернард Шоу: «Ҳеч нарсага ишонмаган одам ҳамма нарсадан кўрқади».

Ундан почта поезднинг ҳиди келди.

Аҳду паймонларим қошу киприкларим орасига битилган.

Оёғи майда суйганини кияди,
Оёғи катта тонганини кияди.

Ёмон гап ракетадан олдин юради, яхши гап тошбақадан кейин юради.

Асалдан баҳор ҳиди келди.

У оловга термулиб ўтиришни яхши кўради.

«Ҳайвонот оламида»: Илонлар муҳаббати. Қайлиғи учун олишади. Соф, ҳалол, мардларча! Мағлуб бўлгани ғолибга қўшил бўлиб кетади, муҳаббатини ташлаб кетади. Лекин чақмайди. Бўлмаса бир-бирига чирмашиб, олишади. Бир узиб олса бўлди! Инсон-чи? Инсонинг тилида заҳар йўқ, хайрият. Заҳарни сотиб олади! Пичоқ, милтиқ...

Эрталаб. Содиқнинг уйи. Ўғлининг қўли чиққан Бўри кал:
— Кеча тонг отмади. Ҳали тонг отгани йўқ.

Демоқчи: у вой-войлаб чиқди. Уйқу бетини кўрмади. Тонг отганини билмади. Ҳалиям кечадай, тонг билан кун баравар бўлди!

Умр йўли — борса келмас йўл.

Саратон — ошиқ юрагидай ёнди.

Меҳр-оқибат она сути, қуёш тафти билан киради.

Швейцариялик адиба Эрик Буркарт: «Бизнинг она тилимиз — сукут. Айнан сукутдан сўз туғилади».

Қадимги юнонлар: «агарда халқнинг қандай яшаётганини билгингиз келса, икки жойга — қабристон ва бозорга боринг».

У тоқишлоқдан шаҳар келди... У ўзи билан тоғ табиати... маҳрурлиги... сукунатини олиб келди. Шу боис эл бўлмади...

Тоғай МУРОД

ЭСКИ ТАЛҚИНЛАРНИНГ ЯНГИ ЖОЗИБАСИ

Ҳазрат Соҳибқирон ҳақида китоб ёзиш жуда мушкул иш. Бунинг учун Шарқ халқларинигина эмас, балки Ғарб мамлакатлари тарихини ҳам яхши билиш, Амир Темур яшаган замонни англаш, тушуниш, қадимда ўтган ёирик давлат арбоблари ва улуғ саркардаларнинг ҳаёти билан яқиндан таниш бўлиш зарур. Бунинг учун, энг аввало, кўплаб тилларда ёзилган манбаларни бемалол ўқий олиш ва уларда келтирилган далил ҳамда маълумотлардан фойдалана билиш иқтидори ҳам талаб қилинади. Йирик олим Б.Аҳмедов ўзида худди шундай фазилатларни мужассамлаштирган ўзбек тарихчиларидан эди. Унинг улкан тарихчи олимга хос кўплаб фазилатлари «Амир Темур» номли асарида ҳам ўз муҳрини қолдирган.

Бу китоб улуғ Соҳибқирон ҳақида кейинги йилларда ёзилган тадқиқотлардан бири бўлиб, у Амир Темурни яхши билган тарихчи олимлардан, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Бобур ва бошқаларнинг асарларини, улуғ саркарданинг Франция, Англия, Туркия ва Венеция ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмаларини, шунингдек, юртимиз ва хорижий мамлакатларда битилган илмий ҳамда илмий-оммабоп манбаларни таҳлил қилиш асосида юзага келган.

Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур» номли асари тарихий манбаларга, маълумотларга бойлиги, тилининг содда ва халқчиллиги, илмий таҳлилнинг устунлиги билан ажралиб туради. Асарда тасвирланаётган ҳар бир воқеа аниқ тарихий манбага асосланади. Хусусан, темурийлардан Мироншоҳнинг жанговор юришлари машҳур тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий маълумотлари асосида аниқ берилган.

Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар қандай ҳаққоний образ турли манбалардан олинган аниқ далиллар билан ҳар қаторда муфассал тасвирланган ва асарнинг барча воқеаларига ўзвий боғлаб юборилган бадиий тўқима воситасида яратилади. Б.Аҳмедов асарида ҳам Амир Темур шахсияти деярли бутунича тарихий манбалар асосида гавдалантирилиб, биронта ҳам эсда қоладиган, ёрқин бадиий тўқима воқеа доирасида кўрсатилмайди. Жумладан, Амир Темур қиёфаси ва унга хос бўлган асосий фазилатлар Б.Аҳмедов китобида илмий аниклик билан гавдалантирилган.

Гулбаҳор ЮСУПОВА,
ЎзМУ аспиранти

МЕН ШОИР БЎЛДИММИ?..

Биринчи учрашув

...

Бари бир, Вужудинг билгани — ғирром,
Кўнгилга солганинг чиндир, Худойим.
Бошқа дунёларнинг оташи ҳаром,
Мени бу дунёда ёндир Худойим.

Ёнмоқ истаяпман оловларингда,
Раббимо! Кўксимга чўғ отиб юбор.
Тобланиб олайин синдларингда,
Уйғонгим келяпти, уйготиб юбор.

КЎЗИНГИЗНИ БЕРИБ ТУРИНГ

Ёлғизгинам, фариштага тенгликинам,
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай.
Иккимизнинг дардимиз бир,
мунгликинам,
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Мен бошимни урмаган бир тош
қолмади,
Ростин айтсам, юрагимда дош қолмади.
Куриб қолган кипригимда ёш қолмади,
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Мен шабнамман, ғуборларга
қўнолмайман,
Ё гул бўлиб тош юракда унолмайман.
Кўнолмайман, бу дардларга
кўнолмайман,
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Дунё кузғун, корларидан зорим келди,
Тоғ қалбимга нафрат деган сорим
келди.
Ўзим бўлиб йиғлолмайман, орим келди,
Келинг, Сизнинг кўзингизда
йиғлаб олай,
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай...

* * *

Руҳим чинқиради, мендан тонади,
Уйғониб кетади яна орларим.
Бўғзимни куйдириб сўзлар ёнади,
Қачон туғилади менинг шеърларим?

Минг-минг йилдан бери турибди яшнаб,
Ишонса бўлади илдизларимга.
Сўниб бораяпти ўзимга ўхшаб,
Ота, нима бўлди юлдузларимга?!

Лаҳзалар тўкилиб бормоқда баргдай,
Бир куни қақшайман уволларидан.
Кўрқиб кетаяпман, ҳали туғилмай,
Боламнинг эртанги саволларидан.

Юрагим минг битта жойидан синди,
Қачон бошланади руҳимнинг тўйи?
Фақат бир таскин бор, ажабмас энди
Мени одам қилса эртанинг ўйи...

МЕН ШОИР БЎЛДИММИ?

Мен шоир бўлдимми, шоирим — Тангрим?!

Ўзимнинг устимдан кулгим келади.
Гоҳида гапимга қовушмай гапим,
Битта сўз дардида ўлгим келади.
Мен шоир бўлдимми?

Тилимни булбулга ўптирганинг рост,
Кўксимда дулдуллар чоптирганинг рост.
Буни ким билади ўзимдан ўзга,
Қани менда журъат? Қани эҳтирос?
Мен шоир бўлдимми?

Мисралар олифта, байтларим қурук,
Ҳозирча кўксим бўш, юрагим дудуқ.
Мен ўзим ёнмасам, эл қандай ёнсин,
Сўзимда олов йўқ, сўзимда ўт йўқ.
Мен шоир бўлдимми?

Менга чўғлари кўп кўз бер, Худойим,
Куннинг суқлари кўп юз бер, Худойим!
Ўзинг ҳамма сўзни айтиб бўлгансан,
Берсанг, ўйлари кўп сўз бер, Худойим!
Мен шоир бўлдимми?

МЕНСИЗЛИК

Юлдузлари ичикиб қолди,
Маҳзун энди ойсиз осмоним.
Сенсизликка кўникиб бўлдим,
Қандай экан менсизлик, Жоним?

Ана, ўзим кўзингдан ўтди,
Кўй, яширма титроклорингни.
Хато қилдинг, ўзингдан ўтди,
Тишлаяпсан бармоқларингни.

Энди нурга бегона юзинг,
Куёшингнинг ранглари қани?
Сиғмаяпсан ўзингга ўзинг,
Ҳаётингнинг тонглари қани?

Кечаларинг ўзингдай ғариб,
Армонларинг осмондан катта.
Юрагингга термилиб туриб,
Йиғлаб қолган тунларинг ҳақи,
Мен бари бир сенга керакман!

Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 3-курс толиби

ТАҚДИМ

«Гадосидан шоҳигача шоир» деган сифати бор бу юртда кунда бўлмасаям кунора бир шеър ишқибози эшигимизни тақиллатади. Ишимиз камроқ бўлса-ку ўкитиб, эшитамиз. Иш қайнаган пайтда эшикдан келган шоир тугул, ўзимиз ўзимизга малол келамиз. Тайёр баҳоналар билан кузатишга ё 9-қаватдаги Икромними, 3-қаватдаги Шуҳратжонними балогардон қиламиз. Беҳзод ҳам ишли кунлардан бирида келди.

— Биз йигитларнинг шеърларини беролмаймиз. Тоирга қизлар жуда кўп, — дея одатдаги жавоб билан қайтармоқчи эдим, бехос қўлимдаги даста шеърнинг бир бандига кўзим тушди:

Юрагим минг битта жойидан синди,
Қачон бошланади руҳимнинг тўйи?
Фақат бир таскин бор: ажабмас энди
Мени одам қилса эртанинг ўйи.

Ниҳоятда тиниқ изтироб, ишончли дард. Яна ўқидим, яна... Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси Беҳзод ҳаваскор эмас, шоир экан. Унинг бир даста шеърларини — «Ёшлик»ка илиндим.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Нашр индекси:
Якка обуначилар учун — 822.
Ташкилотлар учун — 968.
Навқиронлик сурурини ҳис этай десангиз, «Ёшлик»ка обуна бўлинг!

Oliy ta'lim muassasalari shunga erishishlari kerakki, yangi pedagogik texnologiyalar etuk kadr tayyorlashga faqat bir tomonlama emas, balki har jihatdan xizmat qilsin.

Talqin

МУСТАҚИЛ ИШЛАШДА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Мустақил фаолият таъсирида талабаларнинг теварак-атроф, объектив борлиқни кенгроқ билиб, онгли идрок этиш даражаси ўсиб, фикрлаш доираси кенгайиб боради. Мустақил фаолият жараёнида талабанинг билим, кўникма, малакалари, илмий дунёқараши шаклланади. Айтиш мумкинки, талабанинг фаоллиги натижасида унинг лаёқати, истеъдоди, қобилияти ўсиб боради. Бунинг рўёбга чиқишида талабанинг дарсда олган билими, кўникма, малакаларини ошириш йўлидаги уринишлари муҳим аҳамият касб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ва ташкил этилган ҳар қандай мустақил иш талаба шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик ривожланишига ижобий таъсир этади.

Педагогик технологиялар мазмунмоҳиятига кўра, ўзига хос йўналишда тавсифланадики, бунда талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш, уларнинг бадиий-эстетик муносабати, ижодий фаолиятини ривожлантириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилади. Ўқув жараёнини тубдан ўзгартиришга қаратилган технологиялардан бири педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократиялаштиришга асосланган. Мазкур технология фалсафа, психология ва педагогиканинг инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассамлаштирганки, унинг марказида ўз имкониятларини юксак даражада амалиётда қўллай биладиган, ижодий ва ижтимоий фаол, турли ҳаётий вазиятларни сергак англаб таҳлил эта оладиган, мўлжални аниқ, мустақил оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради. Бу ҳолат талабалар шахсини ҳурмат қилиш, эъзозлаш орқали уни ривожлантириш ва ижод қилишга қулай муҳит яратади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар уларнинг онгли интизоми юқори даражада бўлиши ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжи ортиб боришига ижобий таъсир этади. Ана шундай технологиялар орасида дидактик ўйин, муаммоли таълим, модулли таълим ҳамда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг таъсири алоҳида ўрин эгаллайди.

Дидактик ўйинли технологиялар — талабалар билим олиш фаолиятининг ўйин билан уйғунлашган ҳолатидир. Таълим жараёнида бундай технологиялар, дидактик ўйинли дарс мисолида қўлланилади ва у билан уйғунлаштирилади. Бундай фаолият орқали талабаларнинг билиш фаолиятига нисбатан қизиқиши ошади. Уларнинг ўз иқтидорини ва ўзлигини намоён этишига имкон яратилади. Айни пайтда билиш фаолиятидаги қийинчиликларни енгиш ва ҳар қандай мўлжални тўғри олиш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Қадриятларни ўрганишга эътибор ва ижобий муносабат ҳам ана шу технологиялар туфайли кучаяди.

Ўқув жараёнини модул тизими асосида ташкил этиш шуни кўрсатадики, унда ўқув адабиётлари, фан дастурлари, техника воситалари, замонавий кўргазмали қуроллар орқали таълим мазмунини узлуксиз фаол тарзда талабага етказиш имконияти туғилади. Шунингдек, ҳар бир талабанинг индивидуал ишлаш имконияти кенгаяди.

Модул тизими татбиқ этилганда, ўқитувчига илмий иш билан шуғулланиш учун кўпроқ вақт қолади. Талаба эса икки карра кўпроқ билим олади. Яна бир афзал томони шуки, ўқитувчи ҳар сафар дарсдан аввал талабаларга тарқатма материаллар, дастур ва маъруза матнларини етказиб беради. Талабалар эса дарс, савол-жавоб, мунозарага аввалдан тайёрланадилар, дарс эса жонли ва самарали ўтади.

Талабалар билиш фаолиятида муаммоли таълим ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда муаммоли (ақлий ҳужум) дарс, мунозарали (илмий мунозара ва эркин фикрлаш) дарслари муаммоли таълим технологияларига мисол бўлади. Ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилади ва у талабаларнинг мустақил фаолияти натижасида , соҳа бўйича уларга билим, кўникма, малакаларни ижодий ўзлаштириш имконини яратиш назарда тутилади. Билиш фаолиятида муаммоли таълимнинг муваффақиятли бўлиши учун, аввало табалаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим жараёнини ўйин ва меҳнат билан уйғунлаштириш, ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан самарали фойдаланиш, муаммоли саволлар занжирини тузиш муҳимдир.

Муаммоли вазиятларнинг икки тури, яъни психологик муаммоли ва педагогик муаммоли вазиятлар бор. Биринчиси талабалар билиш фаолиятининг ташкил этилишига боғлиқдир. Иккинчиси эса, уларнинг фикр юритиш, билиш фаолиятини ташкил этади. Муаммоли дарсларни қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши зарур.

Аввало, ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли дарс мисолида ўтиш мумкинлигини аниқлаш керак бўлади. Сўнгра мавзу матнидаги масала бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, дидактиканинг илмийлик, алоқадорлик, мантиқий кетма-кетлик, изчиллик каби қоидаларига амал қилиш зарур бўлади. Кейинги йўналишда эса талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниқлаш, улардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш керак. Демак, муаммоли дарслар ўзининг дидактик мақсадига кўра, ўқув муаммоларини ҳал этишда, талабаларнинг ўзлаштирган билимларини ижодий қўллаган ҳолда янги билимларни ҳосил қилиш, ижодий ўзлаштириш ва амалда фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш, уларнинг изланувчанлиги, ақлий камолоти, заковатини ривожлантиришга қаратилганлиги билан ҳам ифодаланади.

Маълумки, талабаларнинг пухта билим олишларида сюжетли — ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференция, машқ каби дидактик ўйинлар ўзининг таълим-тарбия берувчи, билимларни мустаҳкамловчи, ўқув материалларини такрорловчи, билимларни назорат қилиш хусусиятига эгалиги билан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, сюжетли — ролли ўйинлар кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг объектлар ўртасидаги алоқаларини ўзига хос кўринишда ёритишга қаратилади. Бунда ўйин сюжети жамият ёки табиатдан олинади. Баъзан жамият ва табиатдаги муаммолар уйғунлаштирилади. Хусусан, "Гўзал табиатни асранг", "Инсон ва табиат" мавзусидаги сюжетли-ролли ўйинларни ташкил этиш мумкин.

Ижодий ўйинлар — талабаларнинг ижодий изланиш, мантиқий фикр юритишини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилганлиги билан тавсифланади. Бу ўйинлар таъсирида талаба ижодий изланиб, янгиликларни кашф этади ва уни ҳаётида қўллайди.

Ишбилармонлар ўйини — ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттирадиган ва талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш, миллий эстетик дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Бунда талабаларни касб-ҳунарга йўллаш ва шу касбларни эгаллашлари учун улар зарурий билимларни ўзлаштиришлари тушунтирилади.

Конференция дарслари — талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини жонлантиради, илмий дунёқарашини кенгайтиради, илмий ва илмий- оммабоп адабиётлар, қўшимча ва маҳаллий материаллар билан мустақил ишлай олиш кўникма, малакаларини орттиради ҳамда уларнинг мустақил ҳаётга онгли муносабатини тарбиялайди.

Ўйин машқлари — талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини янада оширади, билиш фаолиятини тезлаштиради. Демак, мазкур дидактик ўйинларнинг барчаси талабаларнинг эгаллаётган соҳаси бўйича кенг билим олишларига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишда технологик ёндашувни тўғри танлай билиш лозим. Олий таълим муассасалари шунга эришишлари керакки, янги педагогик технологиялар етук кадр тайёрлашга фақат бир томонлама эмас, балки ҳар жиҳатдан хизмат қилсин.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ докторанти

ДИПЛОМЛИ КАДР:

у ишга жойлашяптими?

Наманган муҳандислик-педагогика институтида бугунги кунда 13 та касб таълими, 1 та иқтисод, 5 та техник йўналиш бўйича бакалаврлар ҳамда 10 дан ортиқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Институтнинг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректори З.Маҳмудов битириб чиқаётган кадрларнинг ишга жойлашиш масаласи ҳақида шундай дейди:

— Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги 77-сонли "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги қарори асосида институтимиз касб-ҳунар коллежлари учун муҳандис-педагоглар тайёрлаб бериш бўйича таянч олий ўқув юрти этиб белгиланган. Кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган барча ишлар юқоридаги қарорда белгиланган вазифаларни сифатли амалга оширишга қаратилган. 19 та касб йўналиши бўйича кундузги бўлимда 234 нафар, сиртқи бўлимда 1981 нафар бакалаврлар, 105 нафар талаба магистратурада таҳсил олишмоқда. Шунингдек, институтда касб-ҳунар коллежларини тугатиб, камида уч йиллик педагогик фаолиятга эга бўлган ўқитувчилар учун 12 та касб таълими ва 1 та техник йўналиш бўйича уч йиллик махсус сиртқи бўлим ташкил этилган бўлиб, унда 350 нафар педагог меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда таълим олишмоқда.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликларга ажратиладиган ўринлар сони минтақадаги касб-ҳунар коллежлари, корхона, ташкилотларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган буюртмалари асосида шакллантириляпти. "Маркетинг хизмати" бўлими томонидан Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари билан 2010 йилгача муҳандис-педагогларга бўлган эҳтиёж таҳлил қилиниб, буюртма олинган. Мутахассислик кафедраларида ҳам "Буюртмалар портфели"ни шакллантириш юзасидан мунтазам фаолият юритилмоқда.

Институтни битираётган ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича турли тадбирлар ўтказиб борилади. Масалан, замонавий жиҳозланган Наманган транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида Фарғона водийси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари ҳамда вилоятдаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари директорлари билан институт битирувчи бакалавр ва магистрларининг учрашуви ёдда қоларли бўлди. Унда институт ректори, проректорлар, кафедра мудирлари, ЎМКҲТ вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик масаласи кўриб чиқилди.

Шу йилнинг январь ойида Наманган агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ўтказилган битирувчилар ва минтақа ЎМКҲТ тизими бошлиқлари билан бўлган семинарда 2003 йилда битирган бакалавр ва магистрларни иш билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Институтни битирувчи бакалаврлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжатлар минтақадаги ЎМКҲТ тизимига тегишли муассасаларга юборилади. Унда битирувчи талабаларнинг яшаш манзили ва шу ҳудудда жойлашган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, битирувчилар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда "Наманган ҳақиқати" газетасида ҳам бериб борилади.

Milliy dastur — amalda

Вазирликнинг 2002 йил 350-сонли "Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғини амалга ошириш мақсадида бакалавриат ва магистратурада давлат гранти асосида таълим олаётган барча талабалар институт ва иш берувчи ўқув-муассаса (ташкилот)лар ўртасида уч томонлама шартнома тузилди. Бу йил институтга грант асосида ўқишга кирган талабаларни ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш деярли якунланди.

2002—2003 йилларда институтни битирган 123 нафар магистрнинг 25 нафари олий ўқув юртларига, 20 нафари академик лицей, касб-ҳунар коллежларига, 62 нафари эса ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлашди. Бакалавриат таълим йўналишларининг 787 нафар битирувчисидан 63 нафари магистратурада ўқишни давом эттирмоқда. 225 нафари эса лицей ва коллежларга, 357 нафари ишлаб чиқариш корхоналарига жойлашган бўлса, маълум қисми ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчларини адо этишяпти.

Ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиши борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Битирувчиларнинг 95 фоизи Наманган вилоятидан. Маълумки, институт водий вилоятларига педагог-муҳандислар етказиб берувчи ягона даргоҳ. Лекин Фарғона ва Андижон вилоятларидан ёшларни ўқишга жалб қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ўқишга кираётганлар салмоғи ошмаяпти. Шу боис, институтни тамомлаган ёшлар учун Наманган вилоятида бўш ўринлар етарли бўлмагани ҳолда Андижон, Фарғона ҳудудларида шундай мутахассисларга эҳтиёж катта. Бу масала давлат аҳамиятига эга эканлигини ҳисобга олиб, шуни таклиф этаман: агар Андижон ва Фарғона вилоятларидаги олий ўқув юртларида институтимиз учун ҳужжат қабул қилиниб, ўша жойда тест синовлари ўтказилса, давлат тест маркази қарорлари асосида ўқишга қабул қилинганлар бизнинг институтга юборилса, мақсадга мувофиқ иш бўларди. Шу туфайли қўшни вилоятлардаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари муҳандис-педагоглар билан тўлиқ таъминланар эди. Албатта, бундай қабул институтга ажратилган қабул квоталари доирасида амалга оширилиши керак.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ
суҳбатлашди.

Qishloqdagi maktab oshxonalariga yuridik shaxs maqomini berish kerak. Qolaversa, maktab oshxonalariga er ajratib berilsa, zarur mahsulotlar shu erda etishtirib olinardi.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЭЪТИБОРИ

Юрт мустақиллиги илм ва маънавият соҳаси ходимлари олдига жуда кўплаб масъулиятли вазифаларни қўйди. Ўтган йиллар давомида халқ таълими соҳасида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Туманимиздаги 116 та умумтаълим мактабларининг 32 таси замонавий биноларга жойлашган. Халқ таълими муассасаларида 2320 та фан кабинетлари мукаммал жиҳозланган. Вилоят ҳокимининг фармойиши бўйича кўпгина мактабларга маблағлар ажратилди. 54-мактабга 6 та синфхонаси қуриш учун 5 млн. сўм, 70-мактабга қўшимча синф хоналарини таъмирлаш мақсадида 2 млн. сўм, 75-мактабга 20 дона дераза ромлари олиш ва ўрнатиш учун 5 млн. сўм, 96-мактабга спорт майдончасини таъмирлаш учун 1 млн. сўм, 114-мактабга 3 та эшик, 3 та дераза роми олиш ва таъмирлаш учун 2 млн. сўм, 9, 45, 51-мактабдан ташқари муассасалар учун жами 9 млн. сўм миқдорида маблағлар ажратилганлиги кўпгина муаммоларни ҳал этишда қўл келмоқда.

Ҳотам ҚОДИРОВ,
Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани халқ таълими бўлими мудири

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СИЗГА, МУАЛЛИМ!

Бугунги кунда мактаб ошхонасига муносабат қандай? Мактаб ошхоналари зарурми? Қандай ишлар амалга оширилса, ошхона фаолияти яхшиланади? "Маърифат"га келаётган мактубларда шундай масалалар қўйилиб, унинг ечими ҳақида таклифлар билдирилаётгани куюнчак муаллифлар фаоллигидан далолатдир. Шунингдек, фидойи устозлар ҳақидаги мактубларнинг кўплиги ҳам, шогирдларнинг устозлари ҳақидаги самимий дил изҳорлари ҳам бизни қувонтиради.

МАКТАБ ОШХОНАЛАРИГА ЕР МАЙДОНИ АЖРАТИБ БЕРИЛСА...

Ҳозирги кунда мактаб ошхоналарига эътибор камайгандек туюлади. Ваҳоланки, мактаб ошхоналари шу кун талаблари асосида фаолият кўрсатиши зарур. Бошланғич синф ўқувчилари сумкаларида олиб келган "тушликлари"ни танаффусда еб олишлари мумкин. Лекин юқори синф ўқувчилари уйдан нон олиб келиш ёки кавшанишга уялишади. 6—7 соат мактабда оч-наҳор юриш эса улар саломатлигига зарар етказади. "Ишбилармон" сотувчилар эса мактаб атрофида пайдо бўлиб, сифати кафолатланмаган маҳсулотларни ёш болаларга сотмишмоқда.

Мен бир таклифни киритмоқчиман. Қишлоқдаги мактаб ошхоналарига юридик шахс мақомини бериш керак. Қолаверса, мактаб ошхоналарига ер ажратиб берилса, зарур маҳсулотлар шу ерда етиштириб олинарди. Мактаб ошхоналарининг электр ва газ таъминотини, турли хил жиҳозларини ташкил қилиш, у ерда тайёрланаётган овқатларнинг сифатини, гигиеник талабларнинг бажарилишини назорат қилиш зарур. Шундагина мактаб ошхоналари иши яхшиланади.

Абдулла АЛИМОВ,
Хоразм вилояти Гурлан туманидаги Вазир қишлоғи фуқароси

КЎНГИЛ КАЛОМИ

Устозлар умрини сокин дарёга ўхшатгим келади. Негаки, дарё ҳамиша уйғоқ, тиним билмайди. Ташна ерларнинг чанқоғини босади, ҳаёт бахш этади, табиатга гўзаллик ато этади, ризқу рўзимизга қут-барака беради, хоналарда нур бўлиб чарақлайди, фақат олдинга қараб интилади. Муаллим ҳам ёш юракларни билимлар дунёсига олиб киради, унга сайқал беради, ўқувчисини ўз жигарбандидек ардоқлайди, қалб қўрини, меҳрини беради. Ўз билими, салоҳияти, садоқати, фидойилиги билан ўқувчисининг умрини мунаввар қилади. 43 йиллик умрини мана шундай олижаноб ишга бахш этган фидойи инсон, Халқ таълими аълочиси, "Меҳнат фахрийси", олий тоифали муаллим Тамара Бекмуҳамедовнинг меҳнат дафтарчасига назар ташлар эканман, у чет тиллар институтини тамомлагандан буён шу кунга қадар бир даргоҳда—Тошкентдаги 157-мактабда ишлаб келаётганига гувоҳ бўламан.

— Биз мана шу мактаб тупроғида улғайдик, — дейди Тамара опа. — 60-йилларнинг бошлари эди. Оқтепа даҳасида биттагина шу мактаб қурилган. Унинг ягона, ҳозирги эски биноси бор эди. Биринчилардан бўлиб шу мактабга ишга келдим. Ўқитувчилар етишмас, икки сменалаб ишлар эдик. Фарзандли, набирали бўлдим, бутун умрим шу даргоҳда ўтди. Устоз деган шарафли номга сазовор бўлдим. Шунинг ўзи бахт мен учун. Мен бу бахтга муносиб бўлиш учун яшадим. Умр бўйи интилдим.

Тамара опанинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканман, бу йўл биз ёшларга нақадар ибратли, ҳавас қилса арзигулик бир мактаб эканига амин бўлдим:

Сиз билан нурафшон ҳар куним устоз,
Қалбимда мавжланар орзулар лим-лим.
Сиз юрган йўлларни босгим келади,
Ҳавасим келади сизга, муаллим!

Дилором УМРИЛЛАЕВА,
Тошкентдаги 157-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ДАРСЛИК, У ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

Дарслик — ахборот манбаи, билимлар хазинаси, шу билан бирга ўқувчининг интилиши ва қизиқиш-эҳтиёжларини қондирадиган дурдоналар мажмуаси. У ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ўқувчига аниқ маълумот берувчи ахборотлар тўплами.

Дарслик сифатини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

— дастурда асосланган ўқув фани умумий мақсадини акс эттириш;

— дастурда қамраб олинган барча масалаларни киритиш:

— фан ва амалиёт боғлиқлигининг ўқув материалида кўзга ташланиши;

— ўқув материалини баён қилишда изчилликни таъминлаш;

— керакли ҳажмни сақлаш;

— берилган материалнинг илмийлик даражаси, уни етказишдаги усул ва услубий маҳорат, дастурдаги низомларни тушунтириш, материални ўринли ва ишонарли қилиб кетма-кетлигини таъминлаган ҳамда, ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиш, параграфлар бўйича тўғри танланган ва тақсимланган материални бериш;

— шу синф бошқа дарсликлари билан дарсликнинг алоқадорлиги, боғлиқлиги;

— луғат бойлиги, гапларнинг тузилиши ва бошқалар.

Дарслик яратилишидаги яна бир муҳим масала — унинг ташқи дизайни ўқувчиларни ўзига жалб эта олиши, расмли, қизиқарли, жонли суратлар билан бойитилиши зарур.

Ҳозирги кун дарсликлари юқорида қайд этилган талабларга жавоб бера олса, демакки, сифатли дарслик — билимга чанқоқ ўқувчилар қўлида. Билимли ўқувчилар эса жамиятимиз келажаги, унинг пойдеворини яратувчилардир.

Мухлиса РАУФХЎЖАЕВА,
ЎзПФИТИ илмий ходими

ОРЗУМ УШАЛДИ

Мен Улуғнор туманидаги оддий мактаблардан бирида ўқир эдим. Бир куни газетада туманимиздаги 16-мактаб-интернат тўғрисидаги мақолани ўқиб қолдим. Шу лицейда ўқиш орзуси менга тинчлик бермади. Орзуларимни амалга ошириш мақсадида шу ерга кириб ўқишга қарор қилдим. Лицейга кириб ўқиш мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Синовлардан ўтиш учун жуда катта тайёргарлик ва билим талаб қилинар экан. Интилганга толе ёр деганларидек, лицей ўқувчиси деб эълон қилиндим. Ўша кундаги қувончимни бир умр ёдимдан чиқармасам керак. Бу ерда ўқиб-ўрганишимиз ва дам олишимиз учун етарли шароитлар яратиб берилган. Ошпазларимиз бири-биридан ширин таомлар тайёрлаб, иссиқ овқатлар билан таъминлашади. Лицейимиз кимё-биология, математика ва инглиз тили фанларига асосланган. Лицейда ўқир эканман, мактаб билан лицей ўртасида жуда катта фарқ борлиги ҳақида ўйлаб қоламан. Лицейимиз директори И.Қирғизбоев ва ўқитувчиларимиз билан фахрланаман.

Жамият учун фойда келтирадиган инсон бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Жавлон ТУРҒУНОВ,
Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 16-мактаб-интернатнинг 7-"Б" синф ўқувчиси

УСТОЗИМ ТУФАЙЛИ ОЛИМЛИК ШОҲСУПАСИГА ЧИҚДИМ

Муборак опа Дўстова узоқ йиллардан буён Фитрат номидаги 4-мактабда ёш авлод тарбияси билан шуғулланиб келмоқда. Муаллим ҳар бир мавзуни бугунги кун билан боғлаб ўтади. Талабчан, қаттиққўл, кучли психолог, ўз фанининг билимдони сифатида ўқувчи кайфияти, унинг қалбида кечаётган ҳис-туйғу, кечинмалари билан қизиқишлари шогирдлари меҳри ортишига имкон яратмоқда. Устозим раҳбарлигида ташкил этилган навоийхонлик, бобурхонлик мушоиралари, "Ғазалхон ёшлигим" каби бадиий-адабий кечалари, унда жаранглаган шеър ва ғазаллар ҳамон қулоғим остида янграйди. Мен ва мен каби юзлаб, минглаб собиқ ўқувчилар ҳозирги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар орасида турли касб эгалари бор. Биз Муборак опани шогирд сифатида эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси ила эслаймиз. Зеро, ўзим ҳам шу устоз сабоғи, ўгитлари билан улғайдим. Ҳаётда ўз ўрнимни топдим, олимлик шоҳсупасига чиқдим, фалсафа фанлари номзоди бўлдим. Халқ таълими аълочиси, фидойи устоз Муборак Дўстова кабиларга ёш авлодни ҳормай-толмай тарбиялашда куч-қувват тилайман.

Дилором ХЎЖАЕВА,
Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 4-мактабнинг собиқ ўқувчиси

Мактублар... Уларнинг оқими чексиз, охири кўринмайди. Сафимизда фидойи устозлар кўплиги ҳам мактублардан аён. Р.Иброҳимов, М.Мирзааҳмедовларнинг, риштонлик бошланғич таълим устаси Инобат Муҳаммадиева, Моҳинисо Пўлатованинг, Паст Дарғом туманидаги 77-ихтисослашган иқтидорли болалар мактабининг ўқитувчиси Сарвара Норқобилова, Нилуфар Исломқулованинг чинозлик тарих ўқитувчиси Моҳира Норхўжаева ҳақидаги бадиий лавҳалари таълим фидойиларига бағишланган. Биз айни вақтда сиз газетхонлардан таълим соҳасида қўлланилаётган тажрибалар, кўпчиликка манзур бўлаётган янги иш усуллари, муаллимларни ўйлантираётган муаммолар ҳақидаги мактубларни ҳам кутиб қоламиз.

Саҳифани Маҳмуда ВАЛИЕВА тайёрлади.

Jismonan va intellektual jihatdan sog'lom avlodni voyaga etkazishga intilish — barkamol shaxs va «O'quvchi – yoshlarda sog'lom turmush tarzini shakllantirish» Konsepsiyalari hamda «Sog'lom avlod» davlat dasturini hayotga to'la tadbiq etish imkonini beradi.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

У ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда мафкуравий ва инсон саломатлиги учун хавфли саналган салбий одатлар қарор топишининг олдини олиш, уларга қарши курашувчанлик иммунитетини ҳосил қилиш нафақат педагогика назарияси ва амалиётида, балки тиббий, психологик ва физиологик билим асослари йўналишлари олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади.

Мазкур мақсадни амалга оширишда оила, мактаб, давлат ва жамият ҳамкорлигига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчи-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмалари (кун тартибига қатъий риоя этиш, шахсий гигиена ҳамда ижтимоий санитария қоидаларига амал қилиш, организмни чиниқтириш) борасида амалий ҳаракатларни ташкил этиш, атроф-муҳит муҳофазасига масъулиятли муносабатда бўлиш муҳим вазифалар сирасига киради.

1997-2001 йилларда эълон қилинган тиббиёт маълумотларига мурожаат қилганимизда, 14-17 ёш оралиғидаги ўсмир ҳамда ўспиринларда юрак-қон томир, нафас олиш тизими фаолиятининг пасайиши, ошқозон-ичак касалликлари, юқумли касалликларга чалинувчанлик, тезда толиқиш, уйқуга берилувчанлик каби касалликларга чалиниш кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланди. Юқоридаги ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилардир: шаҳар шароитидаги кам жисмоний ҳаракат, саноат корхоналаридан чиқадиган ишлатилган сув, ифлос ҳаво, яъни носоғлом экологик муҳит ва гигиеник-эпидемиологик ҳолат, аҳолининг бугунги кун талабига жавоб берадиган гигиеник маданиятга эга эмаслиги ва тиббий хизмат кўрсатишнинг талаб даражасида эмаслиги, аҳоли (маҳалла, оила, мактаб аъзолари)нинг соғлом турмуш кечириш борасида кўникмалар билан қуролланмаганлиги ёки бу борадаги тажрибанинг етарли эмаслиги ва ҳоказолар.

Айниқса, шаҳар шароитида болаларнинг саломатлик даражаси қишлоқ болаларининг касалликка қарши организмнинг кураша олиш қобилиятидан паст. Лекин қишлоқ шароитидаги сув муаммоси, гигиена талабларига риоя қилиш ва бу борадаги шароит ҳам қониқарли даражада эмас. Мазкур ҳолат турли хил касалликларнинг келиб чиқиши ва авж олиши учун имкон яратади. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитидаги қишлоқ жойларида ичимлик сувидан тўғри фойдаланиш, ишлатилган сув, чиқиндиларини тўғри бартараф этиш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш ва бу борада ижтимоий институтларнинг ҳамкорлигини кучайтириш керак.

Бундай носоғлом турмуш тарзи болаларнинг ҳаётдан эрта кўз юмушига олиб келади. Қорақалпоғистон мисолидаги тиббий маълумотларга кўра, болалар ўлимига сабаб бўлувчи омиллар ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари (ОРВИ) — 23,4, пневмания — 22,4, юқумли касалликлар — 164, бахтсиз ҳодисалар — 8,8 ҳамда туғма ногиронлик — 3,7 фоизни ташкил этган.

Жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топиши энг аввало, мазкур жамият аъзоларининг бу борадаги кўникмалари даражаси билан боғлиқ.

Умумий ўрта таълим даври, хусусан, ўсмирлик йиллари ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш жараёнида муҳим босқич бўла олиши, шубҳасиз. Зеро, ушбу ёш даври хусусиятларини ўрганиш ва педагогик кузатув натижаларининг гувоҳлик беришича, бу даврда ўқувчиларда жамият томонидан тан олинган маънавий — ахлоқий талабларга амал қилмаслик ҳолатлари кўпроқ содир бўлади. Бунинг асосий сабаби ўсмирнинг «мен»лиги ҳамда жамият ўртасида юзага келувчи зиддиятлардир. Мазкур зиддиятларга барҳам беришда педагогик жиҳатдан энг тўғри йўл уларнинг ёш, физиологик ва психологик хусусиятларига таянган ҳолда ўсмир олдида турган «муаммо»ларни ечишда унга амалий жиҳатдан ёрдам бериш бўлади. Дарҳақиқат, ёш хусусиятларига кўра, ўсмир гарчи уларни англаса-да, ҳаётий тажрибасининг етарли эмаслиги боис, муаммоларни ижобий ҳал эта олмайди. Шу боис, четдан кўрсатилувчи ёрдамга муҳтожлик сезади. Ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари томонидан ўсмирга нисбатан асосли, тўғри ва энг муҳими унинг шахсини ҳурмат қилиш тамойили асосида ёрдам кўрсатилиши зарур. Зеро, бундай муносабат ўсмирнинг «четдан» ташқи кучлар томонидан нотўғри, аксарият ҳолларда «бузғунчи ғоялар» устувор бўлган ёрдамни олиши йўлида қўйилган жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Ўсмирнинг ноахлоқий, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишнинг яна бир жиҳати у томонидан салбий одатлар (тамаки, спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш каби ҳолатлар)нинг ўзлаштирилиши учун имкон бермайди. Муаммонинг мазкур жиҳати педагогик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни мураккаб бўлиб, ушбу жараённи ташкил этишда оила — таълим муассасаси — маҳалла — давлат — жамият ҳамкорлиги тақозо этилади. Зеро, ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмалари узлуксиз ва динамик равишда шаклланиб боради. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий жамиятда СТТни қарор топтириш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият мазкур ҳаракатни ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Бироқ муаммо доирасида яратилган манбалар мазмуни билан танишиш жамиятда, хусусан, инсонлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласининг яхлит, бир бутун ҳолда ўрганилиши лозимлиги, 5-9-синф ўқувчиларида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда яратилаётган замонавий ўқув-услубий қўлланмаларнинг ишлаб чиқилиши зарурлиги, шахсда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзусида яратилган манбаларнинг аксарияти рус тилида бўлиб, улар маҳаллий хусусиятларга деярли мос келмаслиги; ота-оналар ва умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари учун миллий руҳиятни инобатга олиш асосида яратилган манбаларнинг етарли эмаслиги, шунингдек, 5-9-синф ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила, умумий ўрта таълим муассасаси, маҳалла, давлат ва жамият ҳамкорлигининг тўлақонли қарор топмаганлигини кўрсатди. Ана шу ҳолатларнинг барҳам топиши илгари сурилаётган мақсаднинг ижобий ечимини таъминлашда кафолат бўла олади.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ҳосил қилиш муаммоси дастлаб унинг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонларнинг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Кун тартибига эга бўлиш ва унга қатъи риоя қилиш, спорт билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш, ўз саломатлигини сақлашга масъулиятли бўлиш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, зарарли одатларни ўзлаштирмаслик, жинсий тарбия асосларидан хабардор бўлиш, агрессив ва бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизлик ана шу мезонлар сирасига киради.

Ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эришиш ушбу муаммонинг ижобий ечим топиши учун замин яратади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг СТТ борасидаги кўникмаларини шакллантиришда қуйидаги тамойилларнинг устуворлигига эришиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқувчиларда СТТни шакллантиришга нисбатан мажмуавий ёндашув.
2. Фанлараро алоқадорлик.
3. Таълим ва тарбия жараёнининг узлуксиз, изчил, тизимли ва динамик кечиши.
4. Оила, таълим муассасаси, маҳалла, ижтимоий жамоатчилик, давлат ва жамият ҳамкорлиги.
5. Халқаро ҳамкорлик.
6. Ўқувчиларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятларини инобатга олиш.
7. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш.
8. Демократик ва инсонпарвар ғояларнинг уйғунлиги.
9. Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.

5-9-синф ўқувчиларида СТТнинг шакллантириш, юқорида қайд этиб ўтилганидек, мураккаб жараёндир.

Махсус тайёргарликка эга бўлган тренерлар олдидаги асосий вазифалар қуйидагилар бўлиб, уларнинг ижобий ҳал этилиши умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида СТТни шаклланишини таъминлайди:

— ўқувчиларда СТТ ёки носоғлом турмуш тарзининг қарор топишига асос бўлувчи хатти-ҳаракатлари учун масъул бўлиш ҳиссини юзага келтириш;

— ўқувчилар томонидан носоғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўл очиб берувчи одатларнинг ўзлаштирилиши йўлида тенгдошлари ва бошқа шахслар томонидан кўрсатиладиган тазйиқларни енгиб ўтиш борасида маълум тажрибани ҳосил қилиш;

— соғлом турмуш тарзи кўникмаларини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган маънавий-ахлоқий ва шахсий сифатларни тарбиялаш;

— ўқувчиларни тамаки маҳсулотлари ва гиёҳванд моддалар, шунингдек, спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан воз кечиш каби масъулиятли қарорни қабул қилишларига ишонтира олиш;

— соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш жараёнида уларда шахсий сифатларни англаш, моҳиятини тушуниш ва уларга ҳаққоний баҳо бера олиш малакаларини янада такомиллаштириш;

—5-9-синф ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ота-оналар ва педагог (ўқитувчи) ларга методик жиҳатдан ёрдам кўрсатиш.

Педагогика фанида «таълим-тарбия» жараёни ажралмас, яхлит, бир бутун жараён саналади. Биз имкон қадар ўқувчи-ёшларни соғлом турмуш тарзи асослари ҳақидаги билимлар билан қуроллантирар эканмиз, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялаб бориш зарур. Ўқувчи-ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмалари республиканинг етук, маҳоратли спортчилари қўлга киритаётган ютуқлар, мутафаккирларнинг муаммо борасидаги қарашлари, узоқ умр кўрган кишилар ёки аксинча, айрим кишиларнинг зарарли одатларни ўзлаштиришлари натижасида рўй берган ёки рўй бераётган кўнгилсиз ҳодисалар моҳияти юзасидан суҳбатлар ташкил этиш орқали шакллантирилади. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир материалларни ўзлаштиришларига имкон берувчи топшириқлар, муаммоли вазиятлар яратиш ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш, суҳбат ҳамда аудио-видео тренингларни уюштириш, ўқувчиларни фаолият мазмунига кўра рағбатлантириш, уларни билимларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқтириш, ўзлигини англаб етишлари учун ёрдам бериш, турли беллашувларни уюштириш ва ҳоказолар асосида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар ва билдирилган фикрларга таянган ҳолда, қуйидаги тўхтамларга келиш мумкин:

Соғлом турмуш тарзи — бу инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўникмаларга эга бўлиш асосида ҳаётий фаолиятини йўлга қўйиши ҳамда саломатлигининг юқори даражада бўлишига эришишни таъминловчи шакл бўлиб, инсонларнинг соғлом турмуш тарзига эга бўлишлари барча даврларда ҳам бирдек аҳамиятга эга бўлган. Зеро, жамиятда қарор топган соғлом турмуш тарзи равнақи ва ривожини таъминлаш билан бирга, муайян халқ, миллат ёки элат насли (авлодлари шажараси) нинг биологик жиҳатдан соғлом, ақлий, ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан етук бўлиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

5-9-синф ўқувчиларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида шу мақсадга йўналтирилган фаолият мазмунини очиб беришда шакл, метод ва воситалар муҳим аҳамият касб этади. Сўз юритилаётган фаолият мазмунининг анъанавий ва ноанъанавий шакллари, ақлий фикрлашга ундайдиган ва берилган материалларни тез ва қулай ўзлаштиришга доир усуллар, шунингдек, кўргазмали ва ахборот технологиялари воситалари уйғунлигида шаклланиши назарий ва амалий ғояларнинг мукаммаллашувини таъминлайди.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммоси, сўзсиз, мазкур жараённинг координаторини тайёрлаб етиштириш муаммосини кўтаради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатларидаги каби педагог-валеолог мутахассисларини етиштириш масаласи бугунги кунда бизнинг таълим тизимизда ҳам давр талабидир.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказишга интилиш — баркамол шахс ва «Ўқувчи — ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш» Концепциялари ҳамда «Соғлом авлод» давлат дастурини ҳаётга тўла тадбиқ этиш имконини беради.

Д. ШАРИПОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори,
А. ИСИМОВА,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти аспиранти

1989 yilda saylangan yangi hukumat iqtisodiyotni isloh qilish dasturini amalga oshirdi. Natijada Argentina yana barqaror rivojlana boshladi.

Dunyo mamlakatlari

АРГЕНТИНА

Аргентина сўзи дилимиздан тилимизга чиққанда, хоҳласак-хоҳламасак жаҳон футболининг қиролларидан бири Марадонанинг шижоатли қиёфаси кўз олдимизда гавдаланади. Айниқса, жаҳон чемпионатларининг бири ўтаётган вақтда Марадонанинг қўли билан Англия терма жамоасининг дарвозасини ишғол қилинганида, бутун Англия аҳолиси оёққа қалқиганди. Унинг таъсирида анчагина шов-шувлар келиб чиққан эди. Бунга батафсил тўхталмайлик-да, бугунги Аргентинанинг сиёсий-иқтисодий ҳаётига чизгилар бериб ўтайлик.

Аргентина давлати ҳақида сўз очишдан аввал, Лотин Америкаси деган тушунчага бир назар солсак. Лотин Америкасининг кўпчилик давлатлари XVI—XVII асрлардаёқ Испания билан Португалиянинг мустамлакаси бўлиб қолганди. XIX аср бошидагина озодликка эришдилар. Ҳозирда бу минтақада 40 дан ортиқ мамлакат бор. Буларнинг ҳаммаси ривожланаётган давлатлар ҳисобланади. Бу ҳудуднинг майдони 21 миллион км²дир. Лотин Америкаси учта ҳудудга бўлинади. Бунинг биринчиси Ўрта Америка (Мексика, Марказий Америка ва Вест-Индия мамлакатлари). Иккинчиси Анд мамлакатлари (Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия, Чили). Учинчиси — Ла-Плата ҳавзаси мамлакатлари (Парагвай, Уругвай, Аргентина)дир.

Лотин Америкаси ҳудуди шимолдан жанубга томон 13 минг км.га, ғарбдан шарққа томон эса 5 минг км.га чўзилган.

Биз тўхталмоқчи бўлаётган Аргентина давлати Атлантика океани соҳилида жойлашган бўлиб, маъмурий жиҳатдан 22 вилоят (провинция), федерал (пойтахт) округи ва оловли ер ҳудудига бўлинади. Майдони 2767 минг км². Аҳолиси 38,4 миллион киши (БМТнинг 2003 йилги маълумоти). Пойтахти Буэнос-Айрес (13 миллион). Энг катта шаҳарлари Росарио, Кордова, Мендоса, Ла-Платалардир.

Аргентина федератив республикадир. Амалдаги конституцияси 1994 йил 24 августда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент. Президент ва вице-президент 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Миллий конгресс (парламент). Конгресс икки палата: сенат ва депутатлар палатасидан иборат, ижрочи ҳокимият президент ва ҳукуматдир.

Аргентиналиклар асосан европалик муҳожирлардан ташкил топган. Шунингдек, итальянлар, яҳудийлар, украинлар, испанлар, каталонлар, поляклар, немислар, французлар ва бошқалар ҳам яшайди. Туб жой аҳолиси—ҳиндуларнинг аксарияти европаликларнинг мустамлакачилик ҳаракатлари жараёнида қирилиб кетган. Уларнинг оз қисми (печуа, тупи-гуара ва бошқалар) Аргентинанинг шимоли-ғарбида ва Парагвай билан бўлган чегара яқинида яшайди. Расмий тили — испан тили. Диндорларнинг аксарияти католиклар. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 9 киши тўғри келади. Аҳолисининг 86 фоизи шаҳарларда яшайди.

Аргентина Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган. 1993 йил 9 сентябрда эса иккала давлат ўзаро дипломатик муносабатларни ўрнатган.

Аргентина иқтисодий жиҳатдан Лотин Америкасида энг ривожланган мамлакатлардан бири. Қишлоқ хўжалиги, саноатнинг турли тармоқлари ривожланган. Аммо 80-йиллар охирида бошқарувнинг самарасизлиги оқибатида Аргентина иқтисодиёти барбод бўлиш арафасида эди. 1989 йилда сайланган янги ҳукумат иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурини амалга оширди. Натижада Аргентина яна барқарор ривожлана бошлади. 1991 йилда қабул қилинган конвертация тўғрисидаги қонунга биноан, кўпчилик давлат корхоналари хусусийлаштирилди, иқтисодиётга чет эл инвестициялари жалб этила бошлади. Бюджет солиқлар орқали тўлдириб борилди. Аргентина асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. Етакчи тармоқ — озиқ-овқат саноати. Гўшт етиштириш ва экспорт қилиш соҳасида Аргентина дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Тўқимачилик, чарм-пойабзал тармоқлари ривожланган. Оғир индустрияда машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, қора металлургиянинг салмоғи катта. Цемент целлюлоза-қоғоз корхоналари бор. Нефть, газ, қўрғошин, рух, темир, уран, бериллий ва вольфрам рудалари қазиб олинади. Ёқилғи-энергетика балансининг салкам 85 фоизини нефть ва газ ташкил қилади. Атом электр станциялари қурилган.

Аргентинада чорвачилик маҳсулотларини, дон ва мойли экинлар ҳажмини товар сифатида тайёрлашга ихтисослашган. Йирик ер эгалиги ривожланган. 1 минг гектардан ортиқ ерга эга бўлган хўжаликларга ҳамма ерларнинг 75 фоизи қарайди. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг фақат 20 фоизига экин экилади. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи чорвачилик бўлиб, унда гўшт етиштириладиган қорамолчилик ва гўшт-жун олинадиган қўйчилик устун туради.

Ҳозирда Пампа Аргентинанинг экспорти учун буғдой, маккажўхори, гўшт чиқарадиган бош қишлоқ хўжалик туманидир. Пампанинг бирмунча қурғоқчил чекка



қисмларида чорва моллари етиштирилади. Мана шунинг учун ҳам Пампани кўпинча «гўшт фабрикаси», энг асосий қушхоналар жойлашган Буэнос-Айресни эса «гўшт пойтахти» ёки «Аргентина Чикагоси» деб аташади. Деҳқончиликнинг етакчи тармоғи — ғаллачилик. Буғдой, маккажўхори, жавдар, сули, арпа, техника экинларидан кунгабоқар, зиғир, пахта етиштирилади. Боғдорчиликдан узумчилик ривожланган.

Четга чиқариладиган қишлоқ маҳсулотларининг 80 фоизи гўшт, дон, ёғ, хом тери,жун, ҳўл мевалар. Четдан машиналар, транспорт воситалари, металл, ёқилғи, кимёвий товарлар келтирилади. Асосий савдо ҳамкорлари АҚШ, Бразилия, Италия, Германия ва Японияди р.

Сиёсий партияларига келадиган бўлсак, Фуқаро радикал иттифоқи, 1889 йилда тараққийпарвар зиёлилар томонидан тузилган. Биргалик ва тараққиёт ҳаракати 1957 йилда Фуқаро радикал иттифоқи партиясидан ажралиб чиққан гуруҳ негизида тузилган, Халқ социалистик партияси 1982 йилда тузилган, Муросасозлик партияси 1963 йилда Бирлик ва тараққиёт ҳаракати партияси бўлиниши натижасида вужудга келган; Хустисиалистик партияси 1947 йилда Х.Перон томонидан тузилган, Тараққийпарвар демократик партия 1909 йилда тузилган. Аргентинада коммунистик партия, социал демократик партия, демократик иттифоқ, христиан демократик партияси ҳам фаолият юритмоқда. Умуммеҳнат конфедерацияси 1930 йилда тузилган.

Аргентинада 133,8 минг ўринли касалхона (1 минг аҳолига 6 ўрин) бор. 53,7 мингдан ортиқ шифокор (450 нафар кишига 1 шифокор)-тиббий хизмат кўрсатади. Давлат соғлиқни сақлаш тизими тиббий ёрдамни суғурталаш ва хусусий шифокорлар хизмати билан бирга қўшиб олиб борилади. Шифокорларни университетларнинг 9 тиббиёт факультети тайёрлайди.

Бу давлатда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг мажбурий таълими жорий этилган. Давлат ўқув юртлари билан бирга хусусий мактаблар ҳам бор. Бошланғич мактабларда 3471 мингдан ортиқ, ўрта ўқув юртларида 1125 мингдан ортиқ ўқувчи ўқийди. Кўзга кўринган университетлари Буэнос-Айрес, Кордова, Ла-Плата, Санта-Фе ва бошқа шаҳарларда жойлашган. Бир қанча тармоқ академиялари, институтлари ва илмий жамиятлар илмий тадқиқотлар олиб боради. Буэнос-Айресда миллий кутубхона ва бир қанча музейлар жойлашган.

Аргентинада энг кўп тарқалган газеталар «Кларин» (600 минг нусха), «Кроника» (330 минг), «Нафон» (210 минг). Булардан ташқари «Расон» («Ақл-идрок», 1905 йилда чиқа бошлаган), «Пренса» («Матбуот», 1869 йилдан). «Гасета» («Газета» 1912 йилдан)лар ҳам оммабоп нашрлар ҳисобланади. «Теленотисиоса американа» ҳукумат агентлиги 1945 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. 52 та хусусий радиостанция алоҳида уюшмага бирлашган. 1951 йилдан буён телекўрсатувлар узлуксиз эфирга чиқади. 1959 йилда 22 та хусусий телестанциялар уюшмаси тузилган.

«Буэнос-Айрес геральд» кунлик газетаси инглиз тилида чоп этилади. Шу ерда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Аргентинада кабель телевизион хизмати дунё бўйича биринчи ўринда туради. Аргентинада энг юқори даражада турадиган телевизион тармоқлари: «7-канал» (давлатга қарашли), «Телефе»; «13-канал». Бу каналларни аҳоли йўлдош ёки кабель орқали томоша қилади. Фақат янгиликлар билан шуғулланадиган «Тодо нотисиас» телекомпанияси мавжуд.

Давлатга қарашли маданий радио канали, «Радио насьонал»; янгиликлар билан шуғулланувчи «Радио Америка» ва «Радио Митре», кўнгилочар «Надена—100» (FM диапазони) ва чет давлатларга хизмат қиладиган «Радио Аргентина аль эксперио р» станциялари фаолият кўрсатмоқда.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

ТУРКИЯДА ПОРТЛАШЛАР

Жаҳон ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари Туркиянинг савдо пойтахти Истамбулдаги террорчилик хуружларига «иккинчи 11 сентябрь» дея изоҳ беришмоқда.

Бир неча кун олдин «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳи камикадзелари томонидан икки яҳудий сенагогаси портлатилган эди. 20 ноябрь куни эса яна бир неча портлашлар амалга оширилди. Биринчиси Туркиянинг энг йирик банкларининг бири ёнида, иккинчиси Буюк Британия консуллиги ёнида содир этилди. Иккала портлашлар натижасида 28 киши дунёдан кўз юмган ва 500 дан ортиқ киши оғир тан жароҳатлари олган. Террорчилик хуружи оқибатида Буюк Британиянинг Туркиядаги консули ҳалок бўлган. Ён-атрофдаги кўплаб хонадонлар, дўконлар ва бошқа биноларга қаттиқ шикаст етган. Туркия полиция маҳкамаси бир неча кун олдинги портлашларни уюштирган шахсларни аниқлаган. Улар Туркия фуқаролари бўлиб, бири 29 ёшли Мақсуд Чабук ва 22 ёшли Чекхон Элонтунтошлардир.

Қўпорувчилик ҳаракати натижасида жабр кўрганларнинг аксарияти мусулмон туркларни ташкил этади, деб хабар беради «ВВС» ахборот агентлигининг интернет сайти.

МИСР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОҒЛИҒИ ЁМОНЛАШМОҚДА

Миср президенти Ҳусни Муборак парламентга қилаётган тўғридан-тўғри теленутқи давомида ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Бир неча дақиқа ўтгач, студияда ҳаво етишмаётганидан шикоят қилди ва ўзидан кетиб қолди.

Тўғридан-тўғри узатилаётган телемурожаатни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлган телестудия ходимлари Ҳусни Муборак соғлиғидан хавфсираб қолишди. Миср президентининг ахборот хизмати изоҳ беришича, ҳозирда Ҳусни Муборак ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ўзидан кетиб қолишига сабаб эса, грипп касаллиги билан оғриб, ҳали тўлалигича соғайиб кетмаганлигидир. Бу эса 75 ёшли Ҳусни Муборак соғлиғига таъсир кўрсатган, деб хабар беради «ВВС» ахборот агентлигининг интернет сайти.

ФАЛАСТИНДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Фаластин экстремистик гуруҳларидан «Хамас» ва «Ислом жиҳоди» яқин кунларда бўлиб ўтадиган Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш музокараларида қатнашиш истагини билдирди. Музокаралар 2 декабрда Қоҳирада бўлиб ўтиши керак.

Ушбу учрашувдан мақсад, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва террорчилик хуружларини тўхтатишдир. Ўтган галги келишувлардан сўнг экстремист гуруҳлар ўз фаолиятини 7 ҳафта тўхтатиб туришга эришган.

Тез кунларда эса Исроил ҳукумати ва Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Курия ўртасида музокаралар ўтказилиши режалаштирилмоқда. Учрашувдан мақсад, «Йўл харитаси» дастурини амалда қўллаш ва Яқин Шарқда тезроқ тинчлик ўрнатишдир, деб хабар беради «ВВС» ахборот агентлигининг интернет сайти.

Интернет хабарлари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Toza suv — obi hayot, tiriklik manbai bo'lgani holda, suv ifloslansa hayot uchun xavfli manbaga aylanadi va turli epidemiologik kasalliklarni keltirib chiqaradi.

СУВ ВА ҲАЁТ

Suv — kelajak uchun

(Давоми. Боши газетамизнинг 12 ноябрь сонида)

— Домла, суҳбатимиз аввалида дунё океанлари ва чучук сув ҳавзалари хусусида тўхталиб ўтдик. Албатта, шўр сувлар ва чучук сувлар бир-биридан фарқ қилади, уларнинг инсон учун аҳамиятли жиҳатлари ҳам фарқли. Шундай бўлса-да, уларни битта ном — СУВ бирлаштириб туради. Айтинг-чи, денгиз сувлари билан чучук сувлар ўртасида табиий боғланиш ҳам борми?

— Бўлганда қандоқ. Бемалол айтиш мумкинки, океан — чучук сув асоси ҳисобланади. Юқорида айтганимиздек, сув уч ҳолатда бўлади. Буғ ҳолатидаги сувларнинг асосий қисми (448 минг км^3) дунё океанлари юзасидан кўтарилади. Ҳолбуки, қуруқликдаги чучук сув ҳавзаларидан буғланадиган сувлар 71 минг км^{3}ни ташкил этади. Буғланган сувлар эса, ўз навбатида дарёлар тўйинишини таъминловчи асосий манбадир.

Қаранг, муқаддас китоблардан бири "Инжил"да бу ҳолатни ойдинлаштирувчи чиройли бир гап айтилган экан: "Ҳамма дарёлар денгизга оқади, лекин денгиз тўлмайди, дарёлар бошқатдан оқиш учун яна ўз жойларига қайтадилар".

Кўриниб турибдики, дунё океани инсонлар ҳаётида ва айниқса, чучук сув таъминотида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Олимларнинг фикрича, Ер курраснинг катта қисмини ташкил қилувчи океанларда тирик организмларнинг тўртдан уч қисми пайдо бўлган. Шунингдек, океанларнинг ердаги ҳаётга таъсир этувчи яна бир хусусияти, у атмосферани кислород ва одамларни оқсил моддалари билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

— Океан сувларини чучуклаштириш самара бермасмикан?

— Олимлар фикрича ҳам, келажакда инсониятни чучук сув билан таъминлашда океанлар имконияти каттадир. Бироқ ҳозирча шўр сувларни чучуклаштириш усули иқтисодий жиҳатдан жуда қимматга тушмоқда. Шундай бўлса-да, бундай иншоотлар Қувайтда, Жазоирда, БААда, Саудия Арабистонида, Ливияда, АҚШда, Қозоғистонда, Озарбойжонда ишлаб турибди. Лекин бу мосламалар аҳолини чучук сув билан таъминлашда "денгиздан бир томчи", холос.

Океанлардаги узунлиги 1 км, эни 500-600 м, баландлиги 300-500 метргача бўлган музтоғларни (айсберг) жанубий денгизларга тортиб келиб порт шаҳарларда эритиб, унинг чучук сувидан фойдаланиш ҳам истиқболли дастурлардан. Фақат буларнинг барчаси учун океанлар ҳам тоза сақланиши зарур бўлади. Ҳолбуки, ҳозирга келиб океанларнинг инсон туфайли нефт маҳсулотлари ва оғир металлар, айниқса, радиоактив моддалар билан кўп миқдорда ифлосланиб бораётганлиги аянчли ҳолдир.

— Демак, тоза сув миқдорининг чекланганлиги инсоният жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиши лозимлигини уқтиради. Албатта, инсонлар бугун ўз ҳаётлари учун сувнинг аҳамияти беқиёс эканлигини яхши англайдилар ва сувни экологик жиҳатдан тоза сақлаш бўйича маълум ишлар ҳам қилинмоқда. Шундай бўлса-да, бугунги кунда сув муаммоси ўз ечимини тополмаётган экан, бунинг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?

— Тоза сув миқдорининг чегаралганлиги ва танқислиги, айниқса, унинг дунё бўйлаб нотекис тақсимланишида кўринади. Масалан, ҳозирги кунда ер шарининг 60 фоиз майдонида чучук сув билан етарли даражада таъминланмаган.

Чучук сув заҳирасининг йилдан-йилга камайиб, сув муаммоси кескинлашувининг асосий сабаби сифатида:

— жаҳон аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайиши;

— чучук сув заҳираларининг саноат ва қишлоқ хўжалигида кўплаб ишлатилиши;

— Ернинг сув қобиғи ифлосланиб бориши ва сув манбаларининг ўз-ўзини тозалаш қобилиятининг пасайишини айтиб ўтиш лозим.

— Сув муаммосининг кескинлашуви сабабларидан бири сифатида аҳолининг кўпайиб боришини ҳам таъкидлаб ўтдингиз. Айтинг-чи, сайёрамиздаги чучук сув заҳиралари қанча аҳолининг эҳтиёжини қондира олади?

— Гидросферанинг миқдори, М.И.Львович маълумотига кўра, 1458642 минг куб/км.ни ташкил этсада, унинг асосий қисми — 1370322 минг куб/км. миқдори океанлар ҳисобидадир.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, ер юзидаги мавжуд бўлган чучук сувлар ва фойдаланиш мумкин бўлган ер ости сувлари 60 миллиарддан ошиқ аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун етади (фақат ичиш эмас, саноат ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинганда). БМТ демографларининг тахминича, Ер шари аҳолиси 12-14 миллиард киши атрофида барқарорлашиши эҳтимоли бор.

Демак, чучук сув муаммосининг вужудга келишида асосий сабаб унинг камлиги эмас, балки дунё бўйлаб нотекис тақсимланишидадир. Айрим мамлакатлар ҳудудида сув "тилла баҳоси" бўлиб танқисланиб турганида, дейлик, шимолий ҳудудларда сув беҳудага оқиб ётади. Сувга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларда унинг ифлосланиши ҳам юқори даражада эканлиги кузатилади. Ҳақиқий тоза сув одамлар манзилгоҳларидан узоқларда сақланиб қолган, холос. Бундай жойларда дунё тоза сув заҳирасининг 80 фоизи мавжуд. Энг қизиғи, қолган 20 фоиз тоза сувли майдонларда жаҳон аҳолисининг 90 фоизи жойлашган. Табиийки, бундай ҳудудларда сув муаммоси кундан-кунга кескинлашиб бормоқда. Шу ўринда бир мисол. Олимлар сайёрамиздаги биринчи ақлли одамларнинг (Homo sapiens) пайдо бўлишини 40-50 минг йиллик давр билан тахминлайдилар. Профессор Покишевский маълумотига кўра, мана шу узоқ даврдан то 1000 йилларгача дунёда атиги 3 миллион одам яшаган. 1600 йилга келиб, аҳоли 500 миллионга, 1830 йилга келиб эса, бир миллиардга етган. Ундан кейинги ўн йилликларда одамзоднинг кўпайиши мисли кўрилмаган даражада тезлаша бошлади. Иккинчи миллиард учун 100 йил (1930 й.), учинчи ва тўртинчи миллиардлар учун 30 йилдан ва бешинчи ҳамда олтинчи (2000 й.) миллиардлар учун атиги 12 йил етарли бўлди. Ҳозирда йиллик табиий кўпайиш 90-100 миллион нафарни ташкил этмоқда. Демографлар тахминича, 2025 йилга бориб, Ер шари аҳолиси нуфузи 8,5 миллиардга етиши мумкин.

Энди тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Чучук сув заҳиралари ўзгармагани ҳолда тобора ўсиб бораётган дунё аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қандай қилиб қондириш мумкин?! Ҳозирнинг ўзида дунё аҳолисининг учдан бир қисмигина тоза сув ичгани ҳолда, яна учдан бир қисми ичса бўладиган, қолган бир қисм аҳоли эса, ичишга умуман яроқсиз, ифлосланган сувдан истеъмол қилади. Бундай ифлосланган сувдан ичадиган аҳоли ўртасида ўлим даражаси ҳам юқоридир. Тоза сув — оби ҳаёт, тириклик манбаи бўлгани ҳолда, сув ифлосланса ҳаёт учун хавфли манбага айланади ва турли эпидемиологик касалликларни келтириб чиқаради.

— Юқорида айтиб ўтилган гаплардан ҳам кўринадики, одамзод ўз келажагини, ўз насли бардавомлигини ўйласа, сувни исроф этмаслиги ва ифлослантирмаслиги лозим экан. Биласизми, ўзимизнинг сув узоқдан ташиб ичиладиган чўл ҳудудларимиздан пойтахтга ўқишга келган бир талаба йигит таҳририятга мактуб йўллаган ва шаҳарда ўзи учун болаликдан азиз бўлган сувнинг бунчалик исрофгарчилигини кўриб, тасаввурига сиғдира олмаётганлигини ҳайратланиб ёзганди. Ростдан ҳам, шаҳарларда қишлоқлардагига қараганда сув сарфи, исрофгарчилиги жуда юқори эмасми?

— Бу ҳақиқат. Ҳозирги кунда шаҳарларда коммунал хўжалик тармоқларининг ҳам чучук сувга бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бораяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир кунда бир қишлоқлик ўртача 55 литр сув сарфлагани ҳолда, шаҳарлик 150 литр сувни сарфлаб юборар экан. Жаҳоннинг жуда йирик шаҳарларида сув сарфи бундан ҳам юқори. Масалан, Москвада ҳар бир одамга кунига 600, Санкт-Петербургда 700, Нью-Йоркда 800 литргача сув сарф бўлар экан. Ювиниш, кир ювиш, соқол олиш каби кундалик юмушларга, қаранг, қанча сув исроф бўлаяпти.

Ҳозирда урбанизация жараёнининг тезкорлигини эсга оладиган бўлсак, бу рақамлар янада сергак торттиради одамни. Бундан 50 йиллар муқаддам дунё аҳолисининг 30 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, бу кўрсаткич 2001 йилга келиб 50 фоизни ташкил этди. Мутахассислар башоратича, асримиз ўрталарига бориб ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 90 фоизи шаҳарларда яшайди. Ҳатто ҳозир ҳам Буюк Британия, Испания, Исроил, Нидерландия аҳолисининг 90 фоизи, АҚШ, Канада аҳолисининг 82 фоизи, Швеция, Германия аҳолисининг 80 фоизи, Япония аҳолисининг 78 фоизи шаҳарларда истиқомат қилмоқда. Кам қисм қишлоқ аҳолисининг катта нуфуздаги шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб улгуриши ҳам бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи бир мезон бўлиб қолаяпти.

Бу ўринда чучук сув заҳирасининг 60 фоизини қишлоқ хўжалик тармоқлари истеъмол қилишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Фақат ХХ асрнинг ўзидаёқ суғориладиган ерлар майдони 40 миллион гектардан 250-300 миллион гектарга кўпайди. Суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг асосий қисми Ҳиндистон (57 млн. гектар), Хитой (50 млн.гектар), АҚШ (21 млн.гектар), Покистон (17 млн. гектар) каби давлатларга тўғри келади.

— Шу ўринда бир мулоҳаза. Демак, сув жамики мавжудоднинг тириклик боиси экан. Маълумотларга қараганда, ўсимликлар таркибининг 90 фоизи, одамлар ва ҳайвонлар организмининг 75 фоизи сувдан ташкил топади ва организмдаги сувнинг 10-12 фоизи йўқотилса, бу ҳалокатли бўлиши мумкин. Биз, инсонлар ўз эҳтиёжлари учун қанча сув сарф этишлари, ўсимликлар парвариши учун қанча сув зарур бўлиши хусусида биламиз ва кўп гапирамиз. Лекин ер юзидаги мавжуд ҳайвонларнинг сув истеъмоли кўпинча эътибордан четда қолмаяптими?

— Бу бир қизиқ ҳолат. Сув истеъмолида фақат одамларни ҳисобга оламизу, нега жониворларни ҳисобламаймиз! Ҳолбуки, ҳайвонлар ҳам сув истеъмол қилишда ва уни ифлослантиришда одамлардан қолишмайди. Масалан, бир кунда қўй ва эчки 5-6 литр, эшак 10-12, от 10-15, сигир ва чўчқа 15-20, бўрдоқи новвослар 30 литргача сув ичади. Туя эса, бир ичишда 100 литргача сув ичиши мумкин.

Ҳайвонларнинг сони ҳам ер юзидаги одамлардан кўпроқдир. Маълумотларга қараганда, жаҳонда йирик шохли қорамоллар сони тахминан 1 миллиард 300 миллионга тенг (шундан: 210 млн. Ҳиндистонда, 165 млн. Бразилияда, 102 млн. АҚШда, 100 млн. Хитойда ва ҳ.к. мавжуд).

Қўйларнинг сони эса, 1 миллиард 200 миллионта (Хитойда 132 млн, Австралияда 123 млн, Эронда 50 млн, Янги Зеландияда 47 млн).

Чўчқаларнинг сони 1 миллиард атрофида (Хитойда 425 млн, жами чўчқаларнинг 50 фоизи шу давлатда, АҚШда 60 млн, Бразилияда 35 млн).

Эчкилар сони 700 миллион бўлиб, катта қисми Туркия, Эрон, Анд ҳудудидадир. Дунёда товуқлар сони 14 миллиард бўлиб, унинг 3 миллиарди Хитойда боқилади.

Сувни кўп истеъмол қиладиган ва ифлослантириб, касаллик тарқатадиган зараркунанда ҳайвон-каламуш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Каламушлар сони ҳозирги кунда турли манбаларда 10 миллиард атрофида эканлиги таъкидланмоқда.

Бу ўринда бир гуруҳ ҳайвонларнигина санадик. Биз санамаган ҳайвонлар ва уларга кетадиган сув сарфи қанча! Эҳ-ҳе!

Айтиш жоизки, ер юзида инсоният нуфузи ошиб боргани сари боқиладиган ҳайвонлар сони ҳам ортиб бораверади. Чунки, одамзод ўз эҳтиёжига кўра, уларнинг гўшти, жуни, сути, тухуми, ёғи, териси учун кўпайтира боради. Масалан, кейинги 50 йил ичида чўчқалар сони 3 мартага кўпайган бўлса, товуқлар сони 30 йил ичида 2 мартага ортган. Албатта, бу ҳайвонлар кўпайгани сайин, уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳам орта боради. Зеро, халқимиз нақлида топиб айтилганидек: "Бир товуққа ҳам дон, ҳам СУВ керак".

(Давоми бор)

Суҳбатдош:
Икром БЎРИБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА АРМРЕСТЛИНГ

СПОРТНИНГ БУ ТУРИ БЎЙИЧА ИККИ ЎЗБЕК ЙИГИТИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

Бугунги кунда республикамиз спортчилари спортнинг ҳамма турлари бўйича жаҳон чемпионатларида иштирок этмоқда. Бунинг натижасида медаллар шодасини қўлга киритиб, юртимизга олиб келишмоқда. 13—18 ноябрда Россиянинг Суздаль шаҳрида ўтказилган армрестлинг бўйича жаҳон чемпионатидан ҳам ҳамюртларимиз 2 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритиб қайтишди. Шу муносабат билан чемпионларни республика армрестлинг федерацияси президенти Рисбой Жўраев қабул қилди. Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган жиззахлик Умид Аҳмедов (олтин медал), самарқандлик Юсуф Қодиров (олтин медал), сирдарёлик Фарид Усмонов (кумуш медал), фарғоналик Аваз Асадов (бронза медал), сирдарёлик Фарҳод Худоёров(сертификат), самарқандлик Арсен Ноджаров (сертификат)ларни федерация президенти яна бир бор табриклар экан, бу спорт турини янада ривожлантириш керак эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг чемпионларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бу чемпионларни кузатар экансиз, уларда Ватанга бўлган муҳаббат, Ватан шарафини ҳимоя қилишдек улуғвор ҳиснинг уфуриб турганлигини кўриш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, жиззахлик олтин медал соҳиби Умид Аҳмедовни суҳбатга тортдик.

— Суздалда бўлиб ўтган чемпионатда дунёнинг тараққий топган 24 давлатидан 650 нафардан ортиқ спортчилар ташриф буюриб, куч синашдик. Финал босқичидаги бразилиялик рақибим анча кучли эканлигини ҳис қилдим. Лекин барибир чемпион бўлдим.

— Айтинг-чи, бу армрестлингдаги энг катта ютуғингизми?

— Нима десам экан, менимча, йўқ. Чунки бешинчи марта олтин медални қўлга киритишим. Энг катта ютуқни 1998 йил Мисрда ўтган чемпионатда қўлга киритгандим.

Тўғрисини айтганда, армрестлинг республикамиз учун ҳозирда спортнинг янги тури бўлса-да, лекин анча ривожланди. Шу ерда Ўзбекистонда армрестлинг бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсак.

Армрестлинг инглиз тилидан таржима қилинганда қўл кураши маъносини билдиради («арм» — қўл, «рестлинг» — кураш). Спорт тури сифатида 40 йилча олдин расмийлаштирилган. Якка курашнинг бу тури кўпгина халқларда байрам ва тантаналарнинг безаги бўлиб, энг кучли одамни танлаш имконини беради.

Армрестлинг аввалдан курашчиларни махсус тайёрловчи машқлар тизимига киради. Бу кураш тури 70-йилларнинг бошида Америкада вужудга келган эди. Ҳозирги кунга келиб бу спорт тури оммалашди. Европа ва Осиёда 20 дан ортиқ жаҳон чемпионатлари бўлиб ўтган. Бугун Ўзбекистон Федерацияси ҳам фаолият юритмоқда. Бу спорт тури содда, осон ва кенг тарқалгандир. Бу унинг жозибадорлиги ва рақобатдошлигидан дарак беради. Армрестлинг — муболағасиз ҳамма учун хизмат қилади. Шунинг учун унинг ишқибозлари кундан-кунга ортиб бормоқда.

Якка курашнинг бошқа турлари кишидан ойлаб, йиллаб тайёргарликларни талаб этса, у ортиқча тайёргарликни талаб этмайди. Армрестлингда барча ёшдаги инсонлар қатнашиши мумкин: эркаклар ва аёллар ҳам. Мусобақаларни ўтказишнинг осон шартлари моддий томондан катта харажатларни талаб этмаслиги ушбу спорт турини янада такомиллаштириб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армрестлинг бошқа спорт турларидан кескин фарқ қилади. Биргина мисол. Бунда ногиронлар ҳам, бошқа соғлом армрестлинг усталари билан куч синашиши мумкин.

Армрестлинг — спорт тури сифатида Ўзбекистонда 1991 йилнинг охирида қайд қилинди. Шу йили жамият федерацияси ташкил қилинди. Бу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти миқёсларида кўпгина чемпионатлар ўтказилди. Ўтган йили федерация аъзоларининг ташаббуси билан армрестлинг «Талабанинг спорт ҳафтаси» дастурига киритилган эди. Бу дастурда Тошкентнинг 14 та олий ўқув юртлари иштирок этганди. Бунда ғолиб чиққан талабалар Ўзбекистон Республикасининг армрестлинг тарихида биринчи чемпионлар бўлди. Булар тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари Р.Йўлдошева, Г.Сайдалиева, Б.Алтабаева; педагогика институтидан М.Бобониязова; ирригация институтидан Л.Мастелль, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидан Н.Кулаковалар эди.

Армрестлинг ҳозирда Ўзбекистонда спортнинг энг оммабоп тури қаторидан жой олган. Бу спорт тури Тошкент, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Сирдарё вилоятларида яхши ривожланмоқда.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, яқин кунларда армрестлинг бўйича «Маърифат» газетаси соврини учун халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги муассаса раҳбарлари ўртасида мусобақа бўлиб ўтади. Ушбу мусобақа ҳақида кейинги сонларда тўлиқроқ тўхталиб ўтамиз.

Шерзод АҲМАТОВ,
«Маърифат» мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ҳадемай, қишнинг аёзли кунлари ҳам бошланади. Бу даврда ёнғинлар бирмунча кўпаяди. Ёнғинлар келиб чиқишига эса аксарият ҳолларда фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги сабаб бўлади.

Халқимизда бекорга сув балосидан ва ўт балосидан асрасин деган нақл юрмайди. Ёру дўстлар билан учрашиб қолсак, саломатлигини, оила тинчлигини сўраб-суриштирамиз. Бироқ, тинчлик-осойишталик нақадар олий неъмат эканлигини ҳамма вақт ҳам англаб етавермаймиз. Лоқайдлигимиз, масъулиятни унутиб қўйишимиз натижасида ёнғин содир бўлса, тинчликнинг қадри билинади, нима учун биз соғлигимиз ҳақида фақат уни йўқотганимиздан сўнг, тинчлигимиз ҳақида фожеа юз бергандагина ўйлашимиз керак. Шунинг учун бор имкониятни ишга солиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг.

Ёнғинларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик мақсадида 2003 йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими сизлардан ушбу ойликда фаол қатнашишингизни ва ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга амал қилишингизни сўрайди:

— Электр ва газ иситиш асбобларидан фойдаланиш даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг ва қаровсиз қолдирманг.

— Ювилган кийимларни қуритиш учун очиқ алангага яқин жойга османг.

— Мўриларни ёнғин чиқмаслиги учун ўз вақтида тозалаб туришни унутманг.

— Ёш болаларни уйда ёлғиз, қаровсиз қолдирманг.

Ушбу ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсангиз ўз хонадонингизда ёнғин келиб чиқишининг олдини олган бўласиз.

Унутманг, ҳар қандай ёнғин — бу йўқотишдир!

Р.БАРАТОВ,
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори,
ички хизмат капитани

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 29 ноябрь куни чиқади.

2003 йил 26 ноябрь соат 10.00 да Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида (манзили: Тошкент ш. Амир Темур кўча, 24, 406-хона.) "Музқаймоқ" давлат унитар корхонаси кредиторларининг йиғилиши бўлади. Маълумот учун телефонлар: 1320704, 1392377.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг собиқ масъул ходими Гули Ҳасановага падари бузруквори

СОДИҚ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоаси ушбу факультет "Жиноят процесси" кафедраси профессори

Турсун ТОЖИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

Республика таълим маркази ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Умумий ишлар" бўлими методисти Муяссар Ўраловага отаси

АБДУҚОДИР отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг меҳнат фани ўқитувчиси Муҳаббат Ибрагимовага волидаи муҳтарамаси

ШОҲИДА АЯнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

O'zbekiston Hukumati tomonidan g'allachilikni rivojlantirish uchun amalga oshirilgan uchta muhim masala filmda qayd etiladi.

Taassurot

ҚУТ ЯРАТИШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДАГИ ФИЛЬМ

Шу ҳафта боши, яъни 17 ноябр оқшомида ТВнинг 1-дастури орқали "Ўзбектелефильм" студиясининг янги маҳсулоти— "Тўкинлик" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Халқимиз, ижтимоий-сиёсий эркинликнинг муҳим унсури — ғалла мустақиллигига қандай йўллар билан етиб келгани тўғрисида ҳикоя қилувчи бу далил, бошқаларда қандай, билмадим-у, аммо менда яхши таассурот қолдирди. Гап шундаки, ғалла мустақиллиги масаласи жафокаш, меҳнаткаш миллатимизнинг юз йиллик армони эди.

Тарихчилар ва файласуфларга яхши маълумки, бирон улус қарамлик исканжасига олинаркан, у ерда пахта яккаҳокимлиги ўрнатилади. Чунки ўз ерида фақат пахта етиштирувчи халқ ғалла етиштирувчи бошқа миллатларга қарам бўлади. Шу боисдан ҳам мустақиллик учун кураш авж олган 80-йилларда Ўзбекистон зиёлилари ўлкамиздаги пахта яккаҳокимлигига қарши қатъий талаблар билан майдонга чиққан эдилар. Мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигини эълон қилган йилларда ёш ҳукуматимизга ғалла заҳиралари хатарли даражада оз қолганди. Фильмда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1992 йил июль ойи бошида Олий Кенгаш сессиясида: "... жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик остонасида турибмиз", дегани кўрсатилади. Ғалла мустақиллиги учун кураш ана шундай оғир паллада бошланганди.

Аслида бизнинг халқимизда, фильмдаги тарих фанлари доктори Абдухалил Маврулов айтганидай, милоддан аввалги учинчи мингйилликлардаёқ деҳқончиликнинг ўзига хос технологияси мавжуд эди. Сурхондарё вилоятининг Сополлитепа манзилгоҳидан топилган тош ёрғучоқлар, ўғирлар, қорайиб кетган буғдой, арпа ва тариқ доналари бу фикримизга далил бўла олади.

"Темур тузуклари"да, "Шажараи турк" асарида кейинги юзйилликларда ҳам буғдойзорлар бепоён бўлганини исботловчи гаплар бор. Халқимиз ҳамма вақт ўзини-ўзи дон билан таъминлаган ва чет элга ҳам сотган.

Фильмда ана шу фикр талай ҳужжатлар орқали томошабинга сингдирилади. Шундан кейин Чор Россиясининг истилоси ва вазирлардан бири Кривошеиннинг императорга мактуби ва ушбу мактубда вазирнинг Туркистонни пахта ўлкасига айлантириш лозимлиги ҳақидаги фикри келтирилади. Бу ҳужжатлар сўнгида дикторнинг аламли садоси янграйди:

— Ғалла майдонларини ғўза эгаллаб, ўлкада донга муҳтожлик пайдо бўлди. Деҳқонлар пахтанинг йил бўйи давом этадиган оғир меҳнатига гирифтор этилдилар, фикрлашга фурсатлари қолмади. Чор империяси пахта учун чет элларга сарфлайдиган 70 миллион олтин пулини тежаб қолди...

... Шўролар ҳукуматининг сўнгги йилларида Ўзбекистон фақат пахта хомашёси етказиб берадиган базага айланиб қолди.

Иқтисод фанлари доктори Расулмат Ҳусановнинг ҳикоя қилишича, мустақилликнинг дастлабки йиллари бизни дон билан таъминловчи ҳамкор қўшни юрт — Қозоғистонда бўрон бўлиб ғалла битмаган, Ўзбекистоннинг дон заҳираси эса, уч кунгинага етарли қолган экан.

Ана шундай оғир пайтларда халқимиз ўз ҳукумати етакчилигида энг олдин ғалла мустақиллигини яратиш учун маҳкам бел боғлади. Бирма-бир жуда муҳим тадбирлар амалга оширилди, дейилади фильмда. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи Шавкат Қаршиев, ғаллачилик бўйича комбайн бошқарувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев, уруғчилик бўйича Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Аламатов, "Ўзагромашсервис" бошлиғи Жалил Зиёдов ва бошқалар бу ҳақда ҳикоя қиладилар.

Ўзбекистон Ҳукумати томонидан ғаллачиликни ривожлантириш учун амалга оширилган учта муҳим масала фильмда қайд этилади.

Биринчи муҳим масала, ғалла майдонларини кенгайтириш, ерни фермер ва пудратчилар қўлига топширишдан иборат эди. Мутахассис фикрича, саноқли йиллар ичида суғориладиган бошоқли дон экинлари майдони 4,8 баравар ортган ва ҳосилдорлик гектар бошига 22,2 центнердан 42,6 центнерга етган.

Иккинчи муҳим масала, уруғчиликни такомиллаштириш ва серҳосил янги навларни яратишдан иборат эди. Андижон Уруғчилик институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Равшанбек Сиддиқовнинг таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августдаги "Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Андижонда бошоқли дон ўсимликлари илмий-текшириш институти ташкил этилди ва унга сифатли уруғлик яратиб, республика хўжаликларини сифатли уруғлик билан таъминлаш вазифаси юкланди. Корхона қисқа муддатда Германиянинг "Петкус" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Илмий муассасалар қисқа вақт ичида буғдойнинг 14, арпанинг 8 маҳаллий навини яратдилар. Шунингдек, жаҳон селекцияси ютуқларидан фойдаланиш мақсадида хорижий илм муассасаларидан 50 дан ортиқ янги нав олиб келиниб, улардан маҳаллий шароитга мослашган, серҳосил, юқори сифатли, касаллик ва зараркундаларга чидамли 23 таси танлаб олинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу навларнинг айримлари ҳар гектар ердан ўртача 70-80 центнергача ҳосил бермоқда.

Учинчи муҳим масала, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун энг замонавий техникани қишлоқ хўжалигига жалб этиш муаммоси эди, бу муаммо ҳам ҳал этилди.

Бу соҳа мутахассисининг баҳотига қараганда, ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш учун 1995-2002 йилларда мамлакатимизга хорижда ишлаб чиқарилган 1836 та юқори унумли ғалла комбайнлари олиб келинди.

Натижа эса мана бундай:

Халқимизнинг ғаллага эҳтиёжи йилига 6 миллион тонна...

1991 йилда 1 миллион 9 минг тонна ғалла етиштирилган эди.

2002 йилда 5 миллион 400 минг тоннани ташкил этди.

Ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 22,2 центнер эди.

2002 йилда гектарига ўртача 43 центнергача етди.

Халқ эҳтиёжи ўз-ўзимизда тўла-тўкис қопланишига жуда оз масофа, жуда оз муддат қолди.

"Тўкинлик" ҳужжатли фильмининг муаллифлари (сценарий муаллифи Шойим Бўтаев, режиссёр Шуҳрат Бизоатов, оператор Марат Солиев, муҳаррирлар Бахтиёр Муҳамедов ва Назиҳа Камолова, директор Раъно Қосимбекова) 50 дақиқа давомида томошабинни зериктирмай "тутиб туриш" заҳматини зиммага олганлар ва бунга эришганлар, деб ўйлайман. Фильм, ҳужжатли асарлар фондида давр ва унинг муаммолари, қут яратишнинг оғир ва шарафли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим бойлик бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Миразиз АЪЗАМ

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ 2003 йилнинг декабрь ойида қуйидаги курсларни режалаштирган

Т/р	Курс номи	Муддати
1.	ҚР, Тошкент шаҳри ва вилоят ПҚТМОИ ижтимоий фанлар кафедра ва кабинет мудирлари ва ўқитувчилари	15—27
2.	Туман(шаҳар) ХТБ кимё-биология методистлари	1—13
3.	Туман(шаҳар) ХТБ жисмоний тарбия, ЧЁТ, инсон хавфсизлиги фанлари методистлари	15—27
4.	Вилоят халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари раислари	1—13
5.	Ташхис маркази раҳбарлари	1—13
	Умумий ўрта таълим мактаб директорлари, мутахассислик фанлари бўйича:	
6.	Ўзбек тили ва адабиёти фани	1—20
7.	Тарих-география фанлари	1—20
8.	Математика, информатика фанлари	1—20
9.	Физика, умумтехника фанлари	1—20
10.	Рус ва хорижий тиллар фанлари	1—20
11.	Ёш директорлар (5 йилгача стажли)	1—20
12.	ЎТИМ директор ўринбосарлари	15—27
13.	ЧЁТ раҳбарлари маърузачилар курси	1—13
14.	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг тарбиячилари	1—13
15.	Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг Конституция ва ҳуқуқ ўқитувчилари	15—27
16.	Ташхис маркази дефектологлари	15—27

Эслатмалар:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари, республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулот олиб борадилар. Санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи музейи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, музей ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилганлиги ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.

4. Хоҳловчилар профилакториянинг ўзидан нақд пулга йўлланма сотиб олишлари мумкин.

МАНЗИЛ: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспортлар: Шимолий вокзалдан 20-троллейбус ва Жанубий вокзалдан 131-автобуснинг «Талабалар шаҳарчаси» бекатигача.

«НИЛУФАР» СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0025. Тиражи 19156. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ. Навбатчи: Дилмурод СОДИҚОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.